

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**У.ЭШОНХЎЖАЕВ НОМИДАГИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
БОШҚАРМАСИ**

**МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА
ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ**

Муаллиф: сиёсий фанлар доктори

Камолиддин Юнусов

«Хаёт» нашриёти

Андижон – 2009йил

Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон Давлат университети илмий кенгашининг 2007 йил 14 декабрь куни ўтказилган йиғилишида муҳокама қилиниб, нашр этишга тавсия қилинган.

Мазкур қўлланма Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон Давлат университети Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси, У.Эшонхўжаев номидаги Андижон вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳамда халқ таълими Андижон вилоят бошқармаси ҳамкорлигида тайёрланди.

Мазкур қўлланма миллий ғоянинг жамият ҳаёти билан узвийлигини таъминлаш, уни ёшлар онги ва қалбига сингдириб боришнинг назарий ҳамда услубий-амалий жиҳатларини ёритиб беришдек ўта муҳим ва долзарб муаммога бағишланган.

Қўлланмани тайёрлашдан асосий мақсад – ҳозирда, жамиятимизда кенг тарғиб қилинаётган миллий ғоянинг назарий ва услубий жиҳатларини ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш ҳамда турли мафкуравий таҳдидларга қарши кураш омили сифатидаги аҳамиятини очиб беришдан иборат.

Қўлланма таълим тизимининг барча бўғинларида хизмат қилаётган мураббийлар, ўқитувчилар, маънавият-маърифат ишлари бўйича мутахассислар, шунингдек, талабалар, магистрлар, аспирантлар, докторантларнинг ижодий иш фаолиятида фойдаланишлари учун мўлжалланган.

Муаллиф: сиёсий.ф.д. Камолиддин Юнусов

Тақризчилар: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ўқув ишлари бўйича про-ректори, социология фанлари доктори, профессор А.Ж.Холбеков; фалсафа фанлари доктори, профессор Т.О.Ортиқов.

МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	4
Кириш	7
I боб. Миллий ғоя тарғиботининг назарий ва услубий жиҳатлари	9
1§ Миллий ғоя – ҳаётий зарурият.....	10
2§ Миллий ғоя ва ижтимоий тараққиёт.....	14
3§ Ўқувчи ва талаба ёшлар онгида миллий ғояни шакллантириш йыллари.....	18
4§ Жамиятнинг маънавий юксалишида миллий ғоянинг роли.....	21
II боб. Миллий ғоя ва ижтимоий ҳаёт	28
1§ Миллий ғоя ва демократия – барқарорлик ва тараққиёт шарти.....	29
2§ Ёшлар ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт.....	33
3§ Етук кадрлар - жамият тараққиётининг муҳим омили.....	37
4§ Янги ҳаёт ўз-ўзидан қурилмайди.....	40
III боб. Миллий ғоя – мафкуравий ҳуружларга қарши кураш омили	44
1§ Мафкуравий таҳдидлар ва уларга қарши кураш омиллари.....	45
2§ Халқаро терроризм ва диний экстремизм – тараққиёт кушандаси.....	50
3§ Ахборот ҳуружи ва унга қарши самарали кураш усуллари.....	56
Хулоса	61
Қўлланмага оид қисқача изоҳли луғат	63
Фойдаланиш учун адабиётлар рўйхати	133

Сўзбоши

Бугунги кунда, мамлакатимизда ҳукукий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, миллий мафқурани шакллантириш, баркамол шахсни тарбиялаш, жамиятда миллатлараро тотувликни таъминлашда маънавий масалаларига жиддий аҳамият берилмоқда.

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга ошириб борилаётган туб ислохотларнинг пировард мақсади, Президентимиз Ислоҳ Каримов кўрсатиб берганидек, юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб беришдан иборатдир. Айнан шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан мукамал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғояси рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бинобарин, бугунги кунда, мамлакатимизда инсон омилига жиддий эътибор қаратилмоқда. Инсон омили, унинг жамиятдаги бурчи, ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларига эътибор, Ўзбекистонда демократияни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий ва бош йўналиши сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистон миллий мустақилликка эришгандан буён, мамлакатни демократлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини барпо қилиш жараёнида шахс, жамият, давлат ўртасидаги муносабатларга янгича қараш ва ёндашувни тақозо қилмоқда. Президентимиз таъкидланганларидек, эркин фуқаро, онгли яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтириш бизнинг бош миллий ғоямиз бўлиши зарур. Чунки жамиятимиз маънавий ҳаётида амал қилаётган миллий мафқуранинг бош ғоясида шахс ва миллатнинг озод ва эркин яшаши, Ватан равнақи йўлида уларнинг барча имкониятларини рўёбга чиқариш, орзу интилишларини амалга оширишдек улғу мақсадлар мужассамлашган.

Президентимиз кўрсатиб берганидек: «Миллий ғоя, миллий тафаккурни шакллантирмай, таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилиш, одамларнинг онгини ўзгартириш, уларни умумбашарий мақсадлар сари йўналтиришдек мураккаб ижтимоий вазифаларни ечиш мумкин эмас»¹.

Миллий ғояни ёш авлод онги ва қалбига сингдириб бориш орқалигина уларда Ватанга муҳаббат, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантириш, ёт ғояларга қарши мафқуравий иммунитетни шакллантириш каби муҳим вазифаларни бажариш мумкин.

Миллий ғояни ёшлар онги ва қалбига сингдириб бориш ҳозирги кундаги долзарб вазифага айланганлиги бежиз эмас. Президентимиз айтганларидек, замон «Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан курашиш» ни талаб этмоқда. Ғоялар кураши тарихида бўлганидек, ҳозирги даврдаги мафқуравий кураш ҳам ниҳоятда кескин ва серқирра жараёндир.

Ҳозирда, мамлакатимиз миқёсида олиб борилаётган туб ислохотлардан кўзланган пировард мақсадимиз – Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган фаолиятда миллий ғоянинг халқни бирлаштириш, фаоллаштиришга сафарбарлик кучидан фойдаланиш жуда муҳим аҳамият касб этади.

Миллий ғоя жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида ўз таъсирини кўрсатиб, кўп миллатли Ўзбекистон халқининг орзу-интилишларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади. Миллий ғоя ўзида умуминсоний тамойилларнинг бунёдкорликка, ижтимоий тараққиётга оид барча жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган холда, ўзбек халқининг ўзига хос хислатларини, кадриятларини, минг йиллардан буён сақланиб, янада сайқал топаётган урф-одатларини, менталитетини ифода этади. Шунинг учун, миллий ғоя ҳаётимизнинг барча соҳаларида, кундалик турмушимизда ўзини намоён қилмоғи лозим. Вояга етиб келаётган ёш

¹ И.А.Каримов Хушёрликка даъват. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги муҳбирининг саволларига жавоблари. Тошкент. «Ўзбекистон» нашриёти, 1999 й.

авлод дунёқараши миллий ғоя билан суғорилмоғи ва шаклланмоғи зарур. Уларнинг ҳаётда ўз йўлини топиб олишида, мустақил тўғри фикрлайдиган етук шахс, замонавий кадр бўлиб етишишлари учун маънавий асос бўлиб хизмат қилмоғи керак. Чунки шахс тарбиясининг муҳим йўналиши бу ғоявий тарбиядир. Бу инсон онги ва тушунчалари тизимида ҳаёт ҳақидаги фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик, ахлоқий, бадиий, касбий қарашларни ўзида мужассамлаштирган инсонийликдек ўта мураккаб омилни шакллантириш жараёнидир. Унинг туб мазмун-моҳияти, асоси ғоявий тарбиядир. Чунки оиладан бошлаб мактабгача бўлган тарбия муассасалари, мактаб, лицей, колледж, институт, университет, академия, маҳалла каби тарбия ўчоқларида бериладиган таълим-тарбия жараёни ёш авлод дунёқарашини кенгайтириш, уларнинг онгини илмий асосланган, замонавий билимлар билан бойитиш ҳамда жамият учун, унинг равнақи учун керак бўлган сифатларни камол топтиришга йўналтирилган бўлади. Буларнинг барчаси ёшларнинг дунё ҳақидаги, оламнинг ривожланиш қонуниятлари, инсоний муносабатлар борасида ўзига хосликлар, ахлоқ тамойиллари, гўзаллик ҳақидаги тушунчаларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган тарбия жараёнининг барча бўғинларида, босқичларида ва йўналишларида миллий ғоя ўзини тўлиқ намоён қилмоғи лозим. Намоён қилганда ҳам, шунчаки умумий, назарий фикрлар жамламаси тарзида эмас, балки аниқ, мақсадли, кундалик ҳаёт билан узвий боғлиқ ҳолда амал қилмоғи лозим.

«Миллий ғоя ва ижтимоий ҳаёт» қўлланмаси ҳам ана шу мақсадда тайёрланган ва китобхонлар эътиборига ҳавола қилинмоқда. Мазкур қўлланма таълим тизимининг барча бўғинларида хизмат қилаётган мураббийлар, профессор-ўқитувчилар, маънавият-маърифат ва тарбиявий ишлар бўйича мутахассислар, талабалар, магистрантлар, аспирант ва докторантларнинг иш фаолиятида фойдаланишлари учун мўлжалланган.

Толибжон Абдумаликович Мадумаров –
Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон Давлат университети ректори,
биология фанлари доктори, профессор.

Кириш

2006 йил 25 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорли-гини ошириш тўғрисида» ги қарори мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишлар ҳамда миллий ғояни аҳоли, айниқса ёшлар онгига сингдириб боришдаги саъй-ҳаракатларимиз самарадорлигини янада ошириб боришда муҳим аҳамият касб этди.

Қарорда таъкидлаб ўтилганидек: «... халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириш мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси ушбу соҳадаги ишларни, жумладан, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг фаолияти ва таркибий тузилишини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда»¹

Бугунги кунда миллий ғояга эътибор, уни аҳоли, айниқса ёш авлод онгига сингдириб бориш долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди. Бу бежиз эмас. ХХI аср бошида инсоният ўта мураккаб ижтимоий-иқтисодий, маънавий-мафкуравий жараёнларни бошидан кечирмоқда. Миллий мустақиллигимизни қўлга киритиб, миллий давлатчилик асосларини қайтадан барпо қилган Ўзбекистон ҳам турли ташқи мафкуравий таҳдидлар исканжасида келажакни барпо қилиб бормоқда. Миллий маънавиятимизни ва маънавий ўзлигимизни турли бузғунчи мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилишда миллий ғоядан-да кучлироқ ва самаралироқ омил йўқ. Миллий ғоя миллатнинг ўзлигини турли ташқи мафкуравий таъйиқлардан ҳимоялай оладиган, уларга қарши дош бера оладиган маънавий асос бўла олади.

Ҳозирга қадар миллий ғоя бўйича чоп қилинган илмий, услубий ва бошқа адабиётларда унинг назарий, услубий ва методологик жиҳатлари ишлаб чиқилган. Эндиликда кўпроқ миллий ғояни ижтимоий ҳаёт билан, аҳоли турмуши, яшаш тарзи билан узвий боғлиқ ҳолда, кенг аҳоли оммаси, айниқса ёшлар ўртасида тарғиб ва ташвиқ қилмоқ лозим.

Миллий ғояни умумий назарий фикрлар, қарашлар ва концепциялар ҳамда методологик асос сифатида янада сайқаллаш-тириб, такомиллаштириб бориш билан бирга, унинг яна бир жиҳатига – кенг аҳоли оммаси, айниқса ёш авлод онги ва қалбига сингдириб боришдек муҳим жиҳатга ҳам жиддий эътибор қаратмоқ лозим. Миллий ғоя қачонки ёшлар онги ва қалбига сингиб борса, қудратли моддий кучга айланади. Бу кучни эса ҳеч ким енга олмайди. Инсоният ўтмишида буюк шахслар томонидан ҳам, оддий кишилар томонидан ҳам содир қилинган барча қаҳрамонликлар, инсон ақли бовар қилмайдиган даражада рўй берган «мўжизавий» ходисаларнинг барчаси, муайян бир ғояга асослангандир. Миллий ғоя ҳам ана шундай бир илоҳий қудратга эга бўла олади, албатта. Буни инсоният тарихи кўп бор тасдиқлаган.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маъросимда 2008 йилни “Ёшлар йили” деб эълон қилар экан, шу муносабат билан тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари иштирокида махсус давлат дастурини ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатиб ўтди.

Президентимиз ўз маърузасида, “Ёшлар йили” давлат дастурида ўз аксини топиши лозим бўлган барча – барча мақсад ва вазифаларни ўзида мужассам этадиган ягона ғоя тўғрисида фикр билдириб, “бу ғоя – ёшларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг замонавий билим ва касбга эга бўлишини, бугунги ўта мураккаб ва таҳликали замонда мавжуд бўлган ҳар қандай хатарларга, зарарли таъсир ва оқимларга нисбатан огоҳ, сезгир ва хушёр бўлиб яшашини ва жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашдан иборат”, - деб таъкидладилар. Юқорида келтирилган фикр, миллий ғояни ижтимоий ҳаёт билан бевосита боғлиқ эканлигини англатади.

¹

Халқ сўзи газетаси. 2006 йил 26-август сони.

Эътиборингизга ҳавола қилинаётган «Миллий ғоя ва ижтимоий ҳаёт» қўлланмаси ҳам ана шундай қудратли куч бўла оладиган ғоя – миллий ғояга бағишланган. Қўлланма миллий ғояни ижтимоий ҳаёт билан қай даражада боғлиқлигини назарда тутган ҳолда тайёрланди. Қўлланмада миллий ғоянинг ижтимоий ҳаёт соҳалари билан узвий боғлиқлиги, улардаги мавжуд муаммоларни чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш ва бартараф қилиб бориш орқали тушунтиришга ҳаракат қилинди.

I БОБ МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИНИНГ АЙРИМ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ ЖИХАТЛАРИ

Ушбу боб миллий ғоянинг назарий ва услубий жиҳатларига бағишланган бўлиб, унда миллий ғоянинг жамиятимиз ҳаёти учун нечоғли зарур эканлиги кўрсатиб берилди. Миллий ғоянинг ижтимоий тараққиёт омили сифатидаги ўзига хос жиҳатлари баён қилинди. Бугунги кунда миллий ғояни ижтимоий ҳаёт жабҳаларида, аҳолининг кенг қатламлари, айниқса, ёшлар ўртасида тарғиб қилиш усулларида алоҳида эътибор қаратилди. Шундай усуллардан бири – ҳозирда, барча олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган «ахборот гуруҳи» нинг миллий ғояни тарғиб қилишдаги роли ва аҳамияти кўрсатиб берилди.

Ҳозирда, мамлакатимизга ташқаридан кўрсатилаётган турли ахборий-мафкуравий хуружлар асосан ёшларга қаратилган. Чунки ёшлар дунёқараши тўлиқ шаклланмаган, ҳар қандай янгиликка берилувчан, тез таъсирланувчи ва ишонувчан бўлади. Бундан эса ёвуз кучлар усталик билан, турли моддий-маънавий ва мафкуравий усуллар ёрдамида фойдаланмоқчи бўладилар.

Бундай хуружларга қарши ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, албатта миллий ғояни кенг ва узликсиз равишда тарғиб қилиб бориш орқали амалга оширилади.

Таълим муассасаларида ташкил қилинган «ахборот гуруҳи» эса ана шундай мафкуравий хуружларга қарши курашда жуда катта роль ўйнайди. Фақат унинг фаолиятига жиддий эътибор қаратмоқ, молиявий маблағ билан кўпроқ таъминламоқ жоиз.

Ушбу бобда жамиятнинг маънавий юксалишида миллий ғоянинг ролига алоҳида эътибор қаратилган. Ўз навбатида, жамият маънавий ҳаётини юксалтиришда аҳолини, айниқса ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириб бориш муҳим аҳамият касб этади. Миллий ғоя ва унинг асосий тамойилларини тарғиб қилиб бориш орқали ёшлар дунёқарашида, уларнинг ижтимоий фаолиятида жиддий ўзгаришлар яшаш мумкин. Миллий ғоя шахс дунёқарашидан қанчалик чуқур ўрин эгалласа, у шунчалик даражада моддий кучга айланиб боради.

МИЛЛИЙ ҒОЯ – ҲАЁТИЙ ЗАРУРИЯТ

Ўзбекистон Республикаси миллий мустақиллигини янада мустаҳкамлаб бориш, жамият ҳаётини янгилашиб боришида миллий ғоянинг аҳамияти беқиёс даражада каттадир.

Ҳозирда, мамлакатимиз миқёсида амалга оширилаётган туб ислохотларнинг муваффақияти ҳам энг аввало, жамият аъзолари айни-са ёшларнинг янги тафаккур юритиши, уларнинг маънавий-мафкуравий дунёқарашига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаб кўрсатганидек «Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жашон шамжамятидаги обры-эътибори авваламбор фарзандларимизнинг униб-ысиб, ул\айиб, андай инсон былиб щаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ыткир ша=и=атни щеч =ачон унутмаслигимиз керак».¹

Ўзбекистон Республикаси Президенти «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 2006 йил 25-августда қабул қилган қарори ҳам мамлакат маънавий-маърифий ҳаётида жиддий ўзгаришлар бўлиши учун асос бўлади. Негаки, бугунги кун халқаро майдонида, шу жумладан минтақамиздаги ғоявий ва ахборий курашлар шунчалар даражада кучайиб ва мураккаблашиб бормоқдаки, уларнинг мазмун-моҳиятини ҳар ким ҳам чуқур англай олмайди. Айниқса, ҳали дунёқараши, сиёсий-мафкуравий билим ва савияси етарли даражада етилмаган ёшлар, ҳатто айрим олий

¹ Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: «Маънавият» нашриёти, 2008. 2-бет

маълумотли кишилар ҳам миллат ва давлат манфаатларига зид келувчи ёт ғояларга берилиб қолмоқда.

Ҳозирги пайтда ҳар қандай бузғунчи ғоя, у қанчалар кўзга кўринмас даражада кичик ҳажмда бўлмасин, унга нисбатан бепарволик қилинса, жуда катта ижтимоий офатларни келтириб чиқариши мумкин.

Ўзбекистонда қўшни давлатлардан олиб келинаётган, турли ёт ва бузғунчи ғояларни ўзида акс эттирган варақалар, адабиётлар, видео дисклар, шунингдек, SMS хабарлари – мамлакатимиздаги мавжуд маънавий-мафкуравий муҳитни бузишга, ёшлар онгини заҳарлашга уларнинг қалбини эгаллашга ҳаракат қилаётган турли диний экстремистик ва сиёсий экстремистик ташкилотлар ва кучларнинг ғаразли мақсадларини ифодалаган.

Тунги шарпадек ҳаётимизда яширинча фаолият кўрсатаётган айрим «мафкуравий вируслар» жамият ҳаётининг энг кучсиз ва нимжон жойларида кўпайишга мойил. Улар кўпроқ ёшлар онгини заҳарлашга, ҳаётда ўз ўрнини топа олмаган кимсаларни, содда ва ўта ишонувчан, берилувчан ҳамда ўта ҳиссиётли хотин-қизларни ўзларига оғдирмоқчи бўладилар. Шунинг учун ҳам, мамлакатимизда барпо қилинаётган ижтимоий-сиёсий тузумни ўзгартиришга уринаётган кимсалар томонидан ёшлар онгини заҳарлашига йўл қўймаслик, уларнинг олдини олиш – бугуннинг муҳим мафкуравий вазифаси сирасига киради. Ёшларнинг ғоявий-мафкуравий дунёқараши қанчалик юксак бўлса, миллий ғоя кишилар дунёқарашида қанчалик кенг ўрин эгаллаб борса, жамиятимизда маънавий муҳит шунчалик мусаффо бўлади. Буюк аллома Абу Наср Фаробий таъкидлаб ўтганидек: «Инсонлик моҳияти ҳақиқий бахт-саодатга эришув экан, инсон бу мақсадни ўзининг олий ғояси ва истагига айлантдириб, бу йўлда барча имкониятлардан фойдаланса, у бахт-саодатга эришади»¹. Миллий ғоя жамиятни, миллатни жипслаштиришга, бирлаштиришга йўналтирилган бўлиб, ўзида кўп қиррали сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий, миллий ва бошқа манфаатларни ифодалайди ҳамда уларни умумдавлат, миллат мақсадлари йўлида ягона ижтимоий-маънавий оқимга бирлаштиради.

Эскидан юрган, «алмисоқдан қолган» ароба конструкцияси билан замонавий ракета қуриб бўлмаганидек, эскича қараш ва ёндашувлар билан ҳам янги, замонавий турмушни, ижтимоий муносабатларни шакллантириб бўлмайди. Бугунги кунда халқимиз ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо қилишдек буюк мақсадни кўзлаб яшамоқда. Бундай жамият эса ўз-ўзидан қурилиб қолмайди ёки кимлардир уммон ортидан келиб қуриб бермайди. Бундай жамиятни кимларнингдир андозаси билан эмас, балки халқимиз, мамлакатимиз, шу юртда яшаётган барча кишилар учун, уларнинг манфаатларига мос бўлган ҳолда қуришимиз даркор.

Миллий ғоя эса биз барпо қилмоқчи бўлаётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятнинг маънавий негизи сифатида амал қилади. Миллий ғоя миллатнинг дунё миқёсида ўзлигини намоён қилишнинг энг кучли омилларидан биридир, чунки миллий ғоя миллатнинг тўла ва ҳар жиҳатдан мустақиллиги, бирлиги, Ватан туйғуси каби жиҳатларни ўз ичига олади.

Миллий ғоя – бу нафақат назарий-мафкуравий қарашлар йиғиндиси, балки амалий ҳатти-ҳаракатлар манбаи, турткиси ҳамдир.

Миллий ғояни кишилар, айниқса ёшлар онгига, қалбига сингдириш учун қандай тадбирларни амалга оширмоқ жоиз? Бу ғоя ёшлар онгига нафақат мафкуравий мазмун, балки том маънода дунёқарашга айланган тақдирдагина моддий кучга айланади.

Шу мақсадда Андижон вилояти ҳокими Аҳмаджон Усмонов (2007 йил 27-январь, шанба куни) вилоят ёшларининг катта бир гуруҳи билан учрашув ўтказди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги вилоят мусикали театрининг янгидан барпо қилинган муҳташам биносида уюштирилган учрашувда сўзлаган нутқида, вилоят ҳокими Президентимиз томонидан 2006 йил 25-августидан қабул қилинган «Миллий ғоя тарғиботи ва

¹ Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. Т. Абдулла +одирий номидаги Хал= мероси нашриёти. 1993й. 188 бет

маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қароридан келиб чиққан ҳолда ёшлар олдида турган муҳим маънавий-маърифий ишлар хусусида тўхталиб ўтди.

Вилоят раҳбари ўз нутқида вилоятдаги ёшлар билан боғлиқ мавжуд муаммолар хусусида ҳам тўхталиб ўтди. Ҳокимнинг ёшлар билан учрашуви қизиқарли савол-жавоб руҳида ўтди. Вилоятдаги ёшлар билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлари хусусида тўхталиб, ёшларни янада шижоатли бўлишга, буюк мақсадларга эришишда иродали, қатъий бўлишга чақирди.

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо қилишда демократия тамойиллари билан миллий ғоя муштараклигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Акс ҳолда эса жамият ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий ҳаётида жиддий муаммолар юзага келиши мумкин. Айрим раҳбар кадрларнинг ўз қўл остидагиларга нибатан зўравонларча муносабатда бўлиши, маъмурий-буйруқбозликка асосланган ҳолда иш юритиши, ҳаётда хали тўла тасдиғини ва ижобий жиҳатларини кўрсатмаган, тажрибада синовдан ўтмаган турли хил «эксперимент» ва «янгиликларни» чуқур ўйламасдан иш жараёнига татбиқ қилиш ҳолатлари зарарли оқибатларни келтириб чиқаради. Афсуски бундай ҳоллар ҳанузгача ҳаётимизда учраб турибди. «Мен раҳбар – сен аҳмоқ, сен раҳбар – мен аҳмоқ» каби иллатли ёндашув ҳар қандай демократик тамойилларни бузади ва маънавий муҳитни кескинлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Олий Мажлис қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган. «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ва уларни умумхалқ муҳокамасига кўйилиши ҳам аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, сиёсий партияларнинг демократик тамойилларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнидаги аҳамияти ва масъулиятини оширишга хизмат қилди. Бинобарин, ушбу қонун лойиҳаси қабул қилиниб, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида амал қила бошлади. Бундан буён сиёсий партияларнинг фаолиятида жиддий ўзгаришлар рўй бериши кутилади. Бу эса, ўз навбатида, жамиятимиз ижтимоий-маънавий муҳитида ҳам ўзгаришлар ясаши лозим. Айниқса, ёшларнинг сиёсий партиялар фаолиятига эътибори ошади.

Юқорида билдирган фикрларга асосланиб, қуйидаги хулосаларни баён қилишни лозим деб топдик.

1. Ҳар қандай ғоя, у қандай мазмун-моҳиятга эга бўлмасин, йиллар давомида изчиллик билан омма онгига сингдириб борилса, эртами-кечми, у, албатта, кишилар дунёқарашини эгаллайди. Хатто, бузғунчиликка асосланган ғоялар ҳам тарихдан маълумки, йиллар давомида маълум бир миллат онгига сингдириб борилганлиги оқибатида, моддий кучга айланиб, дунё миқёсида инсоният бошига кўз кўриб, қулоқ эшитмаган кулфатлар келтирган (большевизм, фашизм каби вайронкор ғоялар).

2. Миллий ғоя жамият ижтимоий таркибидаги қайсидир қатламигагина тааллуқли эмас. Бу ғоя Ўзбекистонда яшаётган барча аҳоли қатламларига тааллуқлидир. Акс ҳолда, миллий ғоя ўзининг туб мазмун-моҳиятини йўқотади.

3. Кишилар маънавиятини юксалтиришда, айрим раҳбарлар фаолиятида учраб турган, зўравонларча муносабатда бўлиши, улар устидан ҳукмронлик ҳиссини намоён қилиш ҳоллари, шахсни камситиш каби иллатлар демократик тамойилларни ҳаётимизда амал қилишини қийинлаштиради. Бундай ҳоллар, охир-оқибат, маънавий муҳитни бузади. Рухий зўриқишни кучайтиради.

4. Миллий ғоя – жамиятимиз ижтимоий-маънавий ҳаётига сукулиб кираётган, салбий моҳиятга эга бузғунчи ғояларга қарши курашнинг энг кучли ва самарали воситаларидан, омилларидан биридир. Гап, фақат уни қандай ва қай тарзда кишилар, айниқса, ёшлар ҳаётига татбиқ эта билишда.

5. Бугунги кунда миллий ғоя тарғиботини фақат давлат муассасаларида, ўқув юртларидагина эмас, балки, хусусий корхоналарда ҳам кенг миқёсда олиб бориш, уларнинг низомларига миллий ғоя тарғиботи бўйича бандлар киритиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, миллий ғоя – бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг заруриятидир. Миллат бирлиги, жамият барқарорлигининг асосий шартидир.

МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТ

Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов миллий истиқлол ғоясини мустақил Ўзбекистон Республикаси ва халқимизнинг миллий-маънавий тараққиёти концепцияси сифатида илгари сурди. Миллий ғоя миллатнинг дунё миқёсида ўзлигини намоён қилишнинг энг кучли омилларидан биридир. Чунки миллий ғоя миллатнинг тўла ва ҳар жиҳатдан мустақиллиги, бирлиги, Ватан туйғуси каби жиҳатларни ўз ичига олади. Унда миллатнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан барқарор ривожланишини таъминлаш – асосий ва белгиловчи ўрин тутади.

Миллий ғояни кишилар, айниқса ёшлар онгига, қалбига сингдириш учун қандай тадбирларни амалга оширмақ жоиз. Бу ғоя ёшлар онгида нафақат мафкуравий мазмун, балки, уларнинг турмуш тарзидан чуқур ўрин эгаллаган тақдирдагина моддий кучга айланади. Бунинг учун, талабаларга фақат «Миллий истиқлол ғояси; асосий тушунча ва тамойиллари» фанини ўқитиш билангина чекланиб қолмаслик керак. Таълим муассасаларида ўқитилаётган барча фанларни ўқитиш жараёнида, мутахассислик фанлари мавзуларини, уларда баён қилинадиган ғояларни ҳам миллий ғоя билан боғлиб, талабаларга тушунтириб бориш мақсадга мувофиқ.

Демак, талаба ёшлар онгига миллий ғояни сингдириб боришдек ўта масъулиятли иш, нафақат ижтимоий фан ўқитувчиларининг, балки, барча мутахассисликлар бўйича дарс берувчи ўқитувчиларнинг ҳам вазифаси бўлмоғи лозим.

Нафақат ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича, балки бошқа барча фан мутахассисликлари бўйича чоп қилинаётган дарслик, ўқув-услубий ва илмий-монографик адабиётларда ҳам миллий истиқлол ғояси акс этиши лозим.

Миллий ғоя - жамиятимизда яшаётган барча фуқароларга тегишлидир. Бу ғоя, қайсидир ижтимоий қатламлар учун ҳеч қандай кадр-қиммати, қизиғи йўқ бўлиб, аҳолининг энг қуйи қатламларигагина тегишли бўлиб қолмаслиги лозим. Ижтимоий қатламлар ўртасидаги моддий-иқтисодий мувозанатнинг бузилиши, улар ўртасидаги тафовутнинг кескин ортиши ва айниқса, ижтимоий адолатнинг бузилиши, инсон ҳақ-ҳуқуқларининг поймол бўлиши ҳоллари охир-оқибат, ҳаётимизда миллий ғоянинг амал қилишини қийинлаштиради. Миллий ғояда илгари сурилаётган тамойиллар реал ижтимоий ҳаёт воқеалиги билан мувофиқ бўлмоғи лозим.

Муайян бир ғоя йиллар давомида изчиллик билан омма онгига сингдириб борилса, эртами-кечми, у, албатта, кишилар дунёқарашини эгаллайди. Масалан, бузғунчи ғояга асосланган фашистик мафкура ўтган асрнинг 30-йилларида 8 йилда немис халқининг дунёқарашига сингдирилган. Бунинг оқибатида 10 миллиондан зиёд немислар ва ер юзасидан 65 миллиондан ортиқ аҳоли 2 жаҳон урушида қирилиб кетди. Буларнинг барчаси ўша бузғунчи ғоя оқибатида юз берган.

Ёки бўлмасам, 70 йил давомида омма онгига сингдириб келинган коммунистик ғояни мисол қилиб олишимиз мумкин. Умуминсоний қадриятларга зид бўлган бу ғоя ҳам, йиллар давомида омма онгига сингдириб борилди. Унинг исканжасидан ҳозирда ҳам қутила олмаган кишилар орамизда йўқ эмас. Чунки бу ғоя уларнинг дунёқарашига шаклланиб бўлган.

Бу ғоялардан тубдан фарқ қилувчи бизнинг миллий ғоямиз эса, бунёдкорликка асосланган бўлиб, ўзида барча умуминсоний қадриятларни мужассамлаштиргандир. Аммо, ҳар қандай ғоя қанчалик улуғвор мақсадларни ўзида мужассамлаштирган бўлмасин, тарихий тараққиётнинг аниқ бир босқичида кишилар ҳаётида, уларнинг ижтимоий аҳволида жиддий

муаммолар мавжуд бўлса, уларни омма онгига сингдириш қийин кечади. Ҳозирда, республикамизда мавжуд бўлган ижтимоий муаммоларни илмий асосда ўрганмай ва уларни бартараф қилиб бормасдан, миллий истиқлол ғоясининг асосий тамойилларини ҳаётга жорий қилиш қийин кечади.

Муҳтарам ўқувчи! Агар эътибор берган бўлсангиз, айрим ўринларда «**Миллий ғоя**», айрим ўринларда эса «**Миллий истиқлол ғояси**» тушунчалари ишлатилияпти. Уларнинг ўзаро қандай фарқи бор? «**Ғоя**» ўзи нимани англатади? Қуйида шу хусусда тўхталмоқчимиз.

Аввало, «**ғоя**» тушунчасини ойдинлаштириб олсак. **Ғоя**, бизнингча, инсон тафаккури маҳсули бўлиб, муайян мақсадни амлга ошириш учун моддий нарсалар, табиий ва ижтимоий ходисалар ҳамда инсон маънавияти тўғрисида илгари сурилган изчил фикрлаш шаклидир. Муайян бир ғоя даслаб бирон-бир шахснинг онгида пайдо бўлади. Агар у юксак ижтимоий мазмунга, бой маънавий асосга эга бўлиб, инсониятнинг эзгу интилишларини, мақсад ва манфаатларини ўзида ифодалаган бўлса воқеаликка айланади, ижтимоий тараққиётга хизмат қилади.

Характерига кўра ғоялар дунёвий ва диний мазмунга эга бўлиши мумкин. Муқаддас ислом динимиз нуқтаи назаридан ғоя, энг аввало яратган Парвардигоримиз – Аллоҳга хос бўлган ва ўз бандаларига берилган неъматдир.

Дунёвий ҳарактердаги ғоялар эса, ўз мазмун-моҳиятига кўра турли хил бўлиши мумкин: **ижтимоий, илмий, сиёсий, техник** ва ҳ.к. Шунингдек, ғоялар мазмун-моҳиятига кўра яна икки турга: **бунёдкор** ва **бузғунчи** ғояларга ҳам бўлинади.

Бунёдкор ғоялар – умуминсоний кадриятларга асосланган, юксак ижтимоий мазмунга, бой маънавий асосга ва демократик тамойилларга эга бўлган, инсониятнинг эзгу интилишларини, мақсад ва манфаатларини ўзида ифодалаган, жамият ва миллат равнақига хизмат қилувчи ғоялардан иборат.

Бузғунчи ғоялар эса – умуминсоний кадриятларга зид бўлган, жамият тараққиётига тўсқинлик қилувчи, инсоният, миллат, халқ ва инсон бошига кулфат келтирувчи ва ҳалокатга элтивчи ғоялардан иборат.

«Миллий ғоя» - миллат тафаккури маҳсули бўлиб, миллат равнақи йўлида, унинг орзу-умидларини, эзгу мақсадларини рўёбга чиқаришга қаратилган, унинг туб манфаатларини ўзида мужассамлаштирган илғор фикрлар мажмуи. **Миллий ғоя** ҳар бир миллатнинг туб манфаатларидан, орзу-умидларидан келиб чиқади ва уларни ўзида ифода этади.

«Миллий истиқлол ғояси» тушунчаси «Миллий ғоя» тушунчасига нисбатан бироз торроқ ва ўзига хос мазмунни ифодалайди. Эътибор берган бўлсангиз, «миллий ғоя» тушунчаси яна «истиқлол» тушунчаси кўшиляпти. Ҳар қандай миллат ўзининг миллий мустақиллигига, мустақил давлатчилигига эга бўлишида албатта муайян бир маънавий-мафкуравий асосга, ғояга таянади. Акс холда унинг мустақиллиги заиф бўлиб, ҳар қандай ташқи хуружга дош бера олмаслиги мумкин. Шу жиҳатдан, миллий мустақилликни мустаҳкамлаш учун муайян бир ғоявий асос зарур бўлади.

Ўзбекистон ҳам ўзининг миллий давлатчилик асосларини қайтадан барпо қилишда муайян ғоявий асосга – миллий истиқлол ғоясига таянади. Миллий мустақилликка эришганимиздан буён ўтган тарихий қисқа даврда, кишилар онгида шаклланган мустабид тузум мафкуравий қарашларини парчалаб, уларни емириб ташлашда миллий истиқлол ғояси муҳим роль ўйнади. Чунки узоқ давр мустабид тузумда яшаган, ўша давр мафкурасида шаклланган тафаккурни, дунёқарашни емириш, улардан воз кечиш осон кечмади.

Миллий ғояни омма, айниқса, ёшлар онгига, қалбига сингдириб бориш, ижтимоий тараққиётнинг гаровидир. Америкаликлар Марсни забт этаётган бугунги кунда, айрим ёшларнинг, биз учун ёт бўлган диний-экстремистик ғояларга берилаётганлиги ачинарли холдир. «Ҳизбут-таҳрир» каби диний-экстремистик оқимлар тарафдорларининг «Ислом халифалиги»ни тузиш ғояси ортида қандай сиёсий найранглар яширинганлигини ҳамма ҳам тушуниб, англай олмайди. Унинг асл моҳиятини ёшларга тушунтириш – ислом дини арбобларининг, барча зиёлиларнинг бугунги кундаги асосий вазифаларидан биридир. Инсонпарварлик ғояларини ўзида жамлаган ислом динини дунё цивилизациясига қарама-

қарши кўйиш – ўта беъмани, бузғунчи ғоя эканлигини ёшларимиз тўғри англай олишлари керак.

Истиклол – Аллоҳ томонидан бизга берилган буюк неъматдир. Уни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш – шу юрт фарзандиман, деб билган ҳар бир ёшнинг асосий бурчидир. Истиклол – миллат тараққиётининг бирламчи ва энг муҳим гаровидир.

Ы+УВЧИ ВА ТАЛАБА ЁШЛАР ОНГИДА МИЛЛИЙ ҒОЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЫЛЛАРИ

Юртимизда амалга оширилаётган туб ислохатларнинг таг замида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо қилиш концепцияси мужассамлашгандир.

Дунёнинг илғор, ривожланган мамлакатларининг юз йиллар давомидаги ривожланиш тажрибасида энг мақбул бўлган ва ҳаёт синовидан ўтган бу концепция, ўзига хос тарихий ва миллий қадриятларни, миллатимиз менталитетини ҳисобга олган ҳолда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига татбиқ қилинмоқда.

Бу концепцияни ўзида мужассамлаштирган миллий ғоя – мустақил давлатимиз, халқимизнинг миллий-маънавий тараққиётини ифодаловчи жамият мафқурасининг ўқ илдизини ташкил қилади.

Халқни буюк келажак ва улғувор мақсадлар сари бирлаштириш, юксак фазилатли, комил инсонларни вояга етказиш, ёшларни ҳар томонлама етук шахс қилиб тарбиялаш, ҳозирда долзарб мафқуравий жараён бўлмиш, миллий ғоянинг бош мақсадидир.

Миллий ғоя – амалий хатти-ҳаракатлар манбаи, турткиси сифатида жамиятнинг муайян ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муаммоларни ҳал қилишда, оммани муайян мақсад сари сафарбар қилишда, ташкиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Миллий ғоянинг жамият маънавий-мафқуравий, ижтимоий-сиёсий ҳаётида амал қилаётган таъсир самарадорлигини янада ошириб бориш ҳамда унинг ижтимоий соҳалари билан ўзаро алоқадорлигини ошириб бориш орқали Ўзбекистоннинг буюк ва порлоқ келажаги барпо қилиб борилади.

Талаба ёшларга мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-барқарорлик, бунёдкорликка асосланган жараён моҳиятини, мазмунини англатиш, ҳис қилдиришда, дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни миллий ғоя асосида тушунтиришда «Ахборот гуруҳи» нинг роли беқиёс даражада каттадир.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2005 йил 24 июндаги 138 буйруғи асосида барча олий ўқув юрғларида ахборот гуруҳлари ташкил қилинди.

Ахборот гуруҳини ташкил қилишдан мақсад, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида билим олаётган талаба ёшлар онгини, дунёқарашини, бугунги кунда дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни таҳлил этиш орқали янада ўстириб боришдан иборатдир.

Бугунги кунда ахборот гуруҳига энг тажрибали профессор-ўқитувчилар жалб қилинган. Айниқса, ижтимоий фан кафедраларининг етук олимлари минтақада ва дунёда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий воқеаларни талабалар томонидан тўғри англаб олишига ёрдам кўрсатмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов кўрсатиб ўтганидек «бу дунёда табиатда шам, жамиятда шам бышли= былмайди. +аердадир бышли= пайдо былдими, шеч шубҳасиз, уни албатта кимдир тылдиришга щаракат =илади»¹.

2005 йил 12-13 майда Андижонда содир қилинган террорчилик хуружи бир неча кунда ўзининг манфур башарасини кўрсатган бўлса, ташқи ёвуз ғанимларимиз томонидан содир қилинаётган ахборот терроризми ханузгача давом этмоқда.

¹ Ислом Каримов. Юксак маънавият- енгилмас куч. –Т.: «Маънавият» нашриёти, 2008й. 12 бет

Дунё сиёсий ва мафкуравий майдонларидаги кураш шунчалар даражада мураккаблашиб бормокдаки, уларнинг асл маъно-мазмунини, моҳиятини ҳар қайси талаба ҳам чуқур англай олмайди. Бунинг оқибатида эса баъзи ёшлар миллий манфаатларимизга зид келувчи, юзаки қараганда беозор, аммо ўта хавфли ёт мафкураларга берилиб қилаётганликлари аянчлидир.

Андижонда содир этилган ҳунрезликларнинг келиб чиқиши ҳам айнан шунинг оқибатида рўй берди. Бугунги кунда ҳам диний экстремистик ва халқаро террористик ташкилотлар томонидан юртимизда, аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида яширинча турли варақалар, адабиётларни тарқатиши тўхтамаяпти. Шунинг учун талаба ёшларга уларнинг асл мазмун-моҳиятини, ғарзли мақсадларини тўғри тушунтириб бериш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Ўқув юртлирида ташкил қилинган ахборот гуруҳларининг асосий вазифаси ҳам, юқорида кўрсатиб ўтилган муаммоларни, мафкуравий таҳдидларни бартараф этишга қаратилмоғи лозим.

Ахборот гуруҳи фаолиятини янада такомиллаштириш, ёшларда миллий ғояни шакллантириб боришда унинг самарадорлигини ошириш учун қуйидаги фикр-мулоҳаза ва таклифларни баён қилишни лозим деб топдик.

1. Ўқув юртлирида ташкил қилинган ахборот гуруҳига раҳбарлик ва оператор лавозимига бюджет ҳисобидан ойлик маоши белгиланган штат бирлиги ажратиш лозим. Гуруҳга раҳбарлик қиладиган шахс айна пайтда бошқа раҳбарлик лавозимида бўлмаслиги мақсадга мувофиқ.

2. Ахборот гуруҳи фаолиятини изчил олиб бориш учун ҳар йили унинг ҳисобига маълум миқдорда молиявий маблағ ажратиш лозим.

3. Ахборот гуруҳи тайёрланган тезкор ахборотномаларни ўқувчи ва талабаларга мунтазам, ҳар ҳафтада етказиб бориш учун ўқув юрти қошида кичик босмаҳона мавжуд бўлиш керак. Ҳозирда, Республикамиздаги барча олий ўқув юртлирида бундай имконият мавжуд эмас. Бу эса ахборот гуруҳи фаолиятини чеклаб қўяди. Юзакчиликка йўл қўйилади.

4. Ахборот гуруҳи аъзолари йиллик ўқув юктамаларининг маънавий-мафкуравий ва тарбиявий ишлар бўлимига камида 50-100 соат иш ҳажми ажратилиши лозим.

5. Ахборот гуруҳида жонбозлик билан фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириб бориш зарур. Бу соҳада ҳар қанча маблағни аямаслик керак.

6. Гуруҳ мураббийлари ахборот гуруҳининг энг фаол аъзолари сифатида иш олиб бормоклари лозим. Чунки ахборот гуруҳи аъзолари томонидан тайёрланган тезкор ахборотномаларда баён қилинган фикрлар айнан гуруҳ мураббийлари томонидан талабаларга етказилади. Уларни тўғри тушунтириб, таҳлил қилиб бериш масъулияти кўпроқ гуруҳ мураббийлари зиммасига тушади.

Юқорида баён қилинган таклиф мулоҳазалар ҳозирда, ўқув юртлирида фаолият кўрсатаётган ахборот гуруҳлари ишини янада самаралироқ олиб боришга қаратилгандир. Чунки ҳар қандай янгилик, ташаббус муайян камчиликлардан холи бўлмайди. Вақт ўтиши билан, ҳаёт тажрибалири асосида улар янада мукамаллашиб, сайқаллашиб боради. Талаба ёшлар онгида ва қалбида миллий ғояни сингдириб боришда ахборот гуруҳининг ролини янада ошириб бориш муайян ташкилий ва услубий тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ. Шундагина у ўзининг нималарга қодир эканлигини намоён эта олади.

ЖАМИЯТНИНГ МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШИДА МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ РОЛИ

Ўзбекистонда жамият ҳаётини янгилаш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятининг амал қилиш тамойилларини тушунтиришда миллий ғоя ва ижтимоий-сиёсий фанларнинг аҳамияти бекиёсдир.

Айниқса, ҳозирда, жамиятимиз ҳаётида бир томонда диний экстремистик, террористик, халқаро жиноятчиликнинг жирканч башараси ўзини намоён қилаётган бўлса, бошқа томондан эса айрим ғарб сиёсий доиралари – «демократия корчалонлари»нинг бизда, демократик жамият куришни тезлаштириш ниқоби остида «демократик инқилаблар»ни амалга оширишни кўзлаётганлари ва бундай мақсадларни амалга оширишда «ахборот терроризми»га зўр бераётган шароитда, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишга қаратилган миллий ғоя ҳамда ижтимоий-сиёсий фанларнинг роли, уларнинг долзарблиги ортмоқда.

Миллий ғояни омма, айниқса ёшлар онги ва қалбига сингдириб боришдан мақсад – халқни буюк келажак ва улугвор мақсадлар сари бирлаштириш, юксак фазилатли, комил инсонларни вояга етказиш, ёшларни ҳар томонлама етук шахс қилиб тарбиялашдан иборат. Миллий ғоя муайян ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий-маърифий соҳалардаги мавжуд муаммоларни хал қилишда, оммани эзгу ишларга сафарбар қилиш, ташкиллаштириш каби муҳим вазифаларни бажаради.

Миллий ғоя – жамият миқёсида миллий давлатчилик, миллий-маънавий кўтарилиш, юксалишдаги барча прогрессив ғояларни, қарашларни ўзида мужассамлаштиради ва янада такомиллаштириб боради.

Миллий ғоянинг жамият маънавий-мафкуравий, ижтимоий-сиёсий ҳаётида амал қилаётган таъсир самарадорлигини янада ошириб бориш орқали ҳамда унинг ижтимоий ҳаёт соҳалари билан ўзаро алоқадорлигини ошириб бориш орқали Ўзбекистоннинг буюк ва порлоқ келажаги барпо қилиб борилади.

Ҳозирда республикамызда миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фани бўйича бир қатор дастурий, илмий, ўқув-услубий ва бошқа турдаги адабиётлар чоп этилди. Умумтаълим мактабларида, ўрта махсус ва олий таълим ўқув юртларида миллий истиқлол ғояси бўйича дарслар ўтилмоқда, илмий-амалий анжуманлар, семинарлар ва бошқа кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, амалга оширилаётган ишларнинг барчаси кенг аҳоли, айниқса, ёшлар онги ва қалбида миллий истиқлол ғоясини шакллантириш учун етарли бўлмапти.

Миллий ғоянинг кишилар, айниқса ёшлар дунёқарашида кенг ва чуқур илдиз отиши, жой олиши учун яна қандай тадбирларни амалга оширмоқ жоиз? Миллий ғоя фақат фан сифатидагина эмас, балки ижтимоий онг шакли даражасига кўтарилмоғи лозим. Бу ғоя жамиятимизда яшаётган ҳар бир инсон ҳаётининг кундалик турмушида, иш фаолиятида ўз ифодасини топмоғи лозим. Болаликнинг беташвиш ўйинларида, ўйинчоқларида, илм-фаннинг ҳар бир соҳасида, касб-корнинг барча тармоқларида миллийлик ва истиқлол кадр-қиммати, уларнинг улуг неъмат эканлиги сержило бўёқлар билан одамлар қалбидан жой топа олсин.

Миллий истиқлол ғояси фанининг бошқа барча фанлар билан ўзаро боғлиқлигига алоҳида эътибор бермоқ зарур. Талаба қайси бир соҳани ёки ихтисосликни эгалламасин, миллий ғоя унинг дунёқараши асоси бўлмоғи керак. Шундагина ўз юртининг асл фарзанди, Ватан ва миллат фидойиси бўла олади. Бунинг учун эса, ҳар бир фан, ихтисослик бўйича чоп этилаётган дарслик, ўқув кўлланмалари, услубий ишларнинг барчасида миллий ғоянинг мазмун-моҳияти, асосий тамойиллари ўз аксини топмоғи лозим.

Миллий ғояни ва унинг асосий тамойилларини лицей, колледж ва олий ўқув юртларининг барча мутахассислик йўналишларида ўқитилаётган фанларни миллий ғоя ва унинг асосий тамойиллари билан боғлаб ўтмоқ мақсадга мувофиқ. Бунинг учун барча фан мутахассис-ўқитувчилар миллий ғоянинг мазмун-моҳиятини яхши ўзлаштирган бўлишлари, унинг асосий тамойилларини ўз фани мавзулари билан боғлай олишлари ва ўқувчи ҳамда талабаларга тушунтира олишлари лозим.

Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчаси ва тамойиллар фанир ижтимоий-сиёсий ҳамда гуманитар фанлар билан узвий боғлиқ. Жамиятнинг маънавий юксалишида, омма, айниқса, ёш авлоднинг маънавий жиҳатдан камолотга етишида миллий ғояда илгари сурилаётган асосий тамойиллар: юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик кабилар алоҳида аҳамият касб этади.

Юрт тинчлиги ғояси. Юрт тинчлиги - миллий ғоянинг асосий тамойили сифатида қаралади. Чунки юрт тинчлиги сақланган тақдирдагина жамиятнинг бошқа ҳар қандай муаммолари хал қилиниши мумкин. Шунинг учун «**тинчлик**» сўзи муқаддас китобимиз бўлмиш Қуръони Каримда 40 марта эслатиб ўтилади.

Юртимизда тинчлик, осойишталик бор экан, қолган барча нарсалар ҳам бор бўлади. Бу ғоя ўзбек халқининг, аждодларимизнинг энг қадимги замондан буён илгари суриб келган ғоясидир. Турони заминда, миллий давлатчилигимизнинг уч минг йиллик тарихида фақат икки юз йилдан кўпроқ даврлар тинчлик-осойишталикда, қолган икки минг саккиз юз йили эса суронли урушлар, исёну-ғалаёнлар, ёғийлар босқини, қирғинбарот жангу-жадаллар билан ўтган. Шунинг учун ҳам халқимиз тинчликни беҳад қадрлайдилар. Бугунги кунда ҳам Ер куррасининг турли ҳудудларида қонли воқеалар содир бўлмоқда. Ёвуз кучларнинг юртимиз тинчлигига, осойишталигига раҳна солаётганлиги, турли ҳуружларни амалга оширишга интилаётганлигини хис қилган ҳолда, муқаддас заминимизда тинчликни сақлашга ўз хиссасини қўшиш – ҳар бир кишининг фуқаролик бурчидир.

Ватан равнақи ғояси. Бу ғоя ёшларда Ватан туйғусини ошириб бориш билан боғлиқ. Жамиятимизда шаклланаётган янгича тафаккур, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар Ватан равнақи ғояси билан йўғрилган. Бу ғоя Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаро, ёш, юртимиз равнақини кўзлаб, унинг порлоқ келажаги йўлида жон куйдириши, меҳнат қилиши, билим чўққиларини эгаллаши учун илҳом бағишлайди. Бахтли, гўзал ва фаровон ҳаёт ўз-ўзидан бунёд бўлиб қолмайди ёки бундай ҳаётни кимдир бизга яратиб бермайди. Бундай ҳаётга – тинимсиз изланиш, меҳнат, билим олиш, замонавий касбларни пухта эгаллаш каби кўплаб омиллар орқалигина эришиш мумкин. Ёшлар буни теран ва аниқ билишлари керак. Ҳаётда ўз ўрнига, мавқеага эга бўлиш учун жиддий эътибор билан ҳаракат қилмоғи лозим.

Ёш авлод жамиятдек улкан ва тубсиз «уммон»да муайян мақсадни кўзлаб «сузиб» борар экан, у сузиб бораётган кема мустаҳкам бўлиб, ҳар қандай ҳаёт «пўртаналари»га дош бера оладиган бўлиши керак. Шундагина у кўзлаган манзилига бешикаст етиб боради. Миллий ғоя эса шу кеманинг ҳар қандай ижтимоий довулларига дош бера оладиган, гўёки бир елканидир.

Халқ фаровонлиги ғояси. Халқ фаровонлигини ошириб бориш, ҳозирда давлатимиз, ҳукуватимиз олиб бораётган сиёсатнинг устивор вазифаларидан биридир. 2007 йилни ижтимоий ҳимоя йили деб аталиши ҳам аҳолининг турмуш даражасини кўтариш, кам таъминланганларга моддий ёрдам кўрсатиш, мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислохотларнинг муҳим таркибий қисми эканлигидан далолат беради.

Миллий ғоянинг бу тамойили, мамлакатимизда мулкчилик шакллари ривожлантириш, аҳолининг турли қатламлари ўртасида тадбиркорлик ва ишбилармонликни янада ривожлантиришни кўзда тутди. Бу эса, ўз навбатида аҳолининг моддий фаровонлик даражаси ошишига салмоқли таъсир кўрсатади.

Бу тамойилни амалга ошириб борилишида шунга катта эътибор берилиши керакки, мамлакатда ҳар бир фуқаро ўз кадр-қимматига, муносиб ўрнига эга бўлсин, ҳаётдан кўнгли тўлсин.

«Ўқитувчилар ва умумтаълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш ҳамда уларнинг меҳнатга ҳақ тўлашнинг, - деб таъкидлади, Президентимиз ислон Каримов, - сифат жиҳатидан мутлақо янгича усуллари жорий этилди. Барча мактабларда меҳнатда ўрناق кўрсатган халқ таълими ходимларини рағбатлантиришга қаратилган мактаб директори

фондлари тузилди ва ўтган йили (2006 йил) шу фондлар орқали 190 минг нафарга яқин ўқитувчи рағбатлантирилди».¹

Аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириб боришнинг аҳамияти ҳақида фикр билдириб, Президентимиз, бу вазифанинг ечими мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида наинки улкан ижтимоий аҳамиятга эга, айни пайтда юртимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни мустаҳкамлашнинг ҳал қилувчи омили, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз, - деб таъкидлади.²

Президентимиз ўз маърузасида 2007-йилда ўртача иш ҳақини камида учдан бир миқдорда, 2010 йилга бориб эса 2,5 баробар ошириш вазифасини қўйилганлигини таъкидлаб кўрсатди.³

Юқоридагилардан шунини хулоса қилиш мумкинки, халқ фаровонлигини ўстириб бориш, энг аввало, юрт тинчлигини таъминлаш, мамлакат ижтимоий-иқтисодий соҳаларини муттасил ривожлантириб бориш билан узвий боғлиқдир.

Комил инсон ғояси. Комил инсонни тарбиялаб етказиш миллий ғоянинг асосий тамойилларидан бири бўлиб, унда маънавий жиҳатдан етук инсонни тарбиялаб етиштиришни ўз ичига олади.

Ҳар жиҳатдан комиллик – яратган Парвардигорга хос. Инсон эса умри давомида ўзидаги қусурларни, камчиликларни йўқотиб, комилликка қараб интилиши зарур. Бунинг учун эса тинмай ўз устида ишлаши, олам тўғрисидаги билимларни эгаллаб бориши, меҳнат қилиши, эзгу мақсадларни кўзлаб доимо фаол бўлиши керак. Халқимизнинг минг йиллар давомида сақланиб, авлоддан авлодга ўтиб келаётган одоб-ахлоқ қоидаларини, маънавий меросини эгаллаб, уларга амал қилиб яшаш – комилликка эришиб боришнинг асосий шартидир. Комилликка интилиш – бутун умр давомида кечадиган жараён.

Эзгуликка асосланган дунёвий ва диний билимларга эга бўлиш орқали инсон ўзидаги мавжуд камчиликларни, қусурларни бартараф қилиб боради. Шу орқали ўзида комиллик сифатларини бунёд қилиб боради. Юксак ахлоқий сифатлар эса инсон хулқининг бегадидир. Дарахт гуллари, барглари ва меваси билан кўркам бўлганидек, инсон ҳам ахлоқий фазилатлари, маънавий етуклиги, ақлу-фаросати ва муомаласи билан кўркамдир. Ташқи кўриниши, чиройли кийиниш инсонни ҳар жиҳатдан комиллигини таъминлаб бера олмайди. Комиллик – инсоннинг жисмоний соғлом бўлиши, теран фикрлаши, одамлар орасида ўзини тута билиши, ўзгалар билан гўзал муомалада бўлиши каби кўплаб фазилатлар мажмуасини англатади.

Ижтимоий ҳамкорлик ғояси. Ижтимоий ҳамкорлик ғояси Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан барча соҳаларда ўзаро тенг ҳуқуқлилиқ асосида ҳамкорлик қилиш ва ривожланган давлатлар даражасига чиқиш вазифасини ўз ичига олади. Ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш – Ўзбекистон ижтимоий раўнақининг гаровидир.

Юрт тинчлигини, Ватан раўнақини, халқ фаровонлигини ҳам, мамлакат миқёсида ижтимоий ҳамкорликсиз таъминлаш мушкулдир. Мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий ва маънавий-мафкуравий муносабатлар шаклланиб, ҳаётимизга табора чуқур кириб бормоқда. Бундай муносабатлар турли ижтимоий қатламларнинг шаклланишига асос бўлади. Ҳозирда мулкдорлар ижтимоий табақаси, уларнинг турли кўринишлари, кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланаётган аҳоли қатлами табора кўпчилиқни ташкил қилиб бормоқда. Бундан ташқари юзлаб турдаги касб-кор эгалари ҳам ўзига хос ижтимоий уйғунликни, ўзаро уюшганликни ташкил қилмоқда. Улар ўртасида ижтимоий ҳамкорлик, мувозанат бўлишлиги жуда муҳим аҳамиятга эга.

¹ И.А.Каримов. Янгилаш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. Тошкент, 2007 й. 7-бет.

² Ўша жойда. 20-бет.

³ Ўша жойда. 21 бет.

Демак, ижтимоий ҳамкорлик ғояси – жамият ҳаётида шаклланган, ишлаб чиқариш, мулкӣ, касбий жиҳатдан турли ижтимоий тоифалар, табақаларнинг умуммиллат, жамият манфаатлари асосида ўзаро ҳамкорликда бўлиш заруриятини англатади.

Миллатлараро тотувлик ғояси. Бугунги кунда Ўзбекистонда 130 дан зиёд турли миллатлар истиқомат қилмоқда. Уларнинг барчаси, миллатидан қатъий назар, Ўзбекистон фуқаросидир.

Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаб кўрсатганидек: «Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг тили, маданияти, урф-одат ва анъаналарини ривожлантиришга кўмаклашиш, уларга яратиб берилган имконият ва шароитларни янада кенгайтиришдан иборат вазифаларни ўз ичига олади. Шу орқали юртимизда қарор топган миллатлараро тотувлик ва барқарорликни сақлаш, уни кўз қорачиғидай асраш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир».¹

Диний бағрикенглик ғояси. Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо қилинмоқда. Ривожланган мамлакатлар тарихий тажрибасида синовдан ўтган бундай тузум, жамиятдаги барча кишиларга, уларнинг ирқий, миллий, жинсий, мулкӣ, диний, ижтимоий мансублигидан қатъий назар, барчаси учун маъқул тушадиган, қониқтирадиган, уларга яшаш, ривожланиш, эркин фаолият юрита олиш имкониятини беради. Ўзбекистон мана шу йўлдан ривожланиб бормоқда.

«Ўзбекистон – суверен демократик республика».² «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар қандай инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди».³

Ўзбекистонда истиқомат қилаётган аҳоли турли динларга эътиқод қиладилар. Бугунда, Ўзбекистонда 17 та диний конфессиялар давлат томонидан расман рўйхатдан ўтган ва фаолият кўрсатмоқда.

Динлараро бағрикенглик ғояси – мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган диний ташкилотларнинг, турли динларга эътиқод қилувчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини паймол қилинишига йўл қўймаслик, камситмаслик, барча дин вакилларининг ўзаро ҳамкор, ҳамжиҳат бўлиб фаолият юритиши, мамлакат яхлитлиги, тинчлиги ва барқарор ривожланишининг гарови сифатида илгари сурилади.

¹ И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000й, 22-бет.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, «Ўзбекистон», 2003 й. 4-бет.

³ Ўша жойда. 31-модда. 8-бет.

II БОБ МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ИЖТИМОЙ ҲАЁТ

Ушбу бобда миллий ғоянинг жамиятимиз ижтимоий ҳаётида амал қилиш хусусиятлари, ўзига хос жиҳатлари баён қилинган. Миллий ғоянинг асосий ижтимоий-маънавий вазифаларидан бири – миллатни ягона байроқ остида бирлаштириш, муайян мақсад сари сафарбар қилишдан иборат. Ўз навбатида, миллатни бирлаштириш, уни турли ёт ва бузғунчи ғоялардан ҳимоя эта оладиган кудратга эга бўлган тақдирдагини, миллий ғоя моддий кучга айланади.

Шунинг учун, бобда миллий ғоя ва демократик тамойилларнинг ўзаро уйғунлашуви жараёни – ижтимоий-маънавий барқарорликни ва тараққиётни таъминловчи муҳим омил сифатида баён қилинди.

Ўзбекистон – ёшлар мамлакати. Аҳолининг кўпчилигини ёшлар ташкил қилади. Келажак ёшлар қўлида. Эртанги ҳаётимиз қандай бўлишлигини бугунги кунда тарбияланаётган ёшлар хал қилади. Шу жиҳатдан, ёшларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўрни ва ролига жиддий эътибор қаратмоқ жоиз. Шу муносабат билан ушбу бобда ёшлар ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт мавзуси ўрин эгаллаган.

Мавзунинг мантиқий давоми сифатида етук кадрлар – жамият тараққиётининг муҳим ва хал қилувчи омили сифатидаги муаммога ҳам эътибор берилди. Бугунги кунда, ёшлар энг замонавий касбларни эгаллаб бориши, ўз касбининг моҳир устаси бўлсагина, жамиятимиз равақ топади, фаровон ҳаёт учун замин яратилади.

Бобдан ўрин олган, «янги ҳаёт ўз-ўзидан қурилмайди» мавзуси ҳам, эртанги кун ҳаётимиз гўзал, тўкин ва файзли бўлишининг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини баён қилишга бағишланган.

Ўзини Ўзбекистон фуқароси, асл фарзанди, деб билган ҳар бир шахс, айниқса ёшлар шуни яхши англамоқлари лозимки, биз орзу қилаётган гўзал ҳаёт, фаровон турмуш, бахтли келажак – ўз-ўзидан қурилмайди. Бунинг учун ҳар биримиз тинмай изланишимиз, меҳнат қилишимиз, илм чўққиларини эгаллашимиз, турли замонавий касбларни пухта ўзлаштиришимиз, бор қобилиятимизни, салоҳиятимизни ишга солишимиз керак. Шундагина миллат ҳам, жамият ва давлат ҳам равақ топади.

Миллий ғоя эса шундай улуғ мақсадларга эришишда илҳом берувчи маънавий озик сифатида амал қилади.

МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ДЕМОКРАТИЯ – БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ШАРТИ

Бугунги кунда Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон сиёсий ва мафкуравий майдонида ўзлигини намоён қилмоқда. Миллий мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб турли мамлакатлар, сиёсий кучларнинг эътиборини тоборо кўпроқ тортмоқда.

Марказий Осиё минтақаси ижтимоий сиёсий вазиятида муҳим ўрин тутаётган Ўзбекистон, жаҳоннинг йирик, ривожланган давлатлари, айниқса АҚШ, Россия Федерацияси, Хитой каби қудратли давлатлар таъсир кучлари кесишган маконда жойлашгандир. Ўзбекистонда жаҳон миқёсидаги ўта мураккаб сиёсий-иқтисодий манфаатлар асосида юзага келадиган муносабатлар исканжасида, мустақил давлат сифатида ўзининг ички ва ташқи сиёсатини дадил олиб бормоқда.

XX аср 90-йилларида дунё сиёсий харитасида рўй берган жиддий ўзгаришлар, дунёни йирик давлатлари, империяча кайфиятдаги, мақсадларни кўзлагин сиёсий кучлар ўртасида «дунёни қайтадан тақсимлаш, ўзга ерлар ва уларнинг бойликларига эгадорлик қилиш» учун курашнинг авж олишига сабаб бўлди. Ўзбекистон ҳам мана шундай геосиёсий аҳамиятга эга бўлган «энг катта ўлжа» бўлиши мумкин бўлган мамлакат, ҳудуд сифатида қаралди.

Ўзининг бой табиий ресурслари, меҳнаткаш ва содда халқи, битмас-туганмас энергия манбалари билан ўта тулрак ва муғомбир кучлар эътиборини тортмоқда.

Бу ёвуз кучлар «бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» - деб номланган эски, аммо ҳозир ҳам жуда қўл келадиган шиор остида Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистонда ҳам турли сиёсий найранглари, ўйинларни ўйлаб, режалаштириб, уларга катта-катта маблағларни сарф қилиб, ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга оширишга интилоқдалар. Қилни қирқ еридан ёриб, фойда кўзлаган бу ёвуз кучлар аввал қўшни Қирғизистонда (2005 йил 24 март) ўз мақсадларини – лола инқилоби (аслида инқилоб эмас, бир неча юз тарафдорларига эга бўлган «сўл» кучларнинг наркомафия билан тил бириктирган холда амалга оширган давлат тўнтариши) ни амалга оширдилар. Қулай геопацдарм тайёрлангач, эътибор Ўзбекистонга қаратилди ва 2005 йил 12-13 май кунлари Андижонда хунрезликлар уюштирилди. Бу хунрезликлар, конституцион тузумга, қонуний давлат ҳокимиятига қарши хуружни амалга оширган «зарбдор» гуруҳ аъзолари, асосан, Қирғизистондан Ўзбекистон давлат чегарасини ноқонуний бузиб қирганлар томонидан амалга оширилган.

2005 йил 12-13 май кунлари Андижонликлар тинчлиги бузилди. Шундагина биз тинчликнинг қадрини кўпроқ ҳис қилдик. Тинчлик – Аллоҳнинг бандаларига берган буюк неъматларидан эканлигига яна бир бор амин бўлдик. Андижон воқеасига уч йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, Ўзбекистонга нисбатан «ахборот терроризми» ҳамон давом этмоқда. Андижонда содир қилинган хунрезлик бир томонлама, махсус ишлаб чиқилган «сценарий» асосида, ноҳолис баён қилинмоқда.

Фикримизни, интернетнинг БИ – БИ – СИ сайтидан олинган қуйидаги маълумоти билан исботлашга ҳаракат қиламиз.

2006 йил 20-май куни олинган маълумотга кўра, Афғонистон жануби, Хелманд вилояти, Муса Қалъа шаҳарчасида полиция ва толибон жангарилари ўртасида бўлиб ўтган жанг тафсилотлари ёзилиб, 50 га яқин жангари ўлдирилганини ва 13 нафар ҳукумат кучлари аскарлари қурбон бўлганлиги, жанг 2006 йил 17-18 май, чоршанба ва пайшанба кунлари содир бўлганлиги ёзилган.

Аслини олганда, ўз характери, содир бўлиш моҳияти жиҳатдан бу воқеа 2005 йил 12-13 майда Андижонда содир этилган хунрезликлардан унчалик фарқ қилмайди. Аммо уларга муносабат эса от билан туячалик фарқ қилади. Афғонистонда содир қилинган бу хунрезлик жаҳон, хусусан Америка ва Оврўпа ахборот воситалари томонидан ноғора қилиб чалинмаяпти. Чунки бу воқеа уларнинг манфаатларига унчалик «айни муддао» эмас. Андижон воқеаси эса улар учун «айни муддао» бўлди. Шунинг учун ҳам, ҳозирга қадар воқеани бир томонлама баён қилиб, жаҳон ҳамжамияти олдида, суверен Ўзбекистон давлати ички ва ташқи сиёсатини «ёмон отликқа» чиқаришдан чарчамаяптилар.

Ўзбек халқининг мамлакат худудидида ва чет мамлакатларда яшаётган ҳар бир вакилига, ўзини ўзбекман, - деб фахрланиб юрган, шунингдек, ўз қилмишини оқлаш ниятида чираниб юрган айрим миллатдошларимизга қарата айтамызки – етук сиёсий онга, маданиятга эга бўлган тақдирдагина мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига ижобий таъсир ўтказиш мумкин. Акс холда улар «бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» деган эски, аммо энг хавфли усуллар ёрдамида миллат устидан ҳукмронлик қилишга интилаверадилар.

Бундай ёвуз, ҳукмронлик қуролига қарши куч, бу миллат бирлигидир, ҳамжиҳатлигидир.

Мустақилликни мустаҳкамлашда, асрлар давомида шаклланган миллий, ижтимоий-сиёсий қадриятларнинг роли ва аҳамияти беқиёс даражада каттадир. Шарқона босиқлик, етти ўлчаб бир кесишлик, ҳар қандай ижтимоий-сиёсий воқеаларни чуқур таҳлил қилиб, сўнг муносабат билдирмоқлик каби юксак сиёсий маданият - шулар жумласига киради. Ёшлар онгига ана шундай миллий характердаги ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий қадриятларни сингдириб бориш орқали ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо қилиб борилади.

Миллий ғоя тамойилларини демократиянинг умумий тамойиллари билан уйғун холда ёшлар онги ва қалбига сингдириб бориш лозим. Асосий Қомусимизнинг 13-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий

кадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.»¹ «Демократия» юнонча сўз бўлиб, «демос» - халқ, «кратос» - бошқарув яъни мамлакатни кўпчилик халқ вакиллари томонидан бошқариш, халқ ҳокимияти маъносини англатади.

Демократия йўлини танлаган жамиятларда амалга оширилган иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа ижтимоий ислохотларнинг муваффақиятлари, маълум даражада, фуқароларнинг онги ва қалбида демократик тамойилларнинг қай даражада тез ва чуқур илдиз отганлигига боғлиқ бўлди.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Демократия фақат назария ёки сиёсий жараёнгина бўлиб қолмай, шу билан бирга халқнинг турмуш тарзи ва унинг бутун руҳияти, анъаналари, маданияти, психологиясининг хусусиятлари ҳамдир. Халқнинг маданиятидан жой ололмаган демократия турмуш тарзининг таркибий қисми ҳам бўла олмайди»²

Демократия – фуқаролари тенг ҳуқуқлигига асосланган, сиёсий қарорлар кўпчилик ҳуқуқини ҳимоя қилишни назарда тутган ва кўпчиликнинг овози асосида қабул қилинадиган ўзини ўзи бошқарувчи тузумдир. Демократик жамият, фуқароларга давлат бошқарувининг қарор қабул қилиш ва уни амалга ошириш жараёнида бевосита иштирок этишга шароит яратиб беради. Бу – бевосита демократия деб аталади.

Фуқаролар кўп ҳолларда ўз номларидан давлат бошқарувида қарорлар қабул қилувчи, фаолият кўрувчи вакилларни сайлашлари орқали ҳам ўзларининг демократик ҳуқуқларини амалга оширадилар. Бу – вакиллик демократияси деб аталади. Вакиллик демократиясида фуқаролар қонунчилик, ижроия ва бошқа функцияларни амалга оширишда бевосита иштирок этмайдилар.

Демократия амал қиладиган жамиятда ҳокимият қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларига бўлинган бўлиб, улар бир-бирларидан мустақил равишда фаолият олиб борадилар, шу билан бирга бир-бирларини назорат қиладилар. Шундай қилиб, ҳеч бир шахс ёки хатто ҳокимиятнинг айрим тармоғи ҳам фуқаролар ҳуқуқига таҳдид қилиши ёки уларни бузиш учун етарли кучни ўз қўлида мужассамлаштира олмайди. Аммо, ҳуқуқат ўта қудратли бўлиб кетган тақдирда ҳам, етарли қудратга эга бўлмаган тақдирда ҳам демократия таназзулга учраши мумкин.

Демократиянинг асл моҳияти ўзини ўзи бошқаришдир, ўз ҳаётини халқ, ўз қобилияти, тафаккури ва виждон амрига кўра қуриш ва бунинг оқибати учун масъулиятни ҳам ўз зиммасига олишдир. Қайси жамият фуқароларининг сиёсий, ҳуқуқий, маънавий савияси, маданияти юксак бўлса, бундай жамиятда демократия раванқ топади. Шахс ўзига кўпроқ ҳуқуқ бергани ва масъулият юклагани сари жамият демократлашаверади, давлатнинг бошқарувдаги юки енгиллашаверади.

Демократик жараёнлар халқимиз миллий маданиятининг ўзига хос жиҳатларини, унинг табиатини мужассам этмоғи керак. Шарқда демократия тушунчаси ҳамжиҳатлик ғояси, жамоачилик фикрининг устуворлиги заминида шаклланади. Бизнинг мамлакатимизда демократик жараёнлар халқимизнинг қонунни ҳурмат қилиш, қонунга итоат этиш каби фазилатларига мос равишда ривожланиши зарур.

Миллий ғоя ва демократия тамойиллари ўзаро уйғун ҳолда амал қилгандагина, мамлакатда барқарорлик ва тараққиёт изчил таъминланади.

¹. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, «Ўзбекистон», 2003 й. 5-бет.

² И. Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998.364-бет

ЁШЛАР ВА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

Ҳар қандай жамият, айрим олинган мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, аввало, унинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Халқимизда шундай нақл бор: «Бир кун жанжал бўлган жойда қирқ кун барака хайр бўлмайди». Бу нақл айрим олинган оилага ҳам, ҳар қандай мамлакатга ҳам тааллуқлидир.

2005 йил 12-13 майда Андижонда бўлиб ўтган фожеали воқеаларнинг захри ҳали бери халқимиз қалбидан кетмайди. Бир гуруҳ ғаламисларнинг ёвуз қилмишлари туфайли юртимиз тинчлиги бузилди. Уларнинг касофатлари туфайли бегуноҳ одамлар айниқса, ҳали «ҳаёт» деган буюк неъматнинг нашидасини тотишга ҳам улгурмаган ёш навқирон йигитлар қурбон бўлди.

Қуръони Каримнинг «Моида» сурасида, жамият ҳаётида содир бўладиган зўравонлик ва бузғунчилик жиноятлари ва уларнинг жазолари тўғрисида айтилган бўлиб, қуйидагича баён қилинган: Одам (алайҳиссалом) нинг икки фарзанди – Қобил ва Ҳобил ўртасида бўлиб ўтган мужодала – Қобил ўз биродари Ҳобилни ноҳақ ўлдиргани тўғрисида хабар берилиб, бу қисса орқали яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги доимий кураш тасвирланган. Бу фожеа Ер юзидаги ноҳақ қон тўкилиши фожеаларининг биринчиси эди. Суранинг 30-оятда Қобил ўз биродари Ҳобилни ноҳақ ўлдиргани тўғрисида айтилиб, 32-оятда шундай дейилади: «Ана ўша (фожеа) сабабли бани Исроил зиммасига (шундай фармонни) ёзиб қўйдик: кимки бирон жонни ўлдирмаган ва ерда бузғунчилик қилиб юрмаган одамни ўлдирса, демак, гўё барча одамларни ўлдирибди ва кимки унга ҳаёт ато этса (яъни ўлдиришдан бош тортса), демак: гўё барча одамларга ҳаёт берибди. Уларга (бани Исроилга) пайғамбарларимиз менга шундай ҳужжатлар келтирдилар. Шундан кейин ҳам улардан кўплари ер юзида (қон тўкиш билан) ҳаддан ошиб юргувчидирлар:». Мазкур оятдан шуни англаш мумкинки, бир кишини ноҳақ ўлдириш бутун жамиятни ўлдириш, бир кишини ҳалокатдан сақлаб қолиш эса бутун жамиятни асраб қолишдир. Жонажон шаҳримизда хунрезликларни келтириб чиқарган манфур кимсалар ўзларининг қабих ниятларини амалга ошириш мақсадида бегуноҳ кишилар ҳаётига зомин бўлдилар. Ўз ёвуз мақсадлари йўлида кексалар, ва ёш гўдақлардан тирик қалқон сифатида фойдаландилар.

Андижоннинг мард ўғлонлари Ватан олдидаги муқаддас бурчларини адо этиш чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар.

Андижон шаҳар прокурори Ғанижон Муллажонович Абдурахимов, вилоят ички ишлар ходимлари Музаффар Рустамов, Машғалбек Ҳожиматов, Санжарбек Маҳмудов, Илёсбек Тошматовлар, Андижон ҳибсхона назоратчиси, ички хизмат старшинаси Зоҳиджон Мамасодиқов, капитан Баҳром Улуғбекович Жўраевлар ўз хизмат бурчларини бажараётиб мардларча ҳалок бўлдилар. Эндигина 27 баҳорни қаршилаган ҳарбий зобит Абборбек Товулдиев, ички ишлар ходими Улуғбек Ҳамрақулов, ИИБ катта инспектори Алишер Эргашев, эндигина 26 ёшни қаршилаган ички ишлар ходими Нодирбек Носировлар ёвуз кимсалар отган ўқдан нобуд бўлдилар.

Вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари: капитан Н.Давронов, лейтенант А.Жўраевлар ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан бажараётиб ҳалок бўлдилар. Уларнинг аёллари бева, фарзандлари эса етим бўлиб қолдилар. Уларнинг кўрсатган жасорати ҳамда порлоқ хотираси халқимиз қалбида абадий яшайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан капитан Баҳром Улуғбекович Жўраев давлатимизнинг миллий хавфсизлиги, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини муҳофаза қилиш ҳамда хизмат бурчини адо этишда кўрсатган жасорати ва фидойилиги учун II даражали «Шон-шараф» ордени билан тақдирланди.

Жонажон юртимиз мустақиллик даврида, жуда қисқа муддатда асрларга тенг миқёсда тараққиёт даражасига эришмоқда. Кун сайин унинг шаҳар ва қишлоқлари ўзгариб, обод бўлиб бормоқда. Тинчликнинг каддини ундан маҳрум бўлган кишигина билади. Ўз бошидан қанчадан-қанча суронли, қирғинбарот урушларни, қонли воқеаларни бошидан кечирган доно халқимиз тинчликни яратган Аллоҳнинг ўз бандаларига берган улуғ неъматини сифатида

кадрлайди ва уни бошқа ҳеч бир нарсага алмашмайди. Қўлини фотиҳага очганда ҳам элимиз, яратгандан энг аввало тинчлик-хотиржамликни сўрайди.

Бугунги кунда Ўзбекистон турли хил ташқи таҳдидлар, хуружлар орасидан ўзининг ички ва ташқи сиёсатини дадил олиб бормоқда.

Бир томонда диний экстремизм, халқаро терроризм ва халқаро жинойтчилик ўзининг манфур башарасини намоён қилаётган бўлса, бошқа томондан эса, ахборот терроризми борган сари жазавага тушмоқда ва Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётига нисбатан хуружи кучаймоқда. Дунё сиёсий майдонидаги кураш шунчалар даражада мураккаблашиб бормоқдаки, унинг асл маъно-мазмунини, моҳиятини ҳар ким ҳам чуқур англай олмайди. Айниқса, ҳали дунёқараши, сиёсий билими ва савияси етарли даражада шаклланмаган айрим ёшлар, хатто олий маълумотли кишилар ҳам мамлакатимиз, миллатимиз манфаатларига зид келувчи ёт ғояларга, берилиб қолмоқда.

Сиёсий жараён шундай оловки, ундан ҳар ким, ҳар қандай ижтимоий гуруҳ тўғри фойдалана билмаса, куйиб кул бўлиши ҳеч гап эмас. Юқорида таъкидлаб кўрсатганимиздек, жамият ҳаётининг ривожини мамлакатимизда тинчликни барқорор бўлишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов томонидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойили ишлаб чиқилди. Унга кўра, бозор иқтисодиётига ўтиш, инқилобий йўл билан эмас балки босқичма-босқич, тинчлик йўли билан амалга оширилмоғи лозим.

Ўзбекистон азалдан ўз табиий бойликлари, ижтимоий имкониятлари билан кўп халқларни қизиқтириб келган. Баъзи кимсалар бугунги ўтқинчи иқтисодий қийинчиликлардан фойдаланиб юртимизга ўзининг ғараз ниятлари билан таҳдид солишга ҳаракат қилмоқдалар. Улар динни ўзларига ниқоб қилиб олиб, халқимиз орасига раҳна солишга уринаётирлар. Экстремистик ва террористик унсурлар мамлакатга ноқонуний қурол яроқ ва пул маблағларини чегара ҳудудларидан олиб ўтиш орқали ўзларининг ғаразли мақсадларига эришмоқчи бўладилар. Дунёни қурол билан эгаллашга ҳаракат қилаётган ушбу кучлар: «Ҳизб-ут Таҳрир», «Ал-Қоида» Акромийлик, Тавба, Ваҳҳобийлик, «Туркистон ислом ҳаракати» каби гуруҳлар Ўзбекистон ҳудудида тинчликни бузишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу гуруҳларни айрим хорижий мамлакатлардаги оммавий ахборот воситалари экстремистик ва террористик гуруҳлар сифатида эмас, балки диний эътиқод учун курашувчилар, деб нотўғри талқин қилмоқдалар.

Юртимиз тинчлигига таҳдид солаётган хавф-хатарлардан яна бири, бизда мустақиллик туфайли амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кўра олмайдиган, турли баҳоналар билан Ўзбекистонга ўз сиёсатини, таъсирини ўтказиш ва ҳукмронлик қилишга интилаётган кучларнинг мавжудлигидир.

Аср вабоси деб таърифланаётган терроризм ва гиёҳвандлик юртимизнинг келажаги бўлган айрим ёшларни боши берк кўчага киргизиб қўймоқда.

Андижонда содир этилган қонли воқеаларнинг мантиқий таҳлили шуни кўрсатадики унинг ижрочилари халқаро диний экстремистик оқим «Ҳизб-ут Таҳрир» нинг Андижондаги кўриниши «Акромийлик» гуруҳи вакиллари бўлса-да, унинг сценарийси аслида вилоятимиздан, мамлакатимиздан ташқарида ишлаб чиқилган. Унинг «дирижёрлари» ҳам, ғоявий илҳомчилари ҳам, молиявий хомийлари ҳам юртимиздан анча олисда бўлган сиёсий доиралар, халқаро террористик ва диний экстремистик ташкилотларидир. Бу террористик актга ҳозирда хорижда «Туркистон ислом ҳаракати» номи билан фаолият юритаётган ватангадо кимсалар ҳам ўз «ҳиссаларини» қўшганлиги турган гап.

Ўзбекистон ёшлар мамлакатидир. Шу жиҳатдан олганда, давлатимиз келажаги, ижтимоий-иқтисодий тараққиётимиз бугунги ёшларнинг билимига, онгига ва савиясига, дунёқарашига, ватанпарварлик туйғусининг қанчалик шаклланишига, комиллик даражасига боғлиқ. Эртанги кун келажагимиз, эркин фикрлайдиган, мустақил иш юрита оладиган, ўз касбини моҳир устаси бўлган, ўз фикрини эркин баён эта оладиган, Ватан ва халқ манфаатларини ўз манфаатларидан устун қўя оладиган, керак бўлса Ватан учун жонини фидо қила оладиган ёшларни талаб этади.

Бугунги кунда ёшларимиз билим олишга давлатимиз ва ҳукуватимиз томонидан уларга яратилаётган шарт-шароитлардан тўғри фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Кўпгина ёшларимиз чет тилларини ўзлаштириб, АҚШ, Англия, Франция, Германия, Япония каби дунёдаги энг ривожланган мамлакатларда таълим олиб бормоқда. Лекин «гуруч курмаксиз бўлмайди», дегенларидек, айрим ёшлар энгил-елпи ҳаётга интилиб, осон пул топиш йўлларини излаб, номаъкул йўлларга кириб қолмоқдалар. Бунинг асосий сабаби, уларнинг онги, дунёқараши етарли даражада шаклланмаганлиги, ўз фикрига эга эмаслиги, мустақил қарор қила олмаслигидадир. Бундай ёшларни ҳар ким хоҳлаган томонига етаклаб кетавериши мамкин.

Шу сабабли, бундай ёшлар ўз хатти-ҳаракатларининг оқибатларини тушунмай, кўплаб муаммоларга дуч келмоқдалар. Бугунги куннинг энг даҳшатли, оғир нуқтаси бўлмиш, одам савдоси домига тушиб қолган айрим ёшлар ўз хатти-ҳаракатларини афсуски, жуда кеч англамоқдалар. Уларнинг бу йўлдан қайтариш ва ёшларимизда мафкуравий иммунитетни шакллантириш мақсадида республикамиз ёшлари ўртасида турли тадбирлар ўтказилмоқда. Президентимиз айтганидек: «мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучли бўлиб турган бир пайтда, ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан кураш олиб бормоқ лозим».

ЕТУК КАДРЛАР – ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

1997 йил 27 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисида» Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. Бу муҳим давлат ҳужжатлари мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ички механизмини асослаб, уни рўёбга чиқаришнинг ҳукукий-меъёрий асосини ташкил қилади. Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳукукий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутди.

Дастурда шунингдек, таълим ва тарбия жараёни орқали ёш авлодни юксак маънавий фазилатлар – бағрикенглик, ватанпарварлик, меҳр-оқибат, умуминсоний ва миллий қадриятлар, бунёдкор ғоялар руҳида камол топтириш кўзда тутилган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга ошириб бориш орқали баркамол инсон, янгича тафаккурга эга бўлган шахс юқори малакали кадрлар етиштирилмоқда.

Ҳозирга келиб, мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириб борилаётганлиги – фуқароларнинг энг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири – билим олиш, ижодий қобилиятини намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожлантириш, эгаллаётган касби бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш каби ўта долзарб ва муҳим вазифалар бажарилмоқда.

Бугунги кунда кадрлар тайёрлаш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириб бориш – жамиятни янгилаш ва халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратишнинг устивор вазифаси сифатида қаралмоқда. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш натижасида, - деб таъкидлади Президентимиз Ислом Каримов, - 1997 йилдан буён касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда иқтисодиётимизнинг турли соҳа ва тармоқлари учун қарийб 600 минг нафар малакали ёш кадрлар тайёрланди.

Биргина 2006 йилнинг ўзида 8 минг ўқувчи ўрнига эга бўлган 6 та академик лицей ва 70 минг ўринли 124 та касб-хунар коллежи қуриб, фойдаланишга топширилди. 8,7 миллиард сўмлик ва 15 миллион АҚШ доллари миқдоридagi ўқув-лаборатория жиҳозлари харид қилинди.

Мактаб таълимини ривожлантириш дастурига мувофиқ, 2006 йилда 61 та янги мактаб қуриб, фойдаланишга топширилди, 385 та мактаб капитал реконструкция қилинди, 530 та мактаб эса таъмирланди».¹

Юқорида келтирилган аниқ маълумотлар, мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохатларнинг таркибий қисми бўлган кадрлар тайёрлаш миллий дастури изчиллик билан ҳаётга жорий қилиб борилаётганлигидан далолат беради. Кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқариш миллий ва умумбашарий кадриятларни тиклашга йўналтирилган бўлиб, бу ўз навбатида, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга хизмат қилади.

Узлуксиз таълимни ривожлантириш миллий дастурда белгиланган асосий вазифалардан бири бўлиб, у: умумий ўрта таълим (9 йиллик), ўрта махсус, касб-ҳунар таълими (3 йиллик академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари) ва олий таълимни ўз ичига олади.

Юқори малакали кадрлар тайёрлашда таълим жараёнини янада инсонпарварлаштириш, ижтимоийлаштириш ва демократлаштириш каби муҳим вазифаларни амалга ошириб бориш кўзда тутилган.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, бугунги кунда осмонимиз мусаффо, тинч ва ижтимоий барқарорлик, осуда ҳаёт ҳукм сураётган даврда, ўқитувчи ва талаба ёшлар бунёдкорлик йўлида тинмай изланишлар олиб бориш жараёнида дунёвий илмларни эгаллаб бориши – уларни етук кадр бўлиб етишишларида муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз келажагини, равнақини таъминлашда етук кадрлар тайёрлашда миллий ғоя ва бошқа ижтимоий-сиёсий фанларнинг ҳам аҳамияти беқиёс даражада катта. Чунки бу фанлар ҳар бир ёшнинг дунёқарашини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Етук кадр бўлиш учун фақат ўз соҳасинигина билимдони бўлиш етарли эмас. Ватанга, миллатга хизмат қилиш учун, унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи, корига ярайдиган ёшларгина муносиб кадр бўла олади.

Келажакда етук мутахассис кадрлар бўлиб, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа соҳаларида фаолият кўрсатувчи ёшлар, талаба йигит-қизлар онгида, дунёқарашида миллий ғоя ва ижтимоий-сиёсий билимлар қанчалик чуқур ўрин эгалласа, уларнинг ижтимоий мавқеи шунчалик ортиб боради.

Юртимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни бузишга қаратилган ахборот хуружлари авж олаётган бир пайтда, ўқувчи ва талабалар онгига миллий ғояни сингдириб боришдек мураккаб ва ўта масъулиятли вазифаларни бажариш орқали Ватанга, миллатга муносиб хизмат қила оладиган етук кадрлар тайёрланади.

Жамиятимиз учун муносиб, етук кадрлар тайёрлаш учун яна қандай тадбирларни амалга ошириш лозим? Бунинг учун, таълим муассасаларида миллий ғоя фанини ўқитишда интерфаол усуллардан кенг фойдаланмоқ мақсадга мувафиқ. Унда жамиятимиз ижтимоий ҳаётида рўй бераётган муҳим ўзгаришлар, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлар ёрқин мисоллар билан тушунтириб борилмоғи лозим.

Етук кадрлар тайёрлашда, ёшларнинг мафкуравий тарбиясига алоҳида эътибор бермоқ зарур. Чунки мафкуравий тарбия – ёшларни, Ўзбекистоннинг буюк келажагини барпо қилишда муносиб шахс, комил инсон ва етук кадр қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Мафкуравий тарбия таълим-тарбия тизимининг барча бўғинларида ва йўналишларида амалга оширилади. Оиладан бошлаб, мактабгача таълим, ўрта умумий таълим, ўрта махсус касб-ҳунар таълими, олий ўқув юрти муассасаларида узлуксиз, ҳар қандай ўзибўларчиликка йўл қўймай, изчил равишда амалга оширилиши лозим.

Халқни буюк келажак ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштириш, юксак фазилятли комил инсонларни вояга етказиш, ёшларни ҳар томонлама етук шахс, жамият учун керакли кадр қилиб тарбиялашда ижтимоий-сиёсий билимлар, айниқса, миллий ғоя тарғиботи муҳим роль ўйнайди. Бугунги кунда янгича тафаккур юритиш, замон талаблари асосида ижтимоий-

¹ Ислом Каримов. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. Тошкент, 2007. 7-бет.

сиёсий фанларни, айниқса, миллий ғояни ўқитишни ташкил қилиш ўта жиддий ва долзарб бўлиб қолмоқда.

ЯНГИ ҲАЁТ ЎЗ-ЎЗИДАН ҚУРИЛМАЙДИ

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти қаторида янги юз йилликнинг дастлабки ўн йиллигида, учинчи минг йилликнинг бошида бунёдкорликка асосланган туб ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий ва маънавий-маърифий ишларни амалга оширмоқда. Янги аср кўпчилик олимлар, давлат арбоблари томонидан турлича номлар билан аталмоқда. ХХІ асрни «ахборот асри», «юқори технология ва автоматлаштириш асри», «Кибернетика асри» ва шу каби илғор фан ютуқлари билан боғлаб номламоқдалар. Бу фикрларни рад этмаган ҳолда айтмоқчимизки, ХХІ аср – бу инсон салоҳиятининг, ақлий қобилиятининг чексиз имкониятларини очиш ва янада ошириш асри, бир сўз билан – маънавият асри бўлади. Президентимиз Ислон Каримов 1996 йил 24-апрелда Парижда ЮНЕСКО ижроия кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида: «Мен ХХІ аср маънавият, маърифат асри, илм-фан, маданият ва ахборот асри бўлишига қатъиян аминман»¹ – деб бежиз айтмаган.

Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикасининг ХХІ асрдаги ижтимоий тараққиётининг энг муҳим устивор йўналишларидан бири сифатида – жамият маънавиятини янгилаш, янада юксалтириш вазифаси қўйилмоқда. Бу бежиз эмас. Чунки маънавий жиҳатдан етук бўлган шахс ҳар қандай давлат мустақиллигининг, барқарорлиги, равнақи ва боқийлигининг асосий гаровидир.

Ўзининг мустақил фикрига эга бўлган, ўз Ватани, миллати равнақи йўлида ҳалол меҳнат қиладиган, имон-эътиқодли, виждон амри билан яшайдиган шахсни тарбиялаб етиштириш – жамиятимиз маънавий ҳаётини юксалтиришдаги асосий вазифалардан биридир.

Жамият мавжуд экан, унда яшовчи турли ижтимоий гуруҳлар, диний эътиқод, миллат ва касб-кор вакилларининг ўзаро фарқ қилувчи манфаатлари ҳам мавжуд бўлади. Улар ўз манфаатларини, мақсадларини амалга ошириш учун онгли равишда ҳаракат қиладилар ва фаолият юритадилар. Уларнинг ўзаро фарқ қилувчи манфаатларини ягона байроқ атрофида, ғоя атрофида бирлаштириш эса мамлакат, миллат равнақининг гаровидир.

Президентимиз Ислон Каримов кўрсатиб берганидек: «Миллий ғоя, миллий тафаккурни шакллантирмай, таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилиш, одамларнинг онгини ўзгартириш, уларни умумбашарий мақсадлар сари йўналтиришдек мураккаб ижтимоий вазифаларни ечиш мумкин эмас».¹

Ҳозирги даврда, дунё миқёсидаги тараққиёт шунчалар тез ва шиддатли даражада кечмоқдаки уни англаб олиш, замонавий тараққиёт билан ҳамнафас бўлиш анчайин мушкул.

Ўзбекистон ўзининг миллий мустақиллигига эришгандан сўнг, мустабид тузумдан ҳалос бўлиб, ўз тақдирини, келажагини ўзи белгилаш ҳуқуқини қўлга киритди. Бугунги кунда Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо қилинмоқда. Унинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий ва маънавий-маърафий асослари шакллантирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2007 йил 12-февралда Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисида «Янгилаш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир» мавзусидаги маърузаси – жамиятимиз ҳаётини янгилаш ва янада демократлаштириш, барқарор тараққиёт ва фаровон турмуш шароитларини яратишда ўзининг

¹ И.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1996 йил, 339-бет.

¹ И.А.Каримов. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт- пировард ма=садимиз. 8-жилд. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 2000йил 28-29 бетлар.

яхлит мантикий бирлигига эга бўлган ижтимоий-иқтисодий дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Президентимиз ўз маърузасида: «2007 йилнинг юртимизда Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилингани алоҳида мазмун ва аҳамият касб этади. Бу борада қабул қилинган Дастур ва режаларимизнинг бош мақсади – халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратишдан иборатдир.»² Шу маънода, янги ҳаётнинг ўзи нима, - деган савол туғилиши табиий. Янги ҳаёт – ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти. Бундай жамият, ҳаёт эса ўз-ўзидан қурилиб қолмайди ёки кимлардир Америкадан келиб қуриб бермайди. Бу тўғрида Президентимиз шундай дейди: «Ана шу юксак марраларга эришиш учун мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш, бир сўз билан айтганда, ҳақиқатан ҳам ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этиш учун ўзимизнинг куч-қувват ва ҳаракатларимизни аямаслигимиз керак. Энг муҳими, юртимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш олдимизда турган барча вазифаларни амалга оширишда энг катта пойдевор бўлишини унутмаслигимиз зарур.»¹

XXI аср бошида авж олган, айрим мамлакатларда (Югославия, Грузия, Украина, Қирғизистон каби) амалга оширилган «демократик инқилоб» лар («рангли инқилоб») замирида, уларнинг ҳомийлари қандай мақсадларни кўзлаётганликларини ҳамма ҳам тушунавермайди. Унинг айрим хусусиятлари эса Президентимизнинг «Независимая газета» сида (2005 йил 14-январь) «Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб хисоблашар эди» сарловҳаси остида чоп этилган интервьюсида баён қилинган.

Америкача ёки Ғарб давлатларига хос бўлган демократия ва инсон ҳуқуқларига тегишли ғарбона ёки америкача ғояларни бошқа халқлар ҳаётига турли усул ва воситалар билан зўрлаб олиб кириш, ўзига хос «демократик фундаментализм»ни вужудга келтирди. Ўзга халқлар, жумладан Ўзбекистонга, ўзбек халқи ҳаётига ҳам бундай ғояларни зўрлик билан тиқиштириш – Америкача колониализмнинг замонавий кўриниши, деб баҳолаш мумкин.

Хуллас, эндигина оёққа тураётган мустақил давлатлар, айниқса Ўзбекистон турли хил ташқи таҳдидлар, ҳужумлар орасидан ўзининг ички ва ташқи сиёсатини дадил олиб бормоқда.

Диний экстремизм, фундаментализм, халқаро терроризм, жиноятчилик, демократик фундаментализм империяча сиёсат юритиш, шовинизм, наркобизнес каби бузғунчилик омиллари ўзларининг жирканч башарасини намоён қилмоқда. Уларнинг барчаси ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга ошириш учун жуда катта молиявий маблағларни аямай, сарф қилмоқдалар. Ўзларининг ёвуз ғояларини ахборий-психологик таъсир кўрсатиши орқали кишилар, айниқса, ёшлар онгини эгаллашга интилмоқдалар.

Шунинг учун, ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялаб боришда, ҳозирда мавжуд бўлган ташқи мафкуравий таҳдидларнинг хавфидан огоҳ этиб бориш муҳимдир.

Ҳозирда биз яшаётган миллий мустақилликни кўхна тарихимизнинг минг йиллари давомида ажодларимиз орзу қилиб яшаган. Унга етганлар бўлди, етмаганлар ҳам.

Мустақиллигимиз ҳам ўз-ўзича қўлга киритилмади. Бу йўлда минглаб, миллионлаб ажодларимиз қурбон бўлганлар.

Эртанги кунда яшайдиган, ҳозирда орзу қилаётган фаровон ҳаёт ҳам ўз-ўзича пайдо бўлиб қолмайди ёки уни бизга ҳеч ким қуриб бермайди. Бундай жамиятни кимларнингдир андозаси билан эмас, балки халқимиз, мамлакатимиз, шу юртда яшаётган барча кишилар

² Ислом Каримов. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. Тошкент, 2007. 26-бет.

¹ Ислом Каримов. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. Тошкент, 2007. 26-бет.

учун, уларнинг манфаатларига тўла мос бўлган ҳолда қуришимиз даркор. Президентимиз доимо таъкидлаганларидек – «**ШУ АЗИЗ ВАТАН БАРЧАМИЗНИКИ**».

III БОБ МИЛЛИЙ ҒОЯ – МАФКУРАВИЙ ҲУРУЖЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ОМИЛИ

XXI аср бошларига келиб жаҳон майдонларини мафкуравий бўлиб олишга уринишлар авж олиб кетди. Бундай уринишлардан кўзланган асосий мақсад, муайян сиёсий кучлар, марказлар ва давлатларнинг жаҳон миқёсида ўз таъсир доирасини кенгайтириш, ўзга халқларни тобе қилиш, уларни бўйсундириш ва моддий бойликларга эга бўлишдан иборатдир. Эндиликда улар очик ҳарбий куч ишлатиш усулидан кўра кўпроқ, халқларни маънавий-мафкуравий жиҳатдан тобе қилишга интиломқдалар. Бундай усулнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, жуда катта маблағлар сарф қилиш орқали ўз ғояларини маънавий-мафкуравий йўллар билан ўзга халқлар онгига сингдиришга уринмоқдалар. Диний, сиёсийлашган диний, сиёсий, бадий мазмундаги адабиётларни тарқатиш, видеофильмлар, реклама эълонлари, ўз ваколатхоналарини очиш, турли жамғармаларни ташкил этиб, уларнинг фаолияти орқали ва бошқа кўплаб усуллар билан мафкуравий ҳуружлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда дунёни, жаҳон майдонларини мафкуривий бўлиб олишга уринаётган мафкураларнинг асосий шакллари: буюк давлатчилик мафкураси, диний экстремистик мафкуралар (Ҳизбут таҳрир, Ваҳҳобиллик каби), пансоветизм мафкураси, панисломизм мафкураси, америкача турмуш тарзини ифодаловчи мафкуралар, турли диний секталарнинг ғояларини ифодаловчи мафкуралар (масалан: АУМ Сенрикё (Япония), «Худо болалари»; «Севги оиласи» (Ғарб мамлакатларида), «Ахлоқий кўпчилик» (Америкада)) кенг тарқалган бўлиб, уларни турли халқларга, айниқса ёшлар онгига сингдиришга уринмоқдалар.

Ҳозирда, Марказий Осиё давлатлари, хусусан Ўзбекистоннинг тинчлик йўлида олиб бораётган изчил сиёсати тинчлигимизга, барқарор ривожланишимизга қарши қаратилган турли сиёсий ва мафкуравий таҳдидларни бартараф қилишга йўналтирилгандир.

Сиёсий, миллатчи шовинистик, диний экстремистик характердаги мафкуравий таҳдидлар, кўпоровчилик ҳаракатларидан кўзланган мақсад – минтақада сиёсий, мафкуравий вазиятни кескинлаштириш ва сиёсий-ижтимоий барқарорликни издан чиқаришдан иборат. Ҳозирда дунёнинг турли бурчакларида ўргимчакдек уя қуриб олган кўплаб сиёсий, диний-экстремистик ва халқаро террорчилик марказлар асосан ёшларни турли усул ва воситалар ёрдамида ўзларига оғдиришга, уларнинг онгини бузғунчи ғоялар билан заҳарлаб, минтақада кескинликни келтириб чиқаришга уринмоқдалар.

Мафкуравий кураш миллатимиз келажагини, тақдирини ҳал этади. Бу кураш, муқаддас китобларимизда баён қилинган яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик, маърифат ва жаҳолат ўртасидаги курашдан иборат.

Миллий ғоя эса бундай аёвсиз мафкуравий курашда бизга асосий қурол, ҳимояланиш воситаси ва руҳий куч-қувват бўлиб хизмат қилади. Президентимиз Ислом Каримов кўрсатиб ўтганларидек: «Халқимизнинг табиатига мутлақо ёт бўлган сиёсий, диний экстремизм, ақидапарастлик ва бошқа ёвуз оқимларнинг минтақамизга кириб келиши ва тарқалиши тинчлик ва осойишталикка, фарзандларимизнинг келажагига катта хавф туғдиришини одамлар онгига чуқур сингдириб бориш керак».¹

Қаерда мафкуравий бўшлиқ бўлса, у ерни ўзга мафкура эгаллаши мумкин. Мафкуравий бўшлиқ – ижтимоий-сиёсий ва маънавий-мафкуравий барқарорликка, миллат равнақига, унинг ривожланишига раҳна солувчи ёт ғоялар тарқалишига имкон яратувчи муҳитни вужудга келтиради. Мафкуравий бўшлиққа йўл қўйилса, турли хил бузғунчи, ғаламис, нопок,

¹ Ислом Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000 йил. 29-бет.

миллий кадриятларимизга ёт бўлган, ёш авлод онги ва қалбини заҳарловчи ғоялар, ақидалар уруғи кўпаяди.

Миллий ғоя ўзининг кўп қиррали жиҳатлари билан, миллий кадриятларимизнинг ҳар бир кўринишларига чуқур синганлиги билан ҳар қандай мафкуравий ҳуружларга қарши кураш омили бўлиб хизмат қилади.

Онги ва қалбига миллий ғояни жо қила олган ҳар бир ўқувчи ва талаба ҳар қандай бузғунчи фикрларга муносиб жавоб беришни, ёт ва зарарли ғояларга нисбатан мафкуравий иммунитетни, турли ақидапарастликларга қарши муносиб кураша олади.

МАФКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАР ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ОМИЛЛАРИ

Жамиятимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашга ҳамisha эътибор билан қараб келинмоқда. Жамият ҳаётини ўзгартиришга уринаётган шахсларнинг ёшлар онгини заҳарлашига йўл қўймаслик, уларнинг олдини олиш ҳам сиёсий-мафкуравий вазифалар сирасига киради.

Турли мафкуравий таҳдидлар: ваҳобийлик, ҳизбут-таҳрир каби диний экстремистик оқимларнинг зарарли ғояларини ёшлар онгига суқилиб киришига йўл қўймаслик, улардан огоҳ бўлишлик мамлакатимизда тинчликни сақлашнинг энг муҳим шартларидан ҳисобланади. Бу вазифаларнинг бажарилиши ўз навбатида жамият яхлитлигини, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлайди. Таъкидлаш лозимки, кўшни мамлакатларда халқаро микёсда содир бўлаётган сиёсий воқеалардан, турли мафкуравий таҳдидлардан ўз вақтида огоҳ бўлишлик, ёшларни салбий моҳиятга эга бўлган мафкуравий таъсирларга берилишининг олдини олиш ўта муҳим сиёсий аҳамиятга эга бўлган вазифадир. Мавжуд мафкуравий таҳдид кўрсатаётган турли экстремистик гуруҳларнинг асл мақсади тинч ҳаётимизни бузиш, жамиятимизни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий ҳаётида таркиб топган муносабатларни издан чиқариш ва шу орқали ўзларининг ғаразли мақсадларига эришишдан иборатдир. 1999 йил 16 февраль воқеалари, 2000 йил ёз ойларида мамлакатимизнинг жанубий сарҳадларига суқилиб киришга уринишлар, 2000 йилнинг сентябрь ойида Андижон вилояти Избоскан туманида содир бўлган ноҳуш воқеалар, 2005 йил 12-13 май Андижонда содир этилган ҳунрезликлар фикримизга мисол бўла олади.

Ўзбекистонга ҳуруж қилаётган мафкуравий таҳдидлар ва уларнинг асосий турлари тўғрисида Президентимиз Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида кенг тўхталиб ўтган.

Асарда Ўзбекистонга ҳуруж қилаётган мафкуравий таҳдидларнинг асосий турлари: диний экстремизм ва фундаментализм, буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик, нарқобизнес, халқаро терроризм, ахлоқсизликни тарғиб қилувчи оммавий ахборот тизимлари кабилардир.

Диний экстремизм ва фундаментализм.

Унинг асосий мақсади ҳокимият учун кураш бўлиб, халқаро террорчилик ҳаракатининг бир тўдаси.

Буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик.

Империяча фикрлаш ва хулқ-атворнинг ҳуружлари. Муайян давлат ва миллатни, унинг манфаатларини бошқалардан устун қўйиш.

Нарқобизнес.

Бойлик ортириш мақсадида турли наркотик моддаларни четдан олиб келиш, етиштириш ва наркотик моддалар билан ёшлар онгини, ҳаётини заҳарлаш.

Халқаро терроризм.

Турли халқаро террорчилик марказлари маблағи эвазига мавжуд конституцион тузумга қарши кўпоровчилик, сиёсий арбоблар ҳаётига суиқасд ҳаракатларини олиб борувчи гуруҳлар.

Ахлоқсизликни тарғиб қилувчи ОАТ (оммавий ахборот тизимлари).

Жангариликни тарғиб қилувчи, миллий кадриятларимизга, шарқона ахлоқ-одобга ёт бўлган Ғарб видеофильмлари, газета ва журналлари.

Президентимиз ўз асарида Ислом фундаментализми таҳдидининг намоён бўлишида куйидаги жиҳатларини кўрсатиб берди.

1. Мусулмонларнинг ислоҳотчи давлатга ишончини йўққа чиқаришда кўринмоқда. Уларнинг мақсади демократияни, дунёвий давлатни, кўп миллатли ва кўп динли жамиятни обрўсизлаштиришдан иборатдир.

2. Фундаменталистларнинг асосиз даъватларига кўр-кўрона эргашувчилар ўзгалар иродасининг қули бўлиб қолишини англашимиз лозим.

3. Аҳоли ўртасида «ҳақиқий» ва «сохта» диндорлик белгилари бўйича қарама-қаршилик келтириб чиқаришга уринмоқдалар.

4. Ўзбекистоннинг жанубидаги қўшни мамлакатларда фуқаролар урушини келтириб чиқарди. Қўшни мамлакатларда террорчилар, жангариларнинг янгидан янги авлодларини вужудга келтирмоқда.

5. Мусулмон ва номусулмон мамлакатлар, уларнинг жамоачилик орасида Ўзбекистон ҳақида нотўғри фикрлар туғдиришга уринмоқдалар.

6. Одамларнинг диний заминда «цивилизациялар тўқнашуви» ни кутишга мажбур қилмоқда. Бу эса жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш жараёнларига ғоят салбий таъсир кўрсатмоқда.

7. Омма онгида дин барча муаммолар ва зиддиятларни ҳал қилишнинг универсал воситаси деган фикрни қарор топтиришда кўринмоқда.¹

Президентимиз ўз асарида буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик мафкуравий таҳдиди тўғрисида шундай фикр билдирди: «тарихий тажрибага асосланиб, бу ходисани муайян кучлар ва давлатлар томонидан бўладиган сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий ҳукмронлик, деб ёки миллатлараро ва давлатлараро, минтакавий муносабатларда унга интилиш деб таърифлаш мумкин».¹

Унинг ўзига хос хусусиятлари сифатида, куйидагиларни кўрсатиб берди:

1. Халқаро, давлатлараро ва элатлараро қарама-қаршиликни келтириб чиқариш.

2. Халқаро-ҳуқуқий ички давлат суверенитетимизни рўёбга чиқаришга қаршилик кўрсатиш.

3. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларини чегаралашга, уларни тенг ҳуқуқли бўлмаган шароитга солиб қўйишга уриниш.

4. Мафкуравий тазйиқ ўтказиш, жаҳон афкор оммасида Ўзбекистон ҳақида нотўғри тасавурлар туғдиришга интилиш.

5. Миллатлар ўртасида ўзаро ишончсизликни келтириб чиқариш, миллатлараро муносабатларни кескинлаштириш.

6. Янги мустамлакачилик ва янги империячилик ёндашув, ҳамма соҳалардаги ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликни секинлаштириш ҳавфи.²

Ёшларнинг ғоявий-мафкуравий дунёқараши қанчалик юксак бўлса, миллий ғоя кишилар дунёқарашида қанчалик кенг ўрин эгаллаб борса, жамиятимизда ижтимоий ғоявий муҳит шунчалик мусаффо бўлади.

Мафкуравий таҳдидларга қарши кураш йўли, Президентимиз Ислом Каримов кўрсатиб берганларидек: «Одамларимиз, аввалам бор ёшларимизнинг иймон-эътиқодини

¹ Қаранг. Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1997. 44-47 бетлар.

¹ Ўша жойда. 52 бет.

² Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1997. 66- бет.

мустаҳкамлаш, иродасини бакувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тайёрлаш, уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш, уларнинг мен ўзбек фарзандиман, деб, ғурур ва ифтихор билан яшашига эришишдир».³

Буюк аллома, мутафаккир Абу Наср Форобий кўрсатиб ўтганидек: «Инсонлик моҳияти хақиқий бахт-саодатга эришув экан, инсон бу мақсадни ўзининг олий ғояси ва истагига айлантириб, бу йўлда барча имкониятлардан фойдаланса, у бахт-саодатга эришади»¹. Миллий истиқлол ғояси бирлаштиришга, жипслаштиришга йўналтирилган бўлиб, ўзида кўп қиррали сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий, миллий ва бошқа манфаатларни ифодалайди ҳамда уларни умумдавлат, миллат мақсадлари йўлида ягона ижтимоий-маънавий оқимга бирлаштиради.

«Ўзингни ва ўз уйингни асра» шиори жамиятимиздаги барча фуқароларни огоҳликка даъват қилар экан, турли мазмундаги мафкуравий, айниқса, диний-экстремистик руҳдаги таҳдидларни ўз вақтида пайқаш ва уларга қарши курашиш ғоясини ўзида мужассамлаштиргандир. Миллат, жамият ва давлат бор экан, унинг мустақиллигига таҳдид соладиган ҳаракатлар бўлиши табиий. Мамлакатимизга кириб келган ваҳҳобийлик, ҳизб-ут-таҳрир ва шу каби зарарли оқимлар оддий инсонларни, айниқса, ғўр ёшларни йўлдан оздира бошлади. Аҳлоқсизлик ғояларини ёйиб, халқни маънавий жиҳатдан бузишга интилишлар ҳамда тарихимизни, миллий қадриятларимиз ва динни сохталаштиришга уринишлар каби таҳдидлар инсонлар онгини забт этиш ва юртимизни қарам қилиб олишга қаратилгандир. Ана шундай таҳдидларнинг олдини олиш учун нима қилмоғимиз даркор?

Ўзбекистон халқининг, айниқса ёшлар онги, дунёқараши, хатти-ҳаракатларида мафкуравий иммунитетни шакллантириб бориш бугунги кундаги муҳим вазифадир.

Дарҳақиқат, миллати, тили ва динидан қатъий назар, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси қалбида она Ватанга муҳаббат, садоқат, юрт равнақи ва осойишталигини қарор топтиришда масъулият туйғуси билан яшамоғи даркор. Халқни буюк келажак ва улғувор мақсадлар сари бирлаштириш, юксак фазилати, комил инсонларни вояга етказиш, ҳар томонлама етук инсон қилиб тарбиялаш, ҳозирда долзарб мавзулардан бири бўлган миллий истиқлол ғоясининг бош мақсадидир. Хулоса қилиб айтганда, миллий истиқлол ғояси ва огоҳлик – жамиятимиз ижтимоий ҳаётига суқилиб кираётган салбий моҳиятга эга бўлган турли мафкуравий таҳдидларга қарши курашишнинг энг кучли ва самарали воситаларидан, омилларидан ҳисобланади.

ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ ВА ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ – ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ

Инсоният янги юз йилликка – XXI асрга ва учинчи минг йилликка қадам босди. Янги аср ахборот асри, юқори технология ва автоматлаштириш асри, кибернетика асри деб аталмоқда. XXI асрни инсон салоҳияти ва ақлий қобилиятларининг чексиз имкониятларини очиш ва янада ошириш асри деб аташ билан бирга жаҳон ижтимоий тараққиётида янги давр – демократик жараёнларда кескин бурилиш даври десак ҳам тўғри бўлади.

XX аср охирида рўй берган «жаҳон социализм системасининг» инқирози натижасида Шарқий Европада ва Осиё қитъасидаги бир қанча мамлакатларда, Собик СССР ўрнида вужудга келган бир қанча мустақил давлатлар тараққиётнинг демократик йўлини танлаб олдилар.

3

Ислом Каримов. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000 й. 11-бет.

1

Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. - Т.: Абдулла Кодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1993 йил, 188-бет.

Бугунга келиб дунёнинг 160 дан ортиқ давлатларида демократик тузумлар умумбашарий ва миллий кадрият сифатида қарор топганлиги эътироф этилмоқдаки, булар фикримизнинг ёрқин далилидир.

Ҳозирги даврнинг яна бир хусусияти шундан иборатки, ер юзида, инсоният тақдирига ва келажак истиқболига жиддий хавф солаётган, ҳуруж қилаётган халқаро терроризм ва диний экстремизм ўзининг манфур башарасини жаҳон афкор оммасига тобора яққол кўрсатмоқда, улар тараққиётнинг кушандаси бўлган жаҳолатнинг энг тубан кўринишлари сифатида беғуноҳ кишиларнинг қонини тўкмоқда. Ҳар йили халқаро терроризм ҳуружи оқибатида юз минглаб кишилар қурбон бўлмоқда. Моддий бойликлар вайрон қилинмоқда.

Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик масаласи ҳозирги даврда умумбашарий хавфсизликни сақлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб турибди.

Минтақада аҳолининг нолегал миграцияси, яширин ва ноқонуний қурол савдоси, наркотик моддаларни яширин олиб ўтиш, этник – миллий низолар диний экстремизм ва халқаро терроризмни вужудга келиши ва фаолият юритишига шароит яратмоқда. Улар халқаро террористик ва диний экстремистик ташкилотлар кўмагида фаолият юритмоқдалар.

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган «Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий кадрият» мавзусидаги маърузасида демократик жамият куриш, олдимизга қўйган марраларга эришиш йўлидаги муаммоларни кўрсатиб, уларни бартараф этиш соҳасида қуйидаги вазифаларни илгари сурди:

- Ҳаётимизда учраётган лоқайдлик ва бепарволик асоратларидан халос бўлиш.
- Мамлакатимиз ва унинг атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга доимий дахлдорлик ҳисса билан яшаш.
- Ривожланиш йўлимизда ғов бўлиб турган тўсиқларга қарши қатъий кураш олиб бориш.

Президентимиз ўз маърузаларида, инсон жамиятни янгилик ва демократлаштириш натижаларини белгилаб берадиган асосий омил эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Ҳақиқатан ҳам, юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳам инсон омили туфайли бажарилмоқда. Аксинча, ҳар қандай ғаламислик терроризм, диний экстремизм, жиноятчилик каби манфур ишлар ҳам инсон қиёфасидаги ёвуз кучлар томонидан амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда терроризм Ер юзида инсониятга, унинг тараққиётига даҳшат солаётган сиёсий воқеаликка айланиб қолди. Бу ижтимоий-сиёсий офатни шунчаки қоралаш билан бартараф этиб бўлмайди. Шу боис, башарият истиқболига таҳдид солаётган терроризмнинг асл туб моҳиятини ўрганиш, уни юзага келтириб чиқараётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий омилларни чуқур тадқиқ этиб аниқлаш, сиёсий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Терроризм – ўзи нима? Унинг сиёсий-фалсафий моҳияти нимадан иборат? Қандай кўринишларга эга? Қандай ижтимоий омиллар уни юзага келтиради? Ундан батамом халос бўлиш мумкинми? Шу каби саволларга жавоб топиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир.

Террор (лот. Terror – қўрқитиш, даҳшат солиш маъносини англатади) – зўравонлик ва куч ишлатиш йўли билан сиёсий муҳолифатни бостириш демакдир. Терроризм одамларнинг ҳаётига чанг солиш, суиқасд қилиш, уларни қўрқитиш, даҳшат солиш, тазйиқ ўтказиш демакдир.

Терроризм аслида кеча ёки бугун пайдо бўлиб қолган ижтимоий офат эмас. У инсоният тарихида азалдан бор бўлган, бугунги кунда ҳам содир бўлаётган, жаҳолатга, бузғунчи ғояларга асосланган сиёсий фаолият усули, воситаси сифатида намоён бўлмоқда.

Инсониятнинг қайси бир тарихий ривожланиш босқичини олиб қарамайлик, барчасида жамият ҳаёти у ёки бу тарзда содир бўлган бир гуруҳ кишиларнинг бошқа бир гуруҳга нисбатан олиб борган зўравонлигини кўришимиз мумкин. Табиатда «террор», яъни зўравонлик қонуният тарзида амал қилади. Нисбатан кучсиз, заиф бўлган жонзодлар, уларга нисбатан кучли бўлган йиртқичлар учун емиш бўлиб хизмат қилади.

Қуръони Каримнинг «Моида» сурасида, жамият ҳаётида содир бўладиган зўравонлик ва бўзғунчилик жиноятлари ва уларнинг жазолари тўғрисида айтилган бўлиб, қуйидагича баён қилинган: Одам (алайҳиссалом) нинг икки фарзанди – Қобил ва Ҳобил ўртасида бўлиб ўтган мужодала – Қобил ўз биродари Ҳобилни ноҳақ ўлдиргани тўғрисида хабар берилиб, бу қисса орқали яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги доимий кураш тасвирланган. Бу фожеа Ер юзидаги ноҳақ қон тўкилиш фожеаларининг биринчиси эди. Суранинг 30-оятда Қобил ўз биродари Ҳобилни ноҳақ ўлдиргани тўғрисида айтилиб, 32-оятда шундай дейилади: «Ана ўша (фожеа) сабабли бани Исроил зиммасига (шундай фармонни) ёзиб қўйдик: кимки бирон жонни ўлдирмаган ва ерда бузғунчилик қилиб юрмаган одамни ўлдирса, демак, гўё барча одамларни ўлдирибди ва кимки унга ҳаёт ато этса (яъни ўлдиришдан бош тортса), демак: гўё барча одамларга ҳаёт берибди. Уларга (бани Исроилга) пайғамбарларимиз менга шундай ҳужжатлар келтирди. Шундан кейин ҳам улардан кўплари ер юзида (қон тўкиш билан) ҳаддан ошиб юргувчидирлар...». Мазкур оятдан шуни англаш мумкинки, бир кишини ҳалокатдан сақлаб қолиш эса бутун жамиятни асраб қолишдир.

Инсоният жамияти табиатдан ажралиб чиққандан буён сон-саноксиз террорларни бошидан кечирган.

Терроризмнинг асл моҳиятини сиёсат фалсафаси, сиёсатшунослик нуқтаи назаридан олиб қараш, уни чуқур илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш, жамият ҳаётида юзага келиш хусусиятларини тадқиқ этиш ва уни бартараф этиш усуллари, воситаларини ишлаб чиқишни талаб этади. Зеро, терроризм бугунда инсоният равнақига энг катта хавф солаётган таҳдид бўлиб қолмоқда. Халқаро миқёсда фаолият кўрсатаётган терроризмга қарши дунё прогрессив кучлари бирлашиб кураш олиб бормаса, бу офат Ер юзида инсоният бошига кўз кўриб, қулоқ эшитмаган кулфатларни келтириши мумкин. Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, бундай ижтимоий-сиёсий балодан ҳеч бир давлат, жумладан, Ўзбекистон ҳам четда эмас.

Терроризм қандай кўринишларга эга? Ҳаётда энг кўп учрайдиган, аммо энг кам эътибор бериладиган террор тури – бу оилада содир қилинади. Халқаро статистика маълумотида кўра йилига 10 миллиондан ортик оилаларда зўравонлик содир қилинар экан.¹

Терроризм тушунчаси фалсафий, ижтимоий ва сиёсий мазмунга эга бўлиб, биринчиси – энг умумий, иккинчиси –кенгроқ маънода, учинчиси эса нибатан торроқ маънога эга.

Фалсафий маънода террор – табиат, жамият ва инсон ҳаётида амал қилувчи зўравонлик, бузғунчиликка асосланган фаолиятни англатади. Терроризм инсоният тарихида содир бўлган қонли урушлар, халқ исёнлари, ҳарбий фитналар, ғалаёнлар кўринишида ҳам амал қилиб келган.

Ҳозирда, терроризм қуйидаги: миллий айирмачилик, этник, диний экстремистик, сиёсий, иқтисодий терроризм, ахборот терроризми каби шаклларда намоён бўлмоқда.

Миллий айирмачилик, этник характердаги терроризм нисбатан оз сонли этник гуруҳларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилиш, ўзга миллат ҳукмронлигига қарши кураш усули, воситаси сифатида қўлланмоқда. Терроризмнинг бундай кўриниши дунёнинг жуда кўп минтақаларида, мамлакатларида авж олган, азалий давом этиб келаётган ижтимоий-сиёсий офатдир. Қадимдан бир ҳудудда яшаб келаётган турли этник гуруҳларнинг ўзаро муроса қилиб яшай олмаётганлиги ва геосиёсий, диний эътиқод жиҳатдан фарқи каби омиллар оқибатида юзага келаётган бундай террористик ҳуружлардан тинч аҳоли жабр кўрмоқда ва қурбон бўлмоқда.

Этник характердаги терроризм диний экстремистик мазмундаги бузғунчи ғоялар билан қоришиб кетган. Кичик Осиёда Исроил ва Фаластин давлатлари ўртасидаги, Ҳиндистонда, Покистонда, Туркияда, Россияда, Буюк Британияда, Болқонда, Африка ва Лотин Америкасининг бир қатор мамлакатларида содир қилинаётган террористик ҳуружлар шулар жумласидандир.

¹ Менинг ҳуқуқларим. Тошкент: Меҳри аёллар жамияти, 2000 йил 18 бет.

Халқаро терроризмнинг яна бир кўриниши диний экстремистик мазмундаги бузғунчи ғоялар асосида содир бўлмоқда. Айниқса, ислом дини байроғи остида уюшган ал-Қоида, ваҳҳобийлик, «Ҳизбут-таҳрир», «Ҳизбуллоҳ», «Мусулмон биродарлари», «Ислом озодлик партияси», «Ат-такфир вал-Ҳижра», «Жунуд Аллоҳ», «Жиход», «Туркистон ислом ҳаракати», каби диний – экстремистик руҳдаги оқим ва террористик ташкилотлар дунёнинг кўплаб мамлакатларида кўпуровчилик ҳуружларини амалга оширмоқдалар.

Терроризмнинг яна бир кўриниши сиёсий характерда бўлиб, бевосита, тўғридан-тўғри сиёсий ҳокимиятни эгаллашга қаратилган бўлади. Ўзларининг террористик ҳуружлари билан мавжуд сиёсий ҳокимиятга, тартиботга ва алоҳида сиёсий етакчи ҳамда сиёсий элита фаолиятига қарши қаратилган бўлади.

Сўнгги йилларда, бугун дунёда, хусусан, минтақамизда ҳам ижтимоий-сиёсий барқарорликка, замонавий тараққиётга, демократик ривожланишга қарши радикал муҳолифат сифатида шаклланган диний экстремизм ҳуружи кучаймоқда.

Экстремизм кескин фикр ва чораларни ёқлаш, кескин чоралар тарафдори, маъноларни англатади. Бунга сиёсий-ижтимоий ҳаёт тарзи моҳиятан кўшилганда жуда даҳшатли тус олувчи оқим вужудга келар экан. Экстремизм луғавий маъносига нисбатан жуда кенг тушунча бўлиб, юқорида келтирилган маънавий талқинлар уни торайтириб қўяди, шунинг учун унинг нафақат мазмуни балки моҳиятига муайян тарзда ёндашиш керак. Бринчидан, экстремизм тарафдорларининг дунёқарашлари, ўз даври ва жамияти қабул қилган яшаш қоидаларига, кадриятларига кескин қарши чиқишдир. Масалан, бугунги ислом экстремизми моҳиятан исломийлашиши фундаментализм асосларига қаратилган. Иккинчидан, экстремизмнинг феъл-атворида оламга «оқ-қора нигоҳ» билан қараш, ҳаммани иккига бўлиш, яъни «яхши ва ёмон», «эзгулик ва разолат», «Ким биз билан бўлмаса, у бизга қаршидир» деган қатъий хулосаларга итоат этиш мавжуд. Натижада у жамиятнинг паст саводли, камбағал, қоқоқ қисмига қаттиқ таъсир этади. Шунингдек, унинг яна бир атворига эътибор бериш зарурки, бу фаол ҳаракат кўп жихатдан тажовузкорликка асосланади.

Юқоридаги фикрларни амалий ҳолатга кўриш учун Президент И.А.Каримовнинг куйидаги сўзларига эътибор бериш кифоя деб биламиз: «Авваламбор, улар ёшларни ўз таъсирига олади, онгини захарлайди. Ақл-хушуни йўқотган мана шундай одамларни тайёрлаб, кейин қўлига қурол беради. Уларни ўз Ватанига, ўзини одам қилиб вояга етказган эл-юртига қарши қўяди».

Диний экстремизмнинг бугунги кунда вужудга келиши ва ўсишининг асосий объектив ва субъектив омиллари мавжуд. Булар диний ва миллий ўзликнинг кескин ўсиши, маълум қатламлар ва гуруҳларнинг куч билан сиёсий ҳокимиятни ағдариб, давлат ва жамиятни исломийлаштиришга интилишига бориб тақалади. Диний экстремизмнинг энг даҳшатли ҳолати шундаки, у давлат, халқ чегарасини билмайди, ғараз ниятларга тўсиқ бўлмаганидек, булар ҳам ўрмалаб тарқаб боради. «Минг афсуски, - деб таъкидлайди И.А.Каримов, - биз бундай уринишларнинг зарарли афсона эканини тушунтириб беришга иккинчи даражали масала, деб қараймиз»¹.

Марказий Осиё Минтақаси стратегик аҳамиятга эга бўлиб кўплаб: Россия, Хитой, АҚШ, Покистон, Ҳиндистон, Эрон каби мамлакатлар ва БМТ, НАТО каби халқаро ташкилотларнинг муносабатларида, манфаатлар тўқнашувига олиб келувчи 55 млн аҳоли, 4 млн кв. км ҳудудга эга бўлган, 130 дан ортиқ турли халқлар ва этник гуруҳлар яшовчи ҳамда дунёдаги 4 та асосий дунё динларига эътиқод қилувчи аҳоли яшайдиган ягона минтақадир.

Кўпгина радикал кучлар Марказий Осиё ҳудудида, келажакда вужудга келадиган араб халифалигининг таркибий қисми сифатида «ФАНО» ислом давлатини ташкил этишни мақсад қилиб фаолият юритмоқдалар. (ФАНО – Фарғона, Андижон, Наманган, Ош вилоятларини қисқартирилган номлари).

¹ .Ислом Каримов. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжихатлиги ва букулмас иродасига боғлиқ. Тошкент, Ўзбекистон, 2004. 116

Минтақада фаолият олиб бораётган асосий диний экстремистик кучлар – Қозоғистон, Тожикистон, Ўзбекистонда фаолиятда юритаётган «Туркистон ислом ҳаракати» ҳамда «Ҳизбут-Таҳрир ал-Исломи» (Ислом озодлик партияси) ҳисобланади. Шунингдек «Мусулмон биродарлар» Қозоғистонда Ош шаҳрида «Ислом тараққиёт маркази», Фарғона водийсида «Акримийлар» ислом диний ҳаракати тарафдорлари фаолият юритмоқдалар.

Марказий Осиёда фаолият олиб бораётган барча диний экстремистик ва террористик ҳаракатлар ўз фаолиятларида нафақат ғоявий тажовуз, балки фаол амалий ҳаракат ҳам олиб бормоқдалар.

2005 йил 12-13 май кунлари Андижонда «Акримийлик» диний экстремистик ташкилоти катнашчилари ташқи кучлар ёрдамида Андижон шаҳрида Харбий қисмга ва ички ишлар қисмига ҳужум қилдилар. Андижон турмасини эгалладилар. Вилоят ҳокимлиги биносини ҳам эгаллаб олдилар. Жангарилар ўз ҳаракатларига қамоқхонадан чиқарилган ашаддий жиноятчилар ва Қирғизистон ҳудудидан суқилиб кирган 70-80 нафар жангарилар билан ҳаракат қилдилар. Улар оддий халқни ҳам ўзларининг сафларига қўшишга ҳаракат қилдилар. Аммо халқимиз уларнинг алдовларига учмадилар ва аксинча уларнинг ҳаракатларини қораладилар.

Андижонда содир этилган қонли воқеаларнинг мантиқий таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, унинг ижрочилари халқаро диний экстремистик оқим «Ҳизбут-Таҳрир» нинг Андижондаги кўриниши – «Акримийлар» гуруҳи вакиллари бўлса-да, фожеалар сценарийси аслида мамлакатимиздан ташқарида ишлаб чиқилган. Унинг «дирижёрлари» ҳам, ғоявий илҳомчилари ҳам, молиявий ҳомийлари ҳам юртимиздан анча олисда бўлган сиёсий доиралар, халқаро террористик ва диний экстремистик ташкилотлардир. Бу террористик актга ҳозирда хорижда «Туркистон ислом ҳаракати» номи билан фаолият юритаётган ватангадо кимсалар ҳам ўз «ҳиссаларини» қўшганлари турган гап.

«Андижон воқеаси» ўзининг миқёси ва хунрезликларига кўра терроризм ва диний экстремизм минтақа ташқарисидан берилаётган мададга таяниб минтақада фаоллашаётганини кўрсатмоқда.

Диний экстремизм ва халқаро терроризм Марказий Осиёда вужудга келган ижтимоий-сиёсий вазиятдан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга уриниб, фаолиятини янада оширишга интиломоқдалар.

Ҳозирги даврнинг энг долзарб муаммоси, бизнингча минтақадаги диний экстремистик ташкилотларнинг асл моҳиятини ҳамда мақсадларини кенг аҳоли оммасига, айниқса, ёшларга тушунтириб бориш ва бу борадаги мафкуравий ишларни жонлантириш мақсадга мувофиқ.

АХБОРОТ ҲУРУЖИ ВА УНГА ҚАРШИ САМАРАЛИ КУРАШ УСУЛЛАРИ

Маълумки, ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллиги ва янги аср бошларида рўй берган йирик ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар дунёдаги икки қарама-қарши кутблар курашига барҳам берсада, дунёда турли хил манфаатларни ифода этадиган мафкуралар кураши тўхтагани йўқ.

Бугунги кунда дунёда мавжуд бўлган оммавий қирғин қуролилари ер қурраимизни бир неча бор яқсон қилиш имконига эга. Аммо ҳозирги кунда энг қаттиқ хавф инсонлар қалбини ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир. Эндиликда, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, ядро майдонларидан кўра, мафкура майдонларидаги курашлар муҳимроқ аҳамиятга эга бўлиб, кўп нарсаларни ҳал қилади.

Она юртимиз – Ўзбекистон мустақиллик, демократия, замонавий тараққиёт йўлидан бориб сўнгги йиллар ичида иқтисодиёт, маънавият ва сиёсий ислохотлар соҳасида улкан муваффақиятларни қўлга киритмоқда, халқ фаровонлиги йил сайин ўсиб бормоқда. Бугунги кунга келиб Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятидан ўзининг нуфузли ўрнини эгалламоқда.

Бироқ бизнинг ютуқларимизни кўра олмайдиган қора ниятли кучлар йўқ эмас. Уларнинг нияти Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчликни, осойишталикни, ижтимоий барқарорликни, жамиятимиздаги бунёдкорлик муҳитини, бугун биз барпо этаётган фаровон

ва осуда ҳаётни бузишдир. Ҳалқимизнинг юрагига ваҳима ва кўрқув солиш ҳисобига уларнинг келажакка ишончини йўқотиш миллатларни, турли динларга эътиқод қилувчиларни бир-бирларига қарши қўйиш йўлида улар ҳар қандай ифлос усуллардан фойдаланишга уринмоқдалар.

Муҳтарм Президентимиз И.А.Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида сўзлаган нутқида: ғанимларимиз «ўз мақсадларига эришиш учун одамларни, аввало, содда, билимли ва ҳаёт тажрибаси паст кишиларнинг онги ва тафаккурини чалғитишга уринади.»¹, - деб бежиз айтмаганлар.

Ўзбекистон ўзининг бой табиий ресурслари, меҳнаткаш ва содда халқи, битмас-туганмас энергия манбалари билан атрофдаги ғаразли мақсаддаги турли ёвуз кучларни эътиборини тортмоқда. Бу ёвуз кучлар «бўлиб ташла ва ҳукмронлик =ил», - деб номланган эски, аммо ҳозир ҳам жуда қўл келадиган шиор остида Марказий Осиёда, жумладан Ўзбекистонда турли сиёсий найрангларни, ўйинларни ўйлаб, режалаштириб уларга катта-катта маблағлар сарф қилиб, ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга оширишга интилоқдалар.

XXI аср бошига келиб дунё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро таъсир шу қадар кучайиб кетдики, содир қилинаётган ахборот ҳуружидан тўла ихоталаниб олган бирорта ҳам давлат йўқ. Чунки бугунга келиб ахборот алмашинуви жуда катта тезликда содир бўлмоқда. Сўнги 50 йил давомида дунёда ахборотларни тарқатиш тезлиги 300 минг марта ошди, нархи эса минг марта арзонлашди.

Ҳар қандай ахборот ҳуружи шахсга, жамиятга, миллат ва давлат манфаатларига қарши қаратилган бўлади. Четдан кўрсатилаётган ахборот ҳуружлари ёшлар дунёқарашига, жамиятдаги барқарорликка, тинчлик-осойишталикка, мамлакатимизнинг маънавий, сиёсий, иқтисодий ва маданий юксалишига қарши қаратилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонга нисбатан четдан кўрсатилаётган ахборот ҳуружларидан асосий мақсад: мамлакатимизда истиқомат қилаётган аҳолининг турли қатламлари, айниқса, ёшлар руҳиятига салбий таъсир кўрсатиш; жамиятимиздаги мавжуд ижтимоий-сиёсий вазиятни, миллатлараро ва динлараро муносабатларни, мавжуд турмуш тарзини издан чиқариш; беқарор сиёсий вазият юзага келгач эса, ҳукуматга миллий манфаатларимизга зид бўлган сиёсий-ижтимоий, иқтисодий соҳалар билан боғлиқ режаларни, уларнинг манфаатларидан иборат амалий чораларни зырлаб ўтказишдир.

Бугунги кунда мамлакатимизга қилинаётган ахборот ҳуружлари «демократия, эркинлик ва фаровонликни илгари суриш» ниқоби остида турли геосиёсий манфаатларни ҳам ўзида мужассамлаштирган. Бундай ҳуружлар эса турли халқаро жамғармалар, ахборот воситалари (айниқса, интернет) каби усуллар орқали амалга оширилмоқда. Уларнинг олди олинмаса, уларга қарши курашилмаса, охир-оқибат, уларнинг таъсирида одамларнинг турмуши, яшаш тарзи бутунлай ўзгариб кетиши мумкин.

Ахборот ҳуружининг шахс, оила, ташкилот, маҳалла ва жамиятга таъсири дастлаб унчалик кўзга ташланмаслиги мумкин. Чунки ижобий ва салбий мазмундаги ахборотларни ҳамма ҳам тезда фарқлай олмайди. Салбий мазмундаги ёт ғояларни ўзида мужассамлаштирган ахборотлар муайян кишилар онгига сингиб қолгандан сўнг эса, уларни «ўчириб» ташлаш осон кечмайди.

Ўзбекистон ўзининг миллий мустақиллигига эришгандан буён ўтган давр мобайнида, турли диний-экстремистик, халқаро террорчилик ташкилотлари, турли сиёсий доиралар, давлатларнинг манфаатларини ўзида ифодалаган, ғаразли мақсадларни кўзлаган ахборот ҳуружлари муттасил рўй бериб келмоқда.

Бугунги кунда ҳам диний-экстремистик ва халқаро террористик ташкилотлар томонидан юртимизда, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида яширинча турли варақалар, адабиётларни тарқатилиши тўхтамаяпти. Бунинг устига турли чет эл ахборот воситалари,

¹ .Ислом Каримов. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букулмас иродасига боғлиқ. Тошкент, Ўзбекистон, 2004. 116

радио тўлқинларда, хатто интернет сайтларида ғаразли мақсадларни кўзловчи, Ўзбекистон Республикасидаги тинч, ривожланиш йўлини кўра олмайётган ғаламисларнинг бўхтондан иборат чиқишлари авж олмақда.

Ғоявий душманларимиз асосий диққат эътиборни ҳам ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб кўрмаган, ғўр ёшларга қаратадилар, чунки ёшлар шахс сифатида шаклланиб улгурмаган, турмуш ташвишларини бошдан кечирмаган ёшларни оғдириш осон. Шунини унутмаслик керакки, ғоявий ғанимларимиз ўз сафларига жалб этишда ҳар бир кишига индивидуал ёндошадилар. Кишиларни қийнаётган муаммоларни ўрганадилар, ҳар бир кишининг манфаатларидан келиб чиқиб, одамларнинг ҳис, туйғуларига таъсир этадилар. Ўзларини ижтимоий сиёсий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилувчи куч қилиб кўрсатадилар. Улар ёшларни «буюк» ишларга, жалб этишади. Натижада тажрибасиз содда ёшлар дин ҳимоячиси, пайғамбар издоши, буюк жиҳодчига айланиб қоладилар. Шунинг учун ёшларда мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш долзарб муаммолардан биридир.

Ёшларни ўз мустақил ва эркин фикрга эга бўлишини таъминлаш керак. Бу курашда миллий ғоя асосий қурол бўлиб хизмат қилади. Миллий мафкура кишиларни бегона ғояларнинг зарарли таъсиридан асровчи қудратли кучга эга. Миллий мафкурани тарғиб қилишда кўр-кўрона тарғиботни тушунмаслик керак. Президентимиз Ислоҳ Каримов: «Биз кишиларнинг дунёқарашини бошқариш фикридан йироқмиз, балки биз одамларнинг тафаккурини бойитиш, уни ягона маъно ва мазмун билан тўлдириш тарафдоримиз», - деган эдилар. Бунинг учун фуқароларимиз бу мураккаб вазифани бажариш борасидаги муайян мўлжал – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётнинг барпо этиш эркинлигини тўла ва тўғри тушуниб олишлари муҳимдир.

Миллий ғоянинг жамият маънавий-мафкуравий, ижтимоий-сиёсий ҳаётида амал қилаётган таъсир самарадорлигини ва унинг ижтимоий соҳалари билан ўзаро алоқадорлигини ошириб бориш орқали Ўзбекистоннинг буюк ва порлоқ келажаги барпо қилиб борилади.

Талаба ёшларга мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик, барқарорлик, бунёдкорликка асосланган жараён моҳиятини, мазмунини аниқлаш, ҳис қилдиришда, дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни миллий ғоя моҳиятидан келиб чиққан ҳолда тушунтириб бориш лозим.

Ёшлар онги ва қалбига миллий истиқлол ғоясини сингдириш борасидаги ишларни амалга оширишда қуйидаги таклиф ва мулоҳазаларни баён этамиз.

1. Бугунги кунда, айниқса таълим тизимига жалб этилмаган турли ёшдаги аҳоли қатламлари, хусусан ёшлар орасида миллий ғояни тарғиб қилишнинг энг самарали усул ва воситаларини ишлаб чиқиш зарур.

2. Ёшлар онги ва қалбига миллий ғояни сингдиришда нодавлат ташкилотларининг ролини ошириш зарур. Айниқса, «Нуроний» жамғармаси, «Соғлом авлод учун», «Қамолот», «Оила илмий-амалий маркази», «Маҳалла» жамғармаси ва бошқаларнинг фаоллигини ошириш зарур.

3. Айниқса, таълим тизимига жалб этилмаган турли ёшдаги аҳоли қатламлари орасида, маҳаллаларда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида, туман ва шаҳар маданият уйларида адабиёт ва санъат соҳасида ёшларга ибрат бўладиган қаҳрамонлар тимсолини яратиш мақсадга мувофиқдир.

4. Жамиятни янгиланишига олиб келадиган миллий кадриятларимизни ёшлар онги ва қалбига сингдириш муҳим аҳамиятга эга.

5. Маҳаллаларда кексаларнинг панд-насиҳати, катталарнинг шахсий ибрати, жамоанинг ҳамжиҳатлиги мисолида ёшлар онги ва қалбига эзгулик ғояларини сингдиришни тарғиб қилиш зарур.

6. Ёшларда меҳнатсеварлик, адолатпарварлик, меҳр-оқибат туйғуларини шакллантиришда оила, маҳалла, меҳнат жамоаларининг ролини ошириш зарур.

ХУЛОСА

Эътиборингизга хавола этилган ушбу қўлланма, бугунги кунда жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ва маънавий-мафкуравий ҳаётидаги муҳим бир жиҳатга – миллий ғоя ва мафкура тарғиботига бағишланди. Миллий ғоя ва мафкура тарғиботидан асосий мақсад, юртимиздаги кенг аҳоли оммаси, айниқса, ёш авлод маънавиятининг ўзаги – миллий ғоядан иборат бўлмоқлигига эришишдан иборат. Шунга эришган тақдирдагина, ёшларимизни турли ёт ғоялардан муҳофаза қила оламиз. Бунга эришиш учун эса, миллий ғоя ва мафкурани, уларнинг асосий тамойилларини ижтимоий ҳаёт билан узвий боғлаган ҳолда тарғиб қилиб бориш лозим.

Ҳаётий воқеаликдан ажралган ҳар қандай ғоя, мафкура, у қанчалар эзгу, инсонпарвар ва улуғвор бўлмасин, пуч бир афсонага айланиб қолади.

Миллий ғоя ва мафкуравий тарбия –жамият аъзоларини, айниқса ёшларни Ўзбекистоннинг буюк келажагини барпо қилишда муносиб шахс, комил инсон қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун миллий ғоя ва мафкуравий тарбия таълим-тарбия тизимининг барча бўғинларида олиб борилмоқда. Оиладан бошлаб, мактабгача тарбия, ўрта, умумий таълим, ўрта махсус касб-хунар таълими, олий ўқув юрти муассасаларида, маҳаллаларда ва меҳнат жамоаларида миллий ғоя тарғиботига жиддий эътибор қаратилмоғи лозим.

Бугунги кунда миллий ғоя тарғиботини фақат давлат муассасаларида, ўқув юртларидагина эмас, балки хусусий корхоналарда, фермер хўжаликларида ҳам кенг миқёсда олиб бориш, уларнинг низомларига миллий ғоя ва мафкуравий тарбия бўйича бандлар киритиш лозим. Маҳалла эса, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда, ўзини-ўзи бошқариш органи сифатида ноёб бошқарув тизими ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, ҳар бир маҳаллада миллий ғоя ва мафкуравий тарбия бўйича қўлланмалар бўлиши ва улардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Чунки маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳар қандай бошқа давлат органларидан кўра кўпроқ даражада маънавий-маърифий ишларни, тадбирларни амалга ошириш имкониятига эгадир.

Айрим шахс, оила, халқ, миллат ва жамиятнинг равнақ топиши, тинч ва фаровон ҳаёт кечириши, шу миллатнинг мустақиллигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Ёшларга шуни доимо, қунт билан тушунтириб бормоғимиз лозим.

Миллий ғоя тарғиботида оиланинг аҳамияти бекиёс даражада катта. Чунки оила жамиятнинг муҳим таркибий қисми сифатида ёшлар онги ва қалбига миллий ғоя тамойилларини сингдиришнинг ўзига хос имкониятларига эга. Оилада фарзанд тарбияси, кексаларга ёрдам, меҳнатга лаёқатини йўқотганларга ғамхўрлик қилиш, оилавий анъаналарни, миллий кадриятларни сақлаш ва маънавий муносабатларни юксалтириб бориш каби муҳим аҳамиятга эга ижтимоий-руҳий муносабатлар мужассамлашгандир.

Юқорида билдирилган фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда мамлакатимизда миллий ғоя ва мафкуравий тарбия ишларини юқори савияда олиб бориш учун барча шарт-шароитлар ва имкониятлар мавжуд. Шу соҳанинг мутахассислари ҳам олий ўқув юртларини тамомлаб, жойларда иш юритмоқдалар. Эндиги вазифа, бизнингча, миллий ғояни аҳоли турмушидаги ва ёшлар ҳаёти билан боғлиқ мавжуд муаммоларни ҳал этиб бориш орқали тарғиб қилиш зарур. Шундагина у, моддий кучга, ижтимоий-руҳий қувватга айланади. Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаб кўрсатганларидек, миллий ғоя ва мафкура халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бир байроқ сифатида амал қилишига эришишдир. «Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, ғурур ва ифтихорини, керак бўлса, кудратини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган улуғ кучдир. Давлатимизнинг, халқимизнинг, эл-юртимизнинг мақсади ўзининг улуғворлиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган бўлмоғи лозим. Токи бу мақсад халқни халқ, миллатни миллат қила билсин, қўлимизда енгилмас бир кучга айлансин»¹.

¹ Ислоҳ Каримов. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. «Тафаккур» нурнали. 1998 йил 2-сон.

ҚЎЛЛАНМАГА ОИД ҚИСҚАЧА ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ

Анархистик мафкура

Анархия (юнонча «anarchia» - бошбошдоқлик маъносини англатади) – ҳокимиятсизлик, ҳар қандай давлат тузилишини, қонунчиликни инкор қилиб, шахсни сиёсий, иқтисодий ва маънавий тартиб-қоида, нормалардан озод қилиш ғоясини илгари суради.

Анархизм –сиёсий мафкура шакли сифатида XIX асрнинг ўрталарида Европада шаклланиб, XX аср бошларида бир қатор давлатларда тарқалди.

Анархизм билан демократик ғояларни фарқлаш лозим. Демократик тамойилларни яхши билмаган, англамаган кишилар ёки авом халқ анархистик хатти-ҳаракатлар содир қилишга мойил бўлади. Бундай хатти-ҳаракатлар эса, тарихдан маълумки, фожиа олиб келади. Ўзининг изчил сиёсий-маънавий дастурига, ахлоқий кадриятларига, асосига эга бўлмаганлиги сабабли, ҳозирга келиб анархистик ғоялар сиёсий мафкура сифатида ўз мавқеини йўқотган.

Ақидапарастлик мафкураси

Ақидапарастлик – муайян диний эътиқод шаклланишининг бошланғич даврида белгилаб берилган барча йўл-йўриқларни қатъий ва оғишмай бажарилишини талаб қилишдан иборат. Ислом дини ақидапарастлари «соф ислом» илмий-техник ва ижтимоий тараққиёт ютуқларидан воз кечиш ғоясини илгари сурадилар. Уларнинг асосий мақсади: Куръони Карим ва ҳадисларда кўрсатилмаган ҳар қандай миллий, замонавий урф-одатлар, кадриятлар ва қарашларни, демократик тамойилларга асосланган ижтимоий тараққиёт йўлини инкор этиб, фақат ислом дини ақидаларигагина асосланган «исломий тараққиёт» йўлини жорий этишдан иборат. Ваҳҳобийлик, «Мусулмон биродарлари» ташкилоти, «Ҳизбут-таҳрир», «Ҳизбуллоҳ», «Ислом озодлик партияси» каби диний-экстремистик ташкилотлар ислом ақидапарастлиги мафкурасига асосланган.

Ислом ақидапарастлик мафкураси ҳам мутлоқ ҳақиқатни даъво қилиб, ҳар қандай ўзга диний ва дунёвий ғояларни, қарашларни, ижтимоий, миллий кадриятларни, маданиятни рад этади. XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб бир қатор араб мамлакатларида (Масалан: Миср, Саудия Арабистони, Сурия, Ливия, Жазоир каби) қонли тўқнашувларни келтириб чиқарди. Афғонистон, Тожикистонда фуқаролар урушини авж олдирди. Ақидапарастлар ҳозир ҳам турли мамлакатларда миллатлар, турли динларга эътиқод қилувчи кишилар ўртасида низолар келтириб чиқаришга уринмоқдалар.

Бағрикенглик ва унинг моҳияти

Бағрикенглик (толерантлик) – (лотинча «tolerantia» - «сабр-тоқат») жамиятдаги турфа маданиятлилиқ, плюрализм, турли-туманлилиқ ва хилма-хиллиқларнинг мавжудлигини тан олиш, қабул қилиш, тўғри тушуниш ва ҳурмат қилишга қаратилган ижобий муносабат. Ўзбек тилида бағрикенглик сабрлилиқ, қаноатлилиқ, тоқатлилиқ, бардошлилиқ, чидамлилиқ каби бир қатор синонимларга эга.

Бағрикенглик ғояси узоқ тарихга эга бўлиб, ушбу тушунча асрлар давомида шакллана борди ва бу жараён ҳозирда ҳам давом этмоқда.

Бағрикенглик асли нима? 1995 йилнинг 16 ноябрида Парижда бўлиб ўтган ЮНЕСКО Бош конференциясининг 28 сессиясида қабул қилинган «Бағрикенглик тамойиллари Декларациясида» бағрикенглик тушунчасига батафсил изоҳ берилган. Унга кўра бағрикенглик - жаҳоннинг турли бой маданиятларини, ўзини ифодалашнинг ва инсоннинг алоҳидалигини намоён қилишнинг хилма-хил усулларини ҳурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушунишни англатади. Уни билим, самимият, очиқ мулоқот ҳамда ҳур фикр, виждон ва эътиқод вужудга келтиради. Бағрикенглик турли-туманликдаги бирликдир. Бу фақат

маънавий бурчгина эмас, балки сиёсий ва ҳуқуқий эҳтиёж ҳамдир. Бағрикенглик тинчликка эришишни мушарраф қилгувчи ва уруш жаҳолатидан тинчлик маданиятига элтувчи йўлдир.

Кўпгина халқларда бўлгани сингари бағрикенглик ўзбек менталитетига ҳам хос тушунча бўлиб, у миллий маънавийтимизнинг асосий қирраларидан биридир. Бошқа миллатлар вакиллари томонидан тан олинган ва йиллар давомида турли синовлардан ўтган ушбу фазилат ўзбек халқининг ментал хусусиятларидан бирига айланган. Ўзбекистонда ҳукм сураётган ижтимоий барқарорлик ва ҳамжихатликнинг асосида бошқа омиллар қатори ўзбек жамиятидаги устивор фазилатлардан бири бўлган бағрикенгликнинг ҳам ўрни бекиёсдир. Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистонда тобора илдиз отиб бораётган демократик тамойиллар бағрикенгликни жамиятнинг янада кенгроқ жабҳаларини қамраб олишига имкон яратади.

«Бузғунчи ғоялар» ва «Бунёдкор ғоялар»

Ҳозирги замонда жаҳонда инсон қалби ва онги учун кураш ниҳоятда кескин тус олди. Турли манфаатлар ва мақсадларни қондириш учун ранг-баранг ғояларни, мафкураларни байроқ қилиб олган террорчилар инсон онгини заҳарлаш орқали уларни манқуртларга айлантirmoқдалар. Буйрукни оғишмай бажарадиган манқуртларнинг кўли билан ўзларининг манфур мақсадларини амалга оширmoқдалар. Президентимиз И.А.Каримов ибораси билан айтганди: «Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга».

Инсоният тарихий тараққиётига назар ташлайдиган бўлсак, инсон тафаккури маҳсули бўлган ғоялар «Бузғунчи ғоялар» ва «Бунёдкор ғоялар» га бўлинади. Шу ўринда «Бузғунчи ғоялар» ва «Бунёдкор ғоялар» га қуйидагича таъриф бериш мумкин:

«Бузғунчи ғоялар» - умуминсоний қадриятларга зид келувчи, жамият тараққиётига тўсқинлик қилувчи, инсоният, миллат, халқ ва инсон бошига кулфат келтирувчи ва ҳалокатга элтувчи ғоялардан иборат.

«Бунёдкор ғоялар» - умуминсоний қадриятларга асосланган, юксак ижтимоий мазмунга, бой маънавий асосга ва демократик тамойилларга эга бўлган ғоялардир. Инсониятнинг эзгу интилишларини, мақсад ва манфаатларини ўзида ифодалаган, жамият ва миллат равнакига хизмат қилувчи ғоялар ҳам бунёдкор ғоялар ҳисобланади.

«Бунёдкор ғоялар» га қуйидагилар қиради: халқпарварлик, тинчлик, озодлик, хурфикрлилик, дўстлик, биродарлик, тенглик, бағрикенглик, тараққиёт ва ҳоказо. Бу ғоялар асосига қурилган мафкураларни ҳам мисол келтириш мумкин. Масалан: миллий истиқлол ғояси, либерализм жаҳидчилик ва ҳ.к.

«Бузғунчи ғоялар» га эса қуйидаги ғоялар мисол бўла олади: ақидапарастлик, диний фанатизм, терроризм, босқинчилик, фашизм, шовинизм, жаҳолатпарастлик, тоталитаризм ва ҳоказолар.

Бузғунчи ғоялар

Бузғунчи ғоялар умуминсоний қадриятларга зид келувчи, жамият тараққиётига тўсқинлик қилувчи, инсоният, миллат, халқ ва инсон бошига кулфат келтирувчи ва ҳалокатга элтувчи ғоялардан иборат.

Бузғунчи ғояларнинг ҳар қандай кўриниши кишилик жамияти тарихида бутун-бутун халқлар бошига оғир кулфатлар келтирди, миллионлаб кишиларнинг ёстиғини қуритди. Жамият ривожланиши қонуниятларининг бузилишига сабаб бўлди. Айрим давлатлар, минтақалар, цивилизацияларнинг тарихий тараққиётига тўсиқ бўлди ва мудҳиш оқибатларга олиб келди.

Кишилик жамияти тарихида кўплаб бузғунчи ғоялар амал қилган: салибчиларнинг ғоялари, диний фанатизм, атеизм, фашизм, ақидапарастлик, шовинизм, большевизм, космополитизм, нигилизм кабилар шулар жумласидандир.

Салибчиларнинг ғоялари XI аср охиридан XIII аср охиригача Ғарб мамлакатларида Шарқ мамлакатларига, мусулмонларга қарши ҳукмронлик қилган ғоялардан иборат. 1095 йили Франциянинг Клермон шаҳри ёнидаги кенг майдонда йиғилган халойиқ олдида Рим папаси нутқ сўзлаб, йиғилган халойиқни «Белига қилич тақишга» ва «Парвардигорнинг тобутини ғайридинлар (яъни мусулмонлар) кўлидан қутқариб олиш учун» Шарқ мамлакатларига қарши отланишга чақирган. Насронийларнинг ривоятларига кўра Исо пайғамбар Фаластиндаги Қуддус шаҳрига кўмилган. Салиб юришидан асосий мақсад, Ғарб мамлакатлари феодалларининг Шарқдаги бой шаҳар-қишлоқларни талашга ва унда янги ер-мулклар вужудга келтиришдан иборат эди.

XI аср охиридан XIII аср охиригача 8 марта уюштирилган салиб юришлари муваффақиятсизликка учради. Чунки унинг асл мақсади босқинчилик, талончилик, хунрезлик каби бузғунчилик, вайронкорликдан иборат эди.

Большевизм

Большевизм XX асрнинг бошларида вужудга келиб, унинг ғоявий асосчиси В.И.Ленин бўлган. Большевиклик ғоянинг туб моҳияти: Россияда ва кейинчалик бутун дунёда ҳарбий-сиёсий зўравонликни ўрнатиш, тоталитар тузумни жорий қилишдан иборат бўлган. Россияда 1905, 1917 йилларда 3 марта ҳарбий-қуролли исённи келтириб чиқарди. Бу ғояни амалга ошириш жараёнида миллионлаб кишилар қурбон бўлди. Марказий Осиё, Кавказ, Болтиқбўйи халқларининг миллий маданияти, қадриятлари, диний эътиқоди, тили, тарихи инкор этилиб, бу халқлар зўравонлик билан тоталитар тузумга бўйсундирилди. Умуминсоний қадриятлар ўрнини синфийлик тамойилига, даҳрийликка асосланган бузғунчи ғоя эгаллади. Даҳрийликка зўр берилди. Минглаб уламолар, дин арбоблари, олимлар, эркин фикрловчи буюк алломалар катагон қурбони бўлдилар.

Буюк давлатчилик мафқураси

Муайян давлат ва миллатни, унинг манфаатларини бошқалардан устун кўядиган, уни мутлақлаштирадиган мафқурадир. Шовинизм – XIX аср бошларида Францияда император Наполеон Бонапарт шахсига сиғинишни бошлаб берган, унинг зобити Н.Шовен номи билан боғлиқ.

Буюк давлатчилик шовинизми – сиёсий мафқура шакли сифатида ўзга давлатларга, миллатларга нисбатан камситиш, ўз ҳукмронлигини уларга зўравонлик билан ўтказиш ғоясини илгари суради. Улуғ давлатчилик шовинизми ҳозирда айрим қудратли давлатлар сиёсий доиралари томонидан олиб борилаётган ўзга давлатлар ва миллатлар ички ишларига аралashiш, улар устидан ҳукмронлик қилиш сиёсатида ўз ифодасини топмоқда.

Сиёсий мафқура

Сиёсий мафқура – у ёки бу ижтимоий гуруҳ, миллат ва жамият аъзоларининг ижтимоий-сиёсий манфаатларини ифодаловчи ва химоя қилувчи, муайян сиёсий фаолият стратегиясига эга бўлган, тизимлашган ғоялар, қарашлар бирлигини англатади.

Сиёсий мафқуралар мазмун-моҳиятига кўра ижобий ва салбий турларга бўлинади.

Ижобий моҳиятга эга бўлган сиёсий мафқуралар жамият равнақига кучли таъсир кўрсатади ва аксинча, салбий моҳиятга эга бўлган сиёсий мафқуралар жамиятни, у амал қилган мамлакатни ҳалокатга гирифтор қилади. Бундай реакцион моҳиятга эга бўлган сиёсий мафқуралар амал қилиши оқибатида миллионлаб кишилар қурбон бўлган, инсоният тараққиёти таназзулга юз тутган (большевизм, фашизм мафқуралари кабилар).

Прогрессив моҳиятга эга бўлган сиёсий мафкуралар жамиятнинг, ижтимоий гуруҳ ёки миллат манфаатларини назарий жиҳатдан асосланиб, ижтимоий-сиёсий ҳаракатларга аниқлик киритади ва ижтимоий кучларни рўёбга чиқаришга сафарбар қилади.

Ижобий моҳиятга эга бўлган сиёсий мафкуралар: либерал, консерватив, экологик-сиёсий, миллий истиқлол мафкуралари.

Салбий моҳиятга эга бўлган сиёсий мафкуралар: фашистик, коммунистик, шовинистик, анархистик каби мафкуралар.

Ваҳҳобийлик ва хизбут-тахрир

«Ваҳҳобийлик» диний-сиёсий оқим сифатида XVIII асрда Марказий Арабистоннинг Нажд воҳасида юзага келган. Ваҳҳобийлик асосчиси Муҳаммад ибн Абд ал-Ваҳҳоб 1703 йили Арабистонда қози оиласида туғилган. У бирон бир мазҳабни тан олмаган. Ҳар қандай янгиликка, дини исломнинг мустаҳкамланишига хизмат қилган азиз ва мўътабар шахсларнинг улуғланишига, уларнинг қабрларини зиёрат қилинишига тамомила қарши бўлган.

Абд ал-Ваҳҳобнинг қарашлари марказий Арабистондаги Дирья шахрининг нуфузли фуқароси Муҳаммад ал-Саудга, кейинчалик ал-Сауднинг ўғли ва издоши Абд ал-Азизга мамлакатни эгаллаш учун кўл келди. Кейинчалик араб давлатларини бўлиб ташлаган бу ҳаракат шу тарзда юзага келган ва ваҳҳобийлик номини олди.

Ваҳҳобийлар бевосита дин номидан иш кўриб, барча арабларни яшил байроқ остида бирлаштириш ғояларини илгари сурдилар. Ўзгалар кўли билан курашишга одатланган инглиз колониализми эса ваҳҳобийлардан ўз мақсадида фойдаланиб, уларни Усманий туркларга қарши жангга ташлаган эди. Шунинг учун ҳам ваҳҳобийлар усмонийлар эътиқод қўйган ханафий мазҳабини кофир мазҳаб деб эълон қилишган.

Ваҳҳобийлар дунёвий маданиятни қоралаб, мусиқа, театр ва тасвирий санъат билан шуғулланишни кечирилмас гуноҳ, деб ҳисоблашади. Инглиз мустамлакачилари XVIII асрда курол кучи билан араб давлатларига таҳдид солишдан ҳеч бир фойда олмагач, мавжуд мазҳаблар ичида низо чиқаришга уриндилар.

Инглизлар мусулмон давлатлари ўртасида ички низо чиқариш учун Куръон ва ҳадисларни ўрганган инглиз жосуси Хемперни 1719 йили Туркияга, кейинчалик Эронга юборган эдилар. 1730 йили у Абд ал-Ваҳҳоб билан учрашган.

Хемпер ўз хотираларида шундай деб ёзади: «Биз ваҳҳобийлик деб аталмиш янги дин яратдик. Ибн Абд ал-Ваҳҳоб ва Ибн Саудга 11 нафар инглиз-ҳарбий мутахассисларни хизмат учун бердик. Уларга София ва Осие исмли аёлларни рўбарў қилдик». Шу тариқа «Ваҳҳобийлик» оқими тарафдорлари ер юзининг турли бурчакларига тарқала бошлаган.

Ваҳҳобийлар XIX аср бошларида кучая бошлаб, 1802 йилда Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак масжидини, 1803 йили Макка, кейин Мадина шахрини босиб олишиб, у ердаги мол-мулкларни талон-тарож қилишиб қабртошларни бузиб ташлашган. Улар Пайғамбаримиз мақбарасидаги тилла суви юритилган гумбазларни бузиб ташлашга чоғланган бир пайтда, адолатпарвар кучлар ёрдамида босқинчилик ҳаракатлари тўхтатиб қолинди.

Лекин 1810 йилда улар 12 минг кўшин билан имом Ҳусайн мақбарасига ҳужум уюштирдилар. Бу урушда тўрт минг кишидан ортиқ болалар, аёллар, мўйсафидлар шафқатсизларча қириб ташланган. Улар, шунингдек, 1811 йилда имом Ҳасаннинг мақбарасини талаб, вайронага айлантirdилар ва икки мингдан ортиқ мусулмонларни қиличдан ўтказдилар. Бу босқинчилик урушларидан ғазабланган Миср ҳукмдори Муҳаммад Али уларга қатъий қарши чиқиб, 1811 йили Ҳижоз шахрини, 1818 йили эса Дирья шахрини ваҳҳобийлардан тозалаган.

1980 йилларнинг иккинчи ярмида Ўзбекистонга кириб келган «Ваҳҳобийлик» диний-экстремистик оқими тарафдорларининг ханафий мазҳабида бўлган масжид жамоалари билан жанжаллари, чет элдан келаётган доллар ҳисобидаги моддий маблағ эвазига янги масжидлар қуриши, давлат сиёсатида қарши очикдан-очик даъватлар олиб бориши авж олди.

1990 йилларда ваҳҳобийлар ва бошқа жиной босқинчи гуруҳлар фуқароларнинг мол-мулкини талаш, уларни ўлдириш учун Фарғона водийси вилоятларига қурол-яроқ, портловчи моддаларни олиб келиб, сақлаш учун яширин омборлар қурдилар. Улар босқинчилик ва қотиллик жинойатларидан жиҳод ҳаракатларини ўтказишда фойдаланишни кўзлаганлар.

Бу жиной гуруҳнинг асосий қисми 1998 йилда қўлга олиниб, жазога тортилган. Энг ашаддий ваҳҳобийлардан бири Козим Зокиров ва унинг ҳамтовоқлари 1999 йил феврал ойида Тошкент шаҳрида портлашларни содир этганлиги учун ҳибсга олиниб, одил суд томонидан жазога тортилди.

Ушбу оқимнинг айрим раҳнаmolари ҳозирда Афғанистон, Покистон, Эрон ва Тожикистонда тарқоқ ҳолда фаолият кўрсатмоқда.

«Ҳизбут-таҳрир» диний-сиёсий ташкилоти (таржимаси – «Озодлик партияси (фирқаси)») га Шайх Тақиддин Набахоний (Тақд ад-Дин Набаханий аль-Фаластиний) томонидан 1953 йилда Байтул-Мақдис шаҳрида (Сурияда) асос солинган. Расман у 1929 йилда Мисрда вужудга келган «Мусулмон - биродарлари» ташкилотининг Фаластин бўлими қошида очилган (бошқа маълумотларга кўра «ҳизбут-таҳрир» Исроилда Қуддус шаҳрида ташкил топган). Сурияда вужудга келган ташкилотнинг илк хужайраси ўз олдида бутун жаҳон исломий давлати – «халифалик» ни қайта тиклаш вазифасини қўйди. Халифалик Муҳаммад с.а.в. вафотларидан кейин ғарбий Арабистонда VII асрда феодал муносабатларнинг шаклланиши даврида вужудга келган мусулмон давлати бўлиб, у ўша давр учун хос бўлган бошқарув шакли ҳисобланади. Халифалик мусулмон жамоати (умма), жамият устидан дунёвий, маънавий ва диний ҳокимиятнинг теократик ҳоким —халифанинг кўлида мужассамлашишини тақозо этади. Ушбу ғояни ҳозирги кунда зўр бериб тарғиб қилаётганлар наздида, аҳолисининг кўпчилиги ислом динига эътиқод қилувчи дунё мамлакатларининг барчаси халифалик таркибига кириши лозим.

Набахоний «ҳизбут-таҳрир» партияси сиёсати ва мафқурасининг назарий асосларини ишлаб чиқди ва уларни ўзининг «Низомул-Ислом» («Ислом тизими» - устави), «Давлат-ул-Ислом» («Ислом давлати»), «Халифалик» каби асарларида талқин этди. Ханузгача ушбу асарлар «таҳрирчилар» («ҳизбут-таҳрир» аъзолари) томонидан асосий ўқув кўлланмалари сифатида фойдаланилмоқда. Кейинчалик «ҳизбут-таҳрир» кўпчилик мусулмон давлатларида, хусусан, Миср, Эрон, Ироқ, Жазоир, Судан, Яман, Покистон ва Афғонистон мамлакатларида кенг тарқалди. Партиянинг раҳбар идораларини Европа мамлакатларида ҳам топиш мумкин, хусусан, стратегик режалаштириш маркази Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳрида жойлашган.

«Ҳизбут-таҳрир» фаолияти мазмунининг ва стратегиясининг таҳлили асосида хулоса қилиш мумкинки, ўзга экстремистик оқимларга нисбатан унинг ҳавфи тобора ўсмоқда. Масалан, «ваҳҳобийлик» оқими ғояларидан фарқли ўлароқ, «таҳрир» ғоялари дарҳол фаол куч ишлатишга чақирмайди, ижтимоий тузумга қарши норозилигини очиқ баён этмайди ва ҳ.к. Кенг оммага мўлжалланган бўлиб, демократия, ижтимоий адолат учун кураш олиб бораётгандек ёлғон таассурот уйғотади. Ҳизбут-таҳрир ғоялари бир қарашда эзгуликка чақираётгандек бўлиб кўринади. Аслида эса ана шу ғоялар никоби остида зўравонлик яширинган.

1992 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида «халифалик» шаклидаги ислом давлатини, жумладан, ёшларнинг онгини заҳарлаш йўли билан ҳокимиятни қўлга олишни ўз олдида мақсад қилиб қўйган реакцион диний-сиёсий «ҳизбут-таҳрир» ташкилотининг бошланғич бўлинмалари ташкил этила бошланган.

Норасмий оқим сафига кирувчиларга ўз ғоялари ҳақидаги маълумотларни ҳеч қачон ошқор этмаслик тўғрисида қуръон билан қасам ичирилган. Улар ўз тарафдорларини зиёлилар, илмий ходимлар, талаба ёшлар орасидан танлайдилар. Халифалик куриш йўлида барча тўсиқларни жиҳод йўли билан олиб ташлашни яширин тарзда режалаштирадилар.

«Ҳизбут-таҳрир» танлаган йўл жарга олиб борувчи йўл, у танлаган ғоя эса жаҳолатга етакловчи ҳавфли ғоя ҳисобланади. Улар барча мусулмон динига мансуб халқларни халифалик деб ном олган ва битта халифа бошқарадиган ягона диний давлатга бирлаштириб,

амалдаги Конституция ва қонунлар ўрнига, ўрта асрларда ҳукм сурган ақида ва одатларга итоат қилдирмоқчи бўладилар. Ушбу ғоя пуч ғоя бўлиб, уни ХХІ асрда амалга ошириб бўлмайди.

Ватанпарварлик

Ўз туғилиб ўсган жойидан фахрланувчи ва унинг ҳимоясига мудом тайёр турувчи киши ватанпарвар ҳисобланади. Ватанпарварлик ўз миллати, маданияти ва жамияти билан фахрланиш туйғуларидир. Ватанпарварлик бошқа мамлакатлар ва миллатлар билан ҳамкорликни инкор этмайди. Ватанпарварлик миллатчиликдан айнан ана шу жиҳати билан фарқ қилади. Миллатчилик ўзи мансуб бўлган миллатни бошқа миллатлардан уларни менсимаслик ва камситиш эвазига устун қўйишни аниқлаётганда, ватанпарварлик ўз ватанини ва миллатини бошқа миллатларни камситмаган ҳолда, уларни ҳурмат қилган ҳолда устун қўйиш демакдир.

Геноцид ва демоцид

Геноцид: (genos – насл, зот, авлод ва cide ўлдирмоқ сўзларидан). Ушбу атама илк бор Рафаэл Лемкин томонидан 1940 йилларда муомалага киритилган.

Геноцид муайян халқни ёки миллатни, ирқий ёхуд диний жамоаларни бутунлай ёки қисман қириб ташлашни аниқлаётганда.

Геноцидга инсоният тарихидан мисоллар жуда кўп бўлиб, энг янги давр, яъни ХХ аср ва ХХІ аср бошларидаги геноцид актларининг аксарияти у ёки бу диний эътиқодлар билан боғлиқ ҳолда амалга оширилган. Масалан, 1990 йилларнинг ўрталарида серблар (Серб православ христианлари) томонидан собиқ Югославияда минглаб мусулмонларнинг ўлдирилиши сўнгги йилларда амалга оширилган энг мудҳиш геноцид жинояти ҳисобланади.

Геноцид халқаро ҳуқуқ томонидан, кўпгина давлатларнинг миллий қонунчилиги ва аксарият дунё динлари томонидан қаттиқ қораланади.

БМТ тизимидаги халқаро ташкилотлар томонидан геноцид жиноятининг олдини олишга қаратилган халқаро меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Шулардан энг асосийси, Геноцид жиноятининг олдини олиш мақсадида жазолаш тўғрисидаги 1948 йилда қабул қилинган Халқаро Конвенциядир.

Демоцид эса «demos» халқ ва «cide» ўлдириш деган маънони аниқлаётганда. Тарихда жуда кўп ҳуқуматлар ўз халқини у ёки бу айби учун ёппасига ёки қисман қириб ташлаш ходисалари кўп бор содир этилган. 1900 йилдан 1980 йилгача тахминан 170 млн. киши демоцид қурбони бўлганлар. Демоциднинг энг тарқалган кўринишлари геноцид ва политцид (сиёсий мухолифларни ўлдириш) ҳисобланади.

ХХ асрда 8 та энг йирик демоцид жиноятлари мобайнида 110 млн киши ҳалок бўлган. Шулардан энг йирик демоцид жиноятлари сифатида собиқ СССРда Сталин катағонлари (1929-1953; 43 млн. киши ҳалок бўлган), Хитойда Мао Цзедун демоцид сиёсати (1923-1976; 38 млн. киши ҳалок бўлган), Германияда Гитлернинг демоцид сиёсати (1933-1945, 21 млн киши ҳалок бўлган) ни мисол тариқасида санаб ўтиш мумкин.

Геосиёсат ва хавфсизлик

Гео – юнонча сўз бўлиб, «Ер» маъносини англатади. **Геосиёсат** – муайян сиёсий доиралар, марказлар ва давлатларнинг географик минтақаларни ўз таъсир доирасига бўйсундиришга қаратилган ва олиб борадиган сиёсатини англатади.

Геосиёсат атамасини илк бор XIX асрда швед олими Рудольф Челлен муомалага киритган. Унинг фикрича, геосиёсат давлатни маконда қарор топган жуғрофий организм сифатида ўрганувчи фандир. Қайд этиш лозимки, кўплаб олимлар давлатни тирик организмга киёслашади.

Немис олими Карл Хаусхофернинг таъкидлашича, геосиёсат «замин ва сиёсий жараёнлар ўртасидаги муносабатларни» ўрганади. У жуғрофиянинг кенг пойдеворига, аввало, «фазодаги сиёсий организмлар ва уларнинг таркибий тузилиши ҳақидаги сиёсий жуғрофия фанига асосланади». Бундан ташқари, геосиёсат сиёсий аъмолларни «энг муҳим йўриқномалар билан таъминлаш ва умумий сиёсий ҳаётни йўлга қўйишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди». Бу билан геосиёсат «амалий сиёсатни бошқариш санъатига» айланади. Геосиёсат, - дейди К.Хаусхофер, - давлатнинг миясидир.

Нуфузли халқаро луғатда геосиёсат «муносиб ташқи сиёсатни амалга ошириш мақсадида қитъа ва денгиз ареаллари билан сиёсат ўртасидаги муносабатларни ўрганувчи фан» сифатида таърифланади. Франциялик олим Ив Лакост геосиёсатга «жуғрофий омилларнинг давлат сиёсатига таъсирини ўргатувчи фан» деб таъриф беради. Рус олими Вадим Кожининг фикрига кўра эса, «геополитика» атамаси қадимги юнонча «ер» билан «давлатни бошқарув» сўзлари бирикмаларидан ташкил топган бўлиб, ... гап муайян замин, макон, муайян (боқий) ҳудуд билан бу заминда қарор топган давлат ёки давлатлар мажмуасининг бир бутунлиги, муштараклиги ҳамда ўзаро боғлиқлиги ҳақида боради.

Келтириб ўтилган таърифлар асосида шуни ҳам таъкидлаш мумкинки, геосиёсатнинг энг олий функцияси жамиятни ички ва ташқи душманлардан муҳофаза қилишдан иборат. Давлат сиёсатининг жуғрофий омилларга боғлиқлиги, яъни геосиёсат ландшафт хусусиятларидан келиб чиқиб амалга оширилган давлат сиёсати, айни маҳалда, давлат ва қарор топган фазонинг яхлитлиги, бир бутунлиги геосиёсатнинг асосий таҳлил манбаидир. У жуғрофий сиёсат эмас, балки жуғрофий омилларни ҳисобга олиб тарихий жараённи сиёсий бошқаришдир.

Геосиёсий таҳлил асосида миллий хавфсизлик концепциялари яратилади. Мустақил давлатнинг манфаатлари ва мақсадлари геосиёсий омиллар устиворлигидан келиб чиқади. Геосиёсий таҳлил жуғрофий, сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, экологик ва бошқа омиллардан иборат бўлиб, айниқса этник, диний, демографик омиллар алоҳида аҳамиятга эга.

Геосиёсий таҳлилнинг асосий категорияси ҳудуд, маскан, макон, фазодир. Бундан ташқари геосиёсат масалаларига бағишланган адабиётларда биз теллуракратия (куруқлик қудрати) ва талассократия (денгиз қудрати), ички қитъавий макон ёки Хартленд (heartland), «ички, континентал ярим ой, қирғоқ зоналари», (Rimland), «ташқи ярим ой» ёки «орол ярим ойи», «геосиёсий чегаралар», геостратегик минтақа, геосиёсий минтақа, давлатлар (блок) иттифоқи, давлат, буфер давлат, геосиёсий иттифокдошлар, буюк давлат (Super Power), кучлар маркази, геосиёсий чизиқлар, фронтал рақобат, геосиёсий вазият, геостратегик вазият ҳамда миллий қудрат каби атама ва тушунчалар ўз ўрнини топган.

Халқаро сиёсатнинг терроризм феномени туфайли тезлашган туб ўзгаришлар дунё геосиёсий сахни билан бирга геосиёсат тушунчаси ҳам анча кенгайди. Аънанавий геосиёсат буюк давлатлар ўртасида йирик масканлар, табиий ресурслар ҳамда стратегик минтақалар (портлар, сув йўллари, каналлар, дарё тизимлари, оазислар ва бошқа куч қудрат ва бойлик манбалари) устидан назорат учун кураш сифатида тушуниб келинди.

Ер юзида табиий ресурсларнинг чекланганлиги муносабати билан айрим давлатлардаги сиёсий доиралар ўз чегара ҳудуди, бойликлари билан қоникмай, ўзга халқлар яшаётган ҳудудлардаги табиий-моддий бойликларни қўлга киритиш, уларга эга бўлиш мақсадида геосиёсат юритмоқдалар.

Ҳозирга келиб геосиёсат мазмуни ва уни юритиш усуллари бирмунча ўзгарган. Аввалдагидек, очиқ курулли куч ишлатиш усулидан кўра кўпроқ яширин курул-ярок савдосини авж олдириш, мафкуравий тазйиқ кўрсатиш воситалари билан геосиёсат олиб борилмоқда.

Маълумки, Марказий Осиёда миллий мустақилликка эришган давлатлар, хусусан Ўзбекистон табиий бойликларга эга географик минтақа ҳисобланади. Ўзбекистонда, Менделеев даврий тизимида кўрсатилган кимёвий элементларнинг деярли барчаси мавжуд. Шунинг учун ҳам Марказий Осиёга, айниқса Ўзбекистонга нисбатан дунёдаги ривожланган давлатларнинг қизиқиши борган сари ортиб бормоқда.

Буёқ давлатчилик шовинизми, панисломизм, пансоветизм, халифаликни тиклаш, демократик фундаментализм каби ғояларни тарғиб қилиш орқали айрим сиёсий кучлар ўзларининг ғаразли геополитик мақсадларига эришмоқчи бўлмоқдалар.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё минтақаси йилдан йилга турли омиллар туфайли дунё геосиёсатининг марказий нуқталаридан бирига айланиб бормоқда. Бу ерда турли мамлакатларнинг ҳам геосиёсий қизиқишлари тобора ортмоқда. Шундай бир қалтис вазиятда минтақада хавфсизликни таъминлаш, кескин нуқталарни юмшатиш, турли-туман манфаатларни уйғунлаштириш ва умумий мақсадлар сари йўналтириш Марказий Осиё мамлакатлари учун энг устувор вазифадир.

Гиёҳвандлик ва зўравонлик

Гиёҳвандлик кайф ёки шунга ўхшаган қисқа муддатли ҳиссий хуш ёкиш ҳолатига эришиш мақсадида турли гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишни англатади.

Гиёҳвандликнинг келиб чиқиши анча узоқ тарихга бориб тақалади. Жанубий Америкадаги ҳиндулар милоддан аввал 3000 йилларда кока дарахтининг илдизларини чайнаб, хуш ёкиш ҳолатига эришганликлари ва бу ҳолатни худонинг инсонга тухфаси сифатида эътироф этганликлари тўғрисида маълумотлар мавжуд.

Қадимги Хитой солномаларида эса милоддан аввал XV асрда гиёҳванд моддаларидан айрим касалликларни даволашда фойдаланганлиги тўғрисида қайдлар мавжуд. Қадимги санскрит ёзувларида эса галлюцинация, яъни эс хушини йўқотиш (мастлик) ҳолати тўғрисида маълумотлар бор.

Бироқ қадимги манбаларнинг бирортасида ҳам ушбу модданинг таъқиқлаб қўйилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд эмас. Аксинча, уларда гиёҳванд моддалар истеъмолига рухсат этилган ҳолатлар учрайди. Масалан, бир тарихий ҳужжатда Наполеон ўзининг Миср юришидан қайтаётган солдатларига марихуана истеъмол қилишга рухсат этганлиги тилга олинган.

Гиёҳвандлик инсон ва жамият учун катта зарар эканлиги, бинобарин, уни таъқиқлаш лозимлиги фақат энг янги даврга келиб муҳим аҳамият касб эта бошлади. Гиёҳванд моддалар истеъмолини таъқиқлаган илк мамлакат АҚШ ҳисобланади. Бу ерда 1907 йилда қабул қилинган ҳужжатга кўра гиёҳванд моддаларни тиббий мақсадлардан ташқари бошқа бирор мақсадда фойдаланиш таъқиқлаб қўйилди. 1914 йилда қабул қилинган Харрисон Акти орқали эса гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш, импорт қилиш, сотиш ёки тарқатиш буткул таъқиқланади.

Гиёҳванд моддаларни истеъмол қилган кишиларда агрессивлик даражаси анча юқори бўлиши олимлар томонидан аниқланган. Уларнинг фикрича, гиёҳвандлик ва зўравонлик ўртасида чамбарчас боғлиқлик мавжуд. Гиёҳвандлик билан шуғулланувчи кишиларнинг аксарияти у ёки бу жиноятларни содир қилишга мойил бўладилар. Агар рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, дунё бўйича автотранспорт ҳалокатларининг 60 % дан кўпроғи гиёҳвандлик ва ичкиликбозлик таъсирида содир этилади. Болаларга нисбатан зўравонликнинг 38 % и, қотилликларнинг 49 % и, номусга тегиш ҳолатларининг 52 % ва майда безориликларнинг 62 % и гиёҳвандлик ва ичкиликбозлик туфайли юз беради.

Гиёхвандлик дунё миқёсида халқаро терроризмнинг авж олишига сабаб бўлаётган омиллардан биридир. Халқаро экспертлар маълумотида кўра, Афғонистонда етиштирилиб сотилаётган наркотик моддалардан келаётган 8 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi йиллик даромаднинг нақд бир миллиарди дунёда биринчи рақамли халқаро террорчи – Усама бин Лодиннинг ҳисобига келиб тушар экан. Наркобизнес ҳам халқаро терроризм билан эгизакдир, ундан манфаатдордир ва уни юзага келтирувчи омиллардан биридир. Наркобизнесга қарши кураш, ўз навбатида, халқаро терроризмнинг ҳам илдизига болта уради.

Глобаллашув

Глобаллашув (франц. Global – энг умумий деган маънони англатади) ўз кўлами, мазмун-моҳияти билан бутун Ер шарига, инсониятга дахлдор бўлган умумбашарий муаммоларни ўз ичига олган жараёндир.

XXI аср бошларига келиб дунё мамлакатлари, турли халқлар ва миллатлар ўртасидаги ўзаро таъсир шу қадар кучайиб кетдики, унинг таъсиридан холи бирор бир мамлакат қолмади.

XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида, жаҳон миқёсида илмий-техникавий тараққиёт инсоният ҳаётини, турмушини кескин ўзгаришига сабаб бўлди. Шўролар давлати парчалангандан сўнг, Ўзбекистон миллий мустақилликни қўлга киритиб, жаҳонга юз тутди. Аввалда мавжуд бўлган чегаравий биқиклик барҳам топди. Жаҳоннинг илғор давлатлари қўлга киритган замонавий илм-фан ютуқлари, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг илғор тажрибаси билан таниниш имконияти яратилди.

Халқаро ҳуқуқ нормалари, инсон манфаатларини ҳимоя қилишнинг илғор демократик тараққиёт йўлидаги давлатлар тажрибаси ҳаётимизга кириб келди. Телевидение, радио, уяли алоқа тизими, Интернет, Параболали антенна орқали ахборот узатиш каби илмий-техникавий воситалар ижтимоий-мафкуравий жараёнларнинг глобаллашувига олиб келди.

Демак, **глобаллашув** – турли мамлакатлар иқтисоди, маданияти, маънавияти, одамларнинг турмуш кечиришидаги ўзаро таъсир ва алоқадорликнинг кучаювини англатади.

Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви ўзининг салбий жиҳатлари, хусусиятларига ҳам эга бўлмоқда. Айниқса, бизнинг шарқона маънавиятимизга, ахлоқий дунёқарашимизга зид бўлган ғарб мафкурасининг хилма-хил кўринишлари энг замонавий ахборот узатиш воситалари ёрдамида ҳаётимизга суқилиб кирмоқда. Бундай мафкуравий тазйиқлар, асосан, ёшлар онгини ва қалбини эгаллашга қаратилганлиги, унинг хатарли тус олаётганлигини яшириб бўлмайди. Бунинг оқибатида ёшлар онгида миллий қадриятларимизга ёт бўлган бузғунчи моҳиятга эга ғоялар, қарашлар шаклланиб қолиш хавфи туғилди.

Глобаллашувнинг мамлакатлар, миллатлар иқтисоди, сиёсий ҳаёти, маънавияти ва турмушига ўтказиши мумкин бўлган ижобий ва салбий таъсири Ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби Махатма Гандининг қуйидаги сўзларида образли тарзда ифодаланган: «Мен уйимнинг дераза ва эшикларини доим маҳкам беркитиб ўтира олмайман, чунки уйимга тоза ҳаво кириб туриши керак. Шу билан бирга очилган эшик ва деразалардан кираётган ҳаво довул бўлиб уйимни ағдар-тўнтар қилиб ташлаши, ўзимни эса йиқитиб юборишини ҳам истамайман».

Глобаллашув – турли йўналишли тенденциялар таъсирида шаклланувчи объектив, мураккаб, зиддиятли ва диалектик жараён бўлиб, замонавий жаҳон ҳамжамиятининг ҳамда илмий-техникавий ва иқтисодий тараққиётнинг шарт-шароитлари мажмуасини ўзида мужассам этади.

Олимларнинг фикрича, глобаллашув бир неча ижобий жиҳатларга эга бўлиб, у жумладан, мамлакатларнинг иқтисодий тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган муаммоларни ечишга жиддий асос яратади; бозорнинг кенгайиши билан бир қаторда ихтисослашув ва халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашувига сабаб бўлувчи халқаро рақобатни вужудга келтиради; глобал миқёсда ишлаб чиқаришнинг рационаллашуви, замонавий технологияларнинг кенг тарқалиши ҳамда дунё миқёсида инновацияларни

критишга қаратилган рақобат босими натижасида кузатиладиган иш самарадорлигининг ошишига олиб келади.

Бироқ глобаллашув ўзида нафақат ижобий натижаларни, балки ўзига хос зиддиятларни, демак, салбий натижаларни ҳам мужассам этган. Глобаллашувнинг салбий жиҳатларига қуйидагиларни критиш мумкин: ривожланмаган мамлакатларнинг иқтисодий ўсиши ривожланган мамлакатларникига нисбатан сустроқ бўлганлиги сабабли, глобаллашувдан келадиган афзаллик ва устунликлар асосан ривожланган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади; жаҳон миқёсида миллий иқтисодиётларнинг ўзаро боғлиқлиги дунёнинг беқарорлигига сабаб бўлиши мумкин; бой ва камбағаллар ўртасидаги масофа янада чуқурлашиши, адолатсизлик, тенгсизлик натижасида кўпгина зиддиятлар пайдо бўлиши эҳтимоли бор; баъзи мамлакатлар иқтисодиётининг назорати мустақил ҳукуматлардан салоҳиятлироқ бўлган халқаро ташкилотларга ёки трансмиллий корпорациялар қўлига ўтиш хавфи мавжуд; глобаллашув натижасида турли юқумли касалликлар, гиёҳвандлик, уюшган жиноятчиликнинг бир мамлакат ҳудудидан бошқаларига тарқалиши осонлашади; глобаллашув миллий давлатчилик пойдеворининг заифлашувига ва ҳатто айрим давлатларнинг йўқолиб кетишига, ғарб поп маданиятининг кенг тарқалишига ва аксинча турли миллий маданиятларнинг йўқолиб кетишига олиб келиши мумкин: (олимларнинг таъкидлашича, ғарб маданияти таъсирида ҳозирги пайтда дунёда ҳафтасига 2 та тил ўлик тилга айланмоқда).

Глобаллашувнинг ижобий ва салбий жиҳатларини қабул қилишда тегишли таваккалчиликка йўл қўйилади. Шиддат билан ривожланиб бораётган жаҳон рақобати тизими ва ишчи кучи бозорининг ривожланиши ҳамда жаҳон техника ютуқларининг кенг тарқалиши билан бир қаторда, оммавий маданиятнинг босқини, мамлакат миллий манфаатларининг трансмиллий капиталнинг манфаатларига қарамлиги ва бошқа кўринишдаги камчиликлар ҳам мавжуд.

Шундай қилиб, глобаллашув – нафақат ташқи тузилмани, балки давлатларнинг ва сиёсий ҳамжамиятларнинг табиатини ҳам ўзгартирувчи жараён ҳисобланади. Замонавий дунёда уни ажратиб турувчи ижтимоий, сиёсий, мафкуравий, миллий хусусиятлар ва улар билан боғлиқ бўлган мамлакат ичидаги ва мамлакатлараро зиддиятлардан қатъий назар, бир томондан, глобал таҳдидлар ва иккинчи томондан, жаҳон ҳамжиҳатининг барча ташкил этувчиларининг ўзаро боғлиқлиги шароитида ўсиб бораётган глобаллашувнинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ижобий оқибатлари акс этмоқда.

Глобаллашув – тадрижий жараён бўлиб, унинг интенсивлиги дунёнинг барча нуқталарида турли хил ва турли даражада кузатилмоқда. Мазкур жараённинг кенг тус олганлиги ривожланаётган мамлакатларга катта таҳдид солмоқда. Турли мамлакатларда ижтимоий тенгсизлик ва адолатсизлик оқибатида можаролар юзага келмоқда. Бундай вазиятдан эса халқаро терроризм усталик билан фойдаланади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ривожланаётган мамлакатлар томонидан тўғри стратегия танлаб олинган тақдирда, глобаллашувнинг олиб келиши мумкин бўлган салбий оқибатларни бартараф этиш имконияти туғилади.

Геосиёсат

Гео – юнонча сўз бўлиб, «Ер» маъносини англатади. **Геосиёсат** – муайян сиёсий доиралар, марказлар ва давлатларнинг географик минтақаларни ўз таъсир доирасига бўйсундиришга қаратилган ва олиб борадиган сиёсатини англатади.

Геосиёсат тушунчаси биринчи бор I Жаҳон уруши (1914-1918 й) даврида Швед давлатшунос олими Р.Челлен томонидан қўлланилган. Фашистлар Германияси XX асрнинг 30-йиллар иккинчи ярмидан бошлаб ўзга давлатлар ва халқларни босиб олиш мақсадида геосиёсат юритганлар.

Ер юзида табиий ресурсларнинг чекланганлиги муносабати билан айрим давлатлардаги сиёсий доиралар ўз чегара ҳудуди, бойликлари билан қоникмай, ўзга халқлар

яшаётган худудлардаги табиий-моддий бойликларни кўлга киритиш, уларга эга бўлиш мақсадида геосиёсат юритмоқдалар.

Ҳозирга келиб геосиёсат мазмуни ва уни юритиш усуллари бирмунча ўзгарган. Аввалдагидек, очиқ курулли куч ишлатиш усулидан кўра кўпроқ яширин курул-ярок савдосини авж олдириш, наркобизнес, демократик фундаментализмни ёйишга интилиш, мафкуравий тазйиқ кўрсатиш воситалари билан геосиёсат олиб борилмоқда.

Маълумки, Марказий Осиёда миллий мустақилликка эришган давлатлар, хусусан Ўзбекистон табиий бойликларга кон географик минтақа ҳисобланади. Ўзбекистонда, Менделеев даврий тизимида кўрсатилган кимёвий элементларнинг деярли барчаси мавжуд. Шунинг учун ҳам Марказий Осиёга, айниқса Ўзбекистонга нисбатан дунёдаги ривожланган давлатларнинг қизиқиши борган сари ортиб бормоқда.

Буюк давлатчилик шовинизми, панисломизм, пансоветизм, халифаликни тиклаш, демократик фундаментализм каби ғояларни тарғиб қилиш орқали айрим сиёсий кучлар ўзларининг ғаразли геополитик мақсадларига эришмоқчи бўлмоқдалар.

Демократия маданияти

Маълумки, демократия халқ ҳокимияти деган маънони билдиради. Демократия бошқарувчи ва бошқарилувчи бир шахсда, яъни фаол фуқарода мужассамлашади. Бинобарин, демократиянинг тақдири фуқаронинг онгига, ҳуқуқий савиясига боғлиқдир. Фуқаро ўз хатти-ҳаракатларининг онглилигига масъул бўлиши, яъни фуқаролик масъулиятини ўз зиммасига олиши лозим.

Шундай экан, демократик жамиятнинг тақдири учун фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириши, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, маънавиятини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Буларнинг барчасини бир сўз билан демократия маданияти деб номлаш мумкин.

Ўзбекистонда демократия маданиятини шакллантириш йўлида мустақиллик йилларида жада кўп ишлар амалга оширилди. Махсус китоблар, ўқув кўлланмалари нашр этилиб тарқатилмоқда, республика телерадиоси ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали демократия маданиятини юксалтириш бўйича туркум дастурлар ва мақолалар тайёрламоқда. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқлари ва демократия соҳасидаги таълимни ривожлантириш бўйича инфратузилмаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бироқ бу йўлда ҳали яна жуда кўп ишлар амалга оширилиши лозим. Республикамизда демократик маданият ҳали тўлиқ шаклланмаган. Шундай экан, биз демократия тамойиллари ва кадриятларини кундалик ҳаётимизда мунтазам муҳофаза этишимиз лозим, токи улар ҳаётимизга ниҳоятда чуқур кириб борсин. Демократия маданиятини турмуш тарзимизнинг одатий жараёнига айлантириш учун фақатгина ўқувчилар ёки журналистлар масъул бўлиб қолмасдан, балки фуқаролик жамиятининг барча иштирокчилари ҳам масъулдирлар. Демократия маданиятини тарғиб қилиш демократик ислохотларни муваффақият билан амалга оширишнинг энг муҳим кафолатларидан бири ҳисобланади.

Дин ва диний бағрикенглик

Дин арабча сўз бўлиб, чуқур эътиқод, ишонч деган маънони англатади.

Дин – олам, табиат, жамият ва инсон моҳиятини илоҳий асосда тушунтиради. Дин илоҳийлик билан боғлиқ дунёқарашни, эътиқодни, туйғуни, анъана ва маросимларни ўзида мужассамлаштирган, тизимлашган ғоялар мажмуидир.

Дин ҳаётни ўзига хос тарзда акс эттирувчи ижтимоий онг шакли тарзида фаолият кўрсатади. Дин инсон онгини фикрлаш, таҳлил қилиш, атроф-муҳитни тушуна олиш даражасига қадар ривожлантириб боради. Ҳар қандай дин, шу жумладан, ислом дини ҳам

эзгуликни, бағрикенгликни яхшиликни, покликни, ҳалолликни, адолатни, тўғрилиқни ёқлаб, уларни тарғиб қилиши билан ҳам инсон қалби ва онгидан жой олади.

Дунё динларининг аксарияти инсон ҳаётида салбий рол ўйнайдиган барча омилларни жаҳолат манбаи деб баҳолайди ва инсон камолотига тўсқинлик қилувчи иллатларни қоралайди. Улар инсонни комилликка, эзгуликка, иймон-эътиқодга, ўзаро муносабатда содиқликка, меҳр-муруватга чорлайди. Ҳеч қайси бир дин, агар у бузиб кўрсатилмаса, моҳиятан ёмон, ёвуз ниятни тарғиб қилмайди. Уларнинг ичидаги мураккаблик, тушунмовчиликлар, тубан манфаатларнинг аралашishi ёмон, ғаразли ниятларни амалга оширишга интилишлар оқибатида юзага келаётганини бугунги кунда ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Бугунги кунда аксарият жамиятлар бир неча динлардан таркиб топган бўлиб, ушбу жамиятлар учун диний бағрикенглик ғояси муҳим рол ўйнайди. Диний бағрикенглик ғояси ўзга динларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишдир. Агар биз фақат ўз динимизнигина «энг олий ҳақиқат» деб билиб, бошқа динларни инкор этсак ва ўз динимизга киришга бошқаларни даъват этадиган бўлсак, бизнинг ушбу хатти-ҳаракатимиз жамият учун анча қимматга тушиши мумкин. Шу билан бирга, диний бағрикенглик ўз дини ва эътиқодидан воз кечиш керак, деган маънони ҳам англамайди. Аксинча, у бошқа динга мансуб инсонларнинг кадр-қимматини ҳурмат қилиш лозимлигини, бошқа дин вакиллари ҳам яшашга ҳақли эканликларини англатади.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб дунёвий давлат қуриш йўлини тутди. Бу республикамизнинг асосий қонунида мустаҳкамланган. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган социологик сўров жараёнида сўралганларнинг аксарияти динни ҳурмат қилиши, аммо дин ҳар бир инсоннинг шахсий иши эканлигига ишончлари комил эканлиги аниқланди. Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» асарида давлатнинг диний ташкилотлар билан муносабати аниқ белгилаб берилди. «Диндорларнинг диний ҳис-туйғулари ва ҳуқуқларини давлат қанчалик ҳурмат қилса, диндорлар ҳам қонунлар ва давлат сиёсатини шунчалик ҳурмат қилишлари лозим. Фақат мана шундай мувозанатгина ҳеч қандай ўзаро нифоқларга йўл қўймайди».

Бундай мувозанатга эришиш Ўзбекистонга диний ва миллий негиздаги нифоқларни четлаб ўтиш имконини берди. Бундан ташқари, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик мамлакат раҳбарияти амалга ошираётган сиёсатнинг ҳамда миллий парламент аъзолари қонунчилик ташаббусларининг ўзига хос рамзига айланди. Виждон эркинлиги, диний ташкилотлар тузиш ва уларга аъзо бўлиш, уларнинг қонун олдида тенглиги ҳамда диний ташкилотлар фаолиятига давлатнинг аралашмаслиги тўғрисидаги конституциявий принциплар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1998 йилда қабул қилган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» ги Қонун (янги таҳрири) да ўз аксини топди. Мазкур Қонун, динга муносабатидан қатъи назар, фуқароларнинг тенглигини мустаҳкамлайди ва диний ташкилотлар билан давлатнинг ўзаро муносабатларини белгилайди.

Диний фундаментализм

«Фундаментализм» тушунчасининг келиб чиқиши аслида христиан дини билан боғлиқ. Христианлар Инжилни ташвиқ этиш учун уни турли тилларга таржима қилганлар ва натижада мазкур китобнинг таржима матнлари орасида катта фарқлар пайдо бўлган. Шунингдек, христианларда Исо пайғамбар сафдошлари ва бошқа тарихий шахсларга сифиниш, уларни илоҳийлаштириш даражасигача етиб бориш оқибатида христиан динининг устивор ғояларини талқин этишда маълум маънода бузилишлар содир бўлган. Асл Инжил матни ўз давридаёқ йўқолиб кетгани боис, ҳаворийларнинг қарашлари, мактублари, ёзишмалари орқали Инжил тартибга келтирилган. Инжил ақидаларининг ўзгартирилиши кейинчалик баъзи радикал дин арбоблари томонидан танқид қилинган. Христианликда фундаментализм, яъни илк диний асосларга қайтиш ҳаракати анча олдин сезилган бўлса ҳам,

унинг расмий кўриниши 1908 йилда АҚШ нинг Калифорния штатида радикал протестантларнинг «Христиан динининг фундаментал тушунчалари конференцияси» (The Conference on Christian Fundamentals) уюшмасининг вужудга келиши билан боғлаш мумкин. Уларнинг асосий мақсади Инжилни соф ҳолига келтириш масаласи бўлган. Бунинг оқибатида ундаги устивор ғоялар талқинида бузилишларга йўл қўйилди. Шунинг учун дастлабки диний асосга қайтиш зарур, деган даъво фундаментализмни келтириб чиқарди.

Ислом дини фундаменталистларининг бугунги кунда илгари сураётган ва таянч ғоя сифатида эътиборни тортиши керак бўлган фикри халифаликка қайтиш, бунинг учун «жиход» қилиш, жиход йўлида «шаҳидлик», яъни ўзини қурбон бериш талабаларидан иборат. Улар барча мусулмон динига мансуб халқларни халифалик деб ном олган ва битта халифа бошқарадиган ягона диний давлатга бирлаштириб, амалдаги Конституция ва қонунлар ўрнига, ўрта асрларда ҳукм сурган ақида ва одатларга итоат қилдирмоқчи бўладилар. Минг афсуски, улар бу ғоянинг пуч эканлиги ва уни ХХІ асрда амалга ошириб бўлмаслигини тушунмайдилар ва жоҳилликлари туфайли тушунишни ҳам истамайдилар.

Диний экстремизм

Диний экстремизм («extreme» - охири, ниҳояси, сўнгги, кескин учи маъноларини билдиради). Жамият, миллат ва давлат ҳаётини фақат диний ақидалардан келиб чиқиб кескин ўзгартириш ва бошқариш зарурлигини илгари сурувчи ташкилотлар, оқимлар фаолиятдан иборат. Улар ҳар қандай дунёвий, демократик тамойилларни, миллий кадриятлар ва урф-одатларни тан олмасликка асосланган реакцион мафкурага таянадилар.

Диний экстремизм тарафдорлари қонуний сиёсий ҳокимиятни зўравонлик билан эгаллашга уринадилар ва бу йўлда ҳар қандай усуллардан фойдаланадилар. «Ваҳҳобийлик», «Ҳихбут-тахрир», «Мусулмон биродарлари», «Туркистон Ислом ҳаракати» каби диний экстремистик оқимлар ва ташкилотлар шулар жумласидандир.

Диний экстремистик гуруҳлар бугунги кунда ноқонуний равишда моддий бойликларга эга бўлиш мақсадида талон-тарож, хунрезлик, юридик ва жисмоний шахслар ҳаётига тажовуз қилиш билан шуғулланадилар.

Диний экстремизмнинг бугунги кунда вужудга келиши ва ўсишининг асосий объектив ва субъектив омиллари мавжуд. Булар диний ва миллий ўзликнинг кескин ўсиши, маълум қатламлар ва гуруҳларнинг куч билан сиёсий ҳокимиятнинг ағдариб давлат ва жамиятни исломийлаштиришга интилишига бориб тақалади. Диний экстремизмнинг энг даҳшатли ҳолати шундаки, у давлат, халқ чегарасини билмайди, ғараз ниятларга тўсиқ бўлмаганидек, булар ҳам ўрмалаб тарқаб боради.

Диний – сиёсий мафкура

Диний-сиёсий мафкуралар – жамият, миллат ва давлат ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётини диний кадриятлардан келиб чиқиб бошқариш зарурлигини илгари сурувчи мафкураларни билдиради.

Моҳият – мазмунига кўра диний-сиёсий мафкуралар икки хил турда бўлади. Биринчи турдагиси, ўз моҳиятига кўра ижобий аҳамият касб этиб, жамият, миллат ва давлатнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ривожланишини диний-ахлоқий кадриятлар асосида олиб бориш ғоясини илгари суради. (Масалан: «Христиан демократик», «Ислом тараққиёт йўли» кабилар).

Ижобий мазмундаги диний-сиёсий мафкуралар диний ақидалар билан дунёвийликни ўзаро боғлиқ холда тушунтирадилар. Унга кўра диний қоидалар дунёвий тараққиётни боришида муҳим роль ўйнаши лозимлигини уқтирадилар.

Иккинчи турдаги диний-сиёсий мафкуралар ўз моҳият-мазмунига кўра салбий характерга эга бўлади. Бундай мафкуралар жамият ҳаётидаги ҳар қандай дунёвий, демократик, миллий, умуминсоний тамойилларни, кадриятларни инкор этадилар. Жамият

хаётини фақат диний фундаменталистик ақидалар асосида бошқариш зарурлигини илгари сурадлар. Инсониятнинг прогрессив таракқиётига тўскинлик қилади. (Масалан, Ваҳхобийлик, хизбут-тахрир каби диний оқимлар).

Дунёвийлик

Дунёвийлик – даҳрийлик эмас. Қадим замонлардан инсон бу ёруғ дунёда ўзининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун олам нарса ва ходисалари тўғрисидаги дунёвий билимларни ўрганиб, улардан фойдаланиб келмоқда. Ҳеч бир диний-илоҳий таълимот, айниқса ислом дини буни инкор этмайди. Ислом таълимотида, унинг муқаддас китоби «Қуръони Карим» да ва ҳадисларда ҳар бир мўмин-мусулмон илмли бўлиши, дунёвий билимлардан хабардор бўлиши зарурлиги қайта-қайта таъкидлаб кўрсатилган. Инсон ва инсоният учун зарар келтирмайдиган, унинг ҳаётига хавф солмайдиган, дунёвий мазмунга эга бўлган ҳар қандай фойдали фикр ва қарашлар, амаллар, хатти-ҳаракатлар диний нуқтаи назардан ҳам эътироф этилади. Исломда эса улар кенг тарғиб қилинади.

Диний экстремистик мафкуралар

Жамият, миллат ва давлат ижтимоий ҳаётини фақат диний ақидалардан келиб чиқиб бошқариш зарурлигини илгари сурувчи мафкуралардир. Уларнинг тарафдорлари қонуний давлат сиёсий ҳокимиятини зўравонлик билан эгаллашга уринадилар ва бу йўлда ҳар қандай усуллардан фойдаланадилар. Ҳозирги вақтда бу мафкуралар жаҳон миқёсида кенг тарқалаётган халқаро терроризмнинг ғоявий асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Ваҳхобийлик, Ҳизбут-тахрир, Акримийлик каби диний-экстремистик мафкуралар шулар жумласидандир.

Жиход ва зўравонлик

Жиход урушлари, кўпинча, ғайридинларга қарши кураш ниқоби остида олиб борилса-да, аслида, у диний экстремистларнинг ҳокимият учун кураши, ғайриинсоний мақсадларга интилишидан бошқа нарса эмас. Шуни унутмаслик керакки, ҳозирги кунда жиход халқаро терроризмнинг даҳшатли кўринишларидан биридир. Жиход урушларига даъват этиш инсоният ҳаётига энг катта хавфдир. Кўпгина мутахассисларнинг фикрига кўра эса, ҳақиқий жиход – бу жаҳолатга, билимсизликка кураш демакдир.

Ақидапарастларнинг фикрига кўра, жиход ғайридинларга қарши муқаддас уруш маъносини англатади. Бу беъмани сафсатага берилган зотларнинг ҳаракати, яъни диний урушлар оқибатида миллион-миллион бегуноҳ кишиларнинг ёстиғи қуриган. Тарихда бунга мисоллар жуда кўп.

Исломда ҳар қандай тажовуз ман қилинади. Фақат мусулмон ҳаётига хавф туғулгандагина ўз ҳаётини, оиласи ва эътиқодини ҳимоя қилишга, яъни жиходга рухсат берилади. Диний мутаассиблар томонидан жиходга сиёсий тус бериш, унинг моҳиятини ўзгартириб талқин қилиш ислом динини сохталаштиришга ва жамият ҳаётида мудҳиш оқибатларга олиб келмоқда.

Инсон ҳаётига тажовуз қилиш, суиқасд қилишга асосланган жиходнинг бундай тушунчаси инсоният тарихида реакцион рол ўйнаб келган ва ҳозирга келиб, айрим қора кучлар ундан дин ниқогби остида тор сиёсий мақсадлардан фойдаланишга уринмоқдалар.

Ислом динида жиход деганда ҳар бир мўмин-мусулмоннинг ўз ички дунёсини хайрли ишлар билан бойитиши, руҳан покланиши тушунилади. Мусулмон кишининг эзгуликка интилиши, ёмон иллатлардан ўзини тийиши, инсонлар ҳаётига суиқасд қилмаслик, ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмаслик кўзда тутилади. Нафсни тийиш, қалбни эзгу мақсадлар билан пок сақлаш жиход саналади. Ҳасадгўйлик, ёлғончилик, иғво, хиёнат, зулм, адолатсизлик, ўғрилик, қотиллик каби жаҳолат турларидан сақланишлик чин маънодаги жиходни англатади.

Жадидчилик

Жадидчилик (арабча «жадид» - янги) янгиланиш, янги замонавий мактаб, матбаа, миллий тараққиёт усуллари, йўллари тарафдорларининг умумий номи. Жадидчилик XIX аср охирида ва XX асрнинг биринчи чорагида туркий-мусулмон ўлкаларида (Крим, Кавказ, Волгабуйи-Булгор ва жанубий Урол хавзаси, Туркистон) шаклланиб келаётган миллий буржуазия мухитида вужудга келган. У ўша даврдан Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракатининг мафкураси – Туркистон миллий мустақиллик мафкураси вазифасини бажарди.

Жадидчиликнинг минтақавий-худудий тарих шакллари: Крим, Кавказ, Волгабуйи-Булгор ва Жанубий Уролдаги жадидчиликка Гаспрали Исмоилбей, Жовуд Хусайнзода, Мусо Журуллох Козоний, Ризовуддин ибн Фахриддин рахномолик қилишган; Туркистонда – Мунаввар Қори, Бехбудий ва бошқалар етакчилик қилган.

Жадидчиликнинг асосий ғоя ва мақсадлари: Туркистонни ўрта асрчилик, феодал колоқлик, хурофотлардан озод қилиш, «Усули қадим» ни инкор этган ҳолда ўлкани, халқни, миллатни замонавий мутараққий йўлга олиб чиқиш, миллий давлат бунёд этиш, конституцион, парламент ва президент идора усулидаги озод ва фаровон жамият қуриш, туркий тилларга давлат тили мақомини бериш, миллий пул бирлиги ва миллий қўшин тузиш. Бу ғоя ва мақсадлар 1917-1920 йилларда (Туркистон мухторияти, Бухоро ва Хоразм халқ республикаси даврида, қисқа муддатда ва қисман бўлсада амалга оширилди).

Жадидчиликнинг Туркистондаги тадрижоти:

I. 1885-1895 йиллар: Г.Исмоилбейнинг «Таржумон» газетаси таъсирида Қўқонда янги-жадид усулидаги мактаблар очиш ҳаракатлари бошланиб, улар аста-секин рус-тузем мактаблари билан рақобатлаша бошлаган.

II. Кримдаги Гаспра шахридан Г.Исмоилбейнинг Бухоро ва Самарқандга ташрифи, Бухоро амири билан учрашиши натижасида 1895-йилда жадид мактабларини ташкил этиш даври – Бухорода Жўрабой, Самарқандда А.Шуқурий, С.Азизий, А.Мунзим, Мулла Килич, Тошкентда Мунаввар Суфизода ва бошқа сиймоларимиз очган жадид мактаблари ўз фаолиятини олиб борадилар.

III. 1905-1914 йиллар жадидчиликнинг мактаб-маорифдан кенгрок газетчилик, яъни рўзномалар ва жаридалар чоп этиш, матбаа ишларини йўлга қўйиш, илм-фан, адабиёт, маданият-маорифни миллийлаштириш босқичи.

IV. 1914-1917 йиллар жадидчиликнинг ўта ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этиши, жадидчилик сиёсий фирқаларининг тузилиш ва уларнинг 3 хил турли талаблар қўйиши;

- Россиядан тўла ажралиб чиқиш;
- Россия Федерацияси таркибида «миллий-худудий мухторият» тузиш;
- Россия унитаризми таркибида фақат маънавий-диний мухторият кафолати ҳуқуқларига эга бўлиш;

V. 1917-йил октябри – 1918-йил Қўқонда «Туркистон мухторияти» нинг тузилиши ва унинг қонга ботирилиб махв этилиши даври.

VI. 1918-1924 йиллар – Шўро тизими таркибида, маория-матбаа ишларида «Чиғатой гурунги» ни тузиш билан ажралиб туради.

VII. Туркистон парчаланиб (1924), жадидчиликнинг кейинги тараққиёти «миллий жумхуриятлар» доирасида борди. Жадидчилик асосан маданият-маориф, мактаб ва матбаа ишларида «Чиғатой гурунги» ғояларини зимдан амалга оширишга, миллий озодлик ҳаракатини жонлантиришга уринди.

VIII. 1931-йилдан то 1937-1938 йиллар орқали 50-йилларнинг биринчи ярмигача катагонга учраш даври.

Туркистон жадидчилигидаги асосий ғоявий-назарий йўналиш Бехбудий, Мунаввар Қори, Фитрат, Чўлпонлар томонидан илгари сурилган бўлиб, шўролар тузуми ғоя ва мафкурасини буткул инкор этиб, ягона ва бир бутун Туркистон халқи ва давлатини қуриш, замонавий тараққиёт йўлидан боришни таклиф этганлар. Ж.Таваккало, Хондайликий, Ажзий ва бошқалар 1917-йил феврал буржуа демократик инқилоби берган конституцион имкониятлардан фойдаланиб, миллий истиқлолга эришишини кўзлаганлар. А.Авлоний,

С.Айний, Хамза, Боту, Олтой, Элбек, А.Икромов, Ф. Хўжаев ва бошқалар миллий ва умуминсоний демократик кадриятларга муқобил шўро ғоя ва кадриятларига урғу беришган.

Туркистон жадидачилиги ва маърифатчилиги тўғрисида гап борганда уни анъанавий Шарқ маърифатчилигидан, шунингдек, ўша даврдаги ислом диний ислохотчилигидан фарқлаш зарур. Анъанавий Шарқ маърифатчилиги (Турди Дониш, Гулханий, Мукумий, Фурқат, Нодира, Завкий) жадидалик маърифатчилиги учун маънавий-руҳий замин бўлган. Ислолда бошланган Курсавий, Домла Икромчи ислохчилик уринишлари жадидалик ҳаракати учун ислом, шариат нуқтаи назаридан диний-қонуний жиҳатдан йўл очиб берган. Аммо жадидачилик ҳаракати, ундаги маърифатчилик майллари Ызнинг ҳаётга юз бурганлиги, умуммиллий ижтимоий-сиёсий вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилганлиги билан анъанавий Шарқ маърифатчилиги ва диний ислохчилик жараёнларидан тубдан фарқ қилади. Жадидачилик туркий халқлар, шу жумладан, ўзбек халқи тарихида янги саҳифани очиб бошлаган ижтимоий ҳаракат бўлган. Истибод тузуми унга қарши шафқатсиз кураш олиб борганлигининг сабаби шундаки, жадидачилик миллат уйғонишининг ва кўтарилишининг ижтимоий сатҳда намоён бўлиши эди. Жадидачиликнинг тор-мор қилиниши туркий миллатларнинг жаҳон миқёсида танилишини деярли бир асрга орқага сурилишига сабаб бўлди, уларни ҳукмрон мафкурага ва истибодга қарам этиб, коммунистларнинг миллатларни жадал суратлар билан кўшиб юбориш стратегик режаси ва назариясига бўйсундирмоқчи бўлди. Жадидачилик ҳаракати бир аср мобайнида коммунистик ғоянинг бошида тазйиқда, кейинчалик исқанжасида бўлиб, тўла равишда намоён бўла олмади. Унинг асослари ва шаклланиш тарзини ўрганиш таъқиқ остида бўлди. Бу масалалар ва муаммоларни ўрганиш – бизнинг жиддий вазифамиз. «Ривожланган социализм» (1960-1985) йилларидаги мисли қырилмаган мафкуравий, маънавий, сиёсий ва иқтисодий тазйиққа қарамай, ўзбек халқи ўзини, миллат сифатида ўзига хослигини сақлаб қола олди, зимдан жадидалик ўртага ташлаган ғояларни амалга ошириш вақти-соати келишини умид билан кутди ва бу вақт мустақиллик билан бирга ҳаётимизга кириб келди, чунки жадидаликнинг ғоялари ўлмас ғоялар эди.

Инсон ҳуқуқлари

Инсон ҳуқуқлари бу ҳар бир инсонга берилган ва у умри давомида фойдаланадиган ҳуқуқлар мажмуидир.

Илк бор инсон ҳуқуқлари тўғрисида XVIII асрда Маърифатпарварлик даврининг улуғ файласуфлари бонг урган эдилар. Инсон ҳуқуқлари ижтимоий ҳуқуқлар (шу жумладан, меҳнат ҳуқуқи, уй-жой ҳуқуқи, оила ҳуқуқи ва бошқ.) ва сиёсий ҳуқуқлар (шу жумладан, сўз ва матбуот эркинлиги, қийноқларга тортилмаслик ҳуқуқи ва бошқ.) дан таркиб топган.

Инсоннинг асосий ҳуқуқларини 2 га бўлиш мумкин:

1. Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар – тенг ҳуқуқчилик; камситишни таъқиқлаш; давлатни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи; бирор кишига шавқатсиз, ғайриинсоний муносабатда бўлиш ёки қийноқларга дучор қилишни таъқиқлаш; куллик, қул савдоси ва зўрлаб ишлатишни таъқиқлаш; озодлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи, фикр, виждон ва дин эркинлиги; тинч намоёнлиқлар, асоциациялар эркинлиги ва бошқ;

2. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар – меҳнат қилиш ҳуқуқи; адолатли ва қулай меҳнат шароитлари ҳуқуқи; қасаба уюшмаларини ташкил этиш ҳуқуқи; иш ташлаш ҳуқуқи; ижтимоий таъминот ҳуқуқи; оила, оналар ва болаларни асраш ва ёрдам кўрсатиш ҳуқуқи, етарли ҳаётий даража ҳуқуқи, таълим олиш ҳуқуқи, маданий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқи ва бошқ.

Инсон ҳуқуқлари БМТ ва унинг ихтисослашган ташкилотлари томонидан қабул қилинган ўнлаб халқаро меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топган. Мазкур ҳужжатларнинг дебочаси ва энг асосийси 1948 йилда БМТ томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари Бутунжаҳон декларацияси ҳисобланади. 1966 йилда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро пакт ҳамда Иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт Бутунжаҳон Декларацияни тўлдиришга хизмат қилади.

Ирқчилик

Ирқчилик муайян ирқ вакилларининг бошқа ирқ вакилларида кўра устун деб билишдир. Ирқчилик «ирқ» деганда ягона умумий келиб чиқишга эга бўлган кишиларни тушунадилар. Улар ирқларни жисмоний хусусиятларга кўра, чунончи, соч турлари ва терининг рангига қараб ажратадилар. Амалда эса ирқлар ўртасида ҳеч қандай тафовут мавжуд эмас. Ирқ ҳеч қандай биологик асосга эга эмас. Ирқчилик атамаси «салбий ирқ» аъзоларига нисбатан тажовузкорона ва таҳқирона муносабатни билдириш учун ҳам қўлланилади. Ҳар бир мамлакатнинг тарихи, маданияти ва бошқа ижтимоий хусусиятларига кўра ирқчилик ҳам турли хил кўринишларга эга бўлади.

Ирқчиликнинг янгича, замонавий кўринишларидан бири «этник ва маданий тафовут» деб номланади. Унга кўра барча ирқлар ва маданиятлар ўзаро тенг, бироқ улар ўз индивидуаллигини сақлаб қолиш мақсадида бир-биридан ҳеч нарса ўзлаштирмаслиги лозим.

Ирқчилик аксарият дунё динлари томонидан қаттиқ қораланади. Жумладан, Ислом дини ҳам кишиларни ирқий келиб чиқиши асосида бирини иккинчисидан устун қўймаслигига чақиради. Бунга ёрқин мисол тариқасида шуни айтиш мумкинки, Пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. фарзандликка қабул қилинган кишилардан бири қора танли эди.

Ислом – бағрикенглик дини

Маълумки, ислом дини азал-абад инсонпарварлик ғоясини изчил тарғиб қилиб келган, дунё халқларини ўзаро аҳиллик, ҳамкорликка чақириб, ҳар қандай низоларни тинч йўл билан ҳал қилишга ундаган. Аллоҳ таоло ана шу амрини бошқа динларга ҳам нозил қилган эдики, Қуръони Каримдаги: «... бани Исроил зиммасига шундай фармонни ёзиб қўйдик»: «Кимки бирон жонни ўлдирмаган ва ерда бузғунчилик қилиб юрмаган одамни ўлдирса, демак гўё барча одамларни ўлдирибди ва кимики унга ҳаёт ато этса, демак, гўё барча одамларга ҳаёт берибди» («Моида» сураси, 32-оят) ояти фикримизнинг ёрқин далилидир. Бинобарин, динидан қанъи назар, бегуноҳ инсонлар жонига қасд қилиш Аллоҳ олдида энг оғир жиноят саналади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқсак, жаҳоннинг турли бурчакларида юз бериб турган, қонли фожиаларга сабаб бўлаётган фитна-иғволар, зўравонликларнинг инсониятга қарши қаратилган ашаддий хуруждан бошқа нарса эмаслигига ишонч ҳосил қиламиз. Ислом динининг тинчликсевар, мўътадил таълимот эканлигини, у ҳеч қачон қон тўкиш, уруш оловини ёқишни ёқламаслигини бутун жаҳон аҳли яхши билади. Қуръони Каримдаги: «Аллоҳдан ўзгага сиғинадиган кимсаларнинг (бутларини) сўкмангиз!» («Анъом» сураси, 107-оят), «Эй мўминлар, сизлар аҳли китоб билан фақат энг чиройли йўсинда мужода-мунозара қилинган» («Анкабут» сураси, 46-оят) каби кўплаб табаррук оятлар мусулмонларни бошқа дин аҳлларига эҳтиром билан қарашга ўргатиб келган.

Мамлакатимизда 1999, 2004 ва 2005 йиллари мудҳиш жиноятлар содир қилган, Ирландия ва Чеченистонда, Беслан ва Доғистонда қирғинбаротлар уюштираётган, Нью-Йорк ва Вашингтонда минглаб бегуноҳ инсонларнинг қонини тўккан ваҳшийлар ақл-заковатдан, раҳму шавқатдан узоқ маҳлуклардир, холос. Зеро, ўзини инсон деб билган, қалбида зоти башарга озгина бўлса ҳам меҳри бўлган киши бундай номаъқулчиликларга қўл урмаслиги аниқ.

«Шубҳасиз, золим кимсалар нажод топмаслар», - деб хабар беради Аллоҳ таоло Қуръони Каримда («Анъом» сураси, 135-оят). «Кишиларга нисбатан қалбига Аллоҳ раҳму шафқат солмаган одам зиёнкорлик, ҳасрат ва надоматда қолувчи бандадир», - деб марҳамат қилгандилар Муҳаммад алайҳиссалом. Шундай экан, жаҳон халқларининг зўравонликка, қон тўкишларга қарши кураши ана шундай жазонинг амалдаги ифодасигина эмас, балки бу мудҳиш офатни таг-томири билан инсоният ҳаётидан юлиб ташлаб, жаҳонда осойишта ҳаёт, халқаро самимий муносабатларни барқарор қилиш мақсадидаги буюк ҳаракатдир. Ушбу фаолият зўравонлик, шафқатсизликнинг ҳар қандай кўринишини кескин қоралашгина эмас,

бундай разолатнинг ҳар бир ифодасига қарши жиддий кураш олиб бориш, тўғри йўлдан тойишга мойил ёшларнинг чинакам одамийлик, инсонпарварлик асосий йўлидан илдам боришлари, Ватанга, халққа садоқатли, жаҳон ҳамжамиятига эҳтиромли инсонлар бўлиб камол топишларига раҳнамолик қилишда намоён бўлади, албатта.

Динлараро бағрикенглик масаласида ҳам исломнинг ўта мўътадил эканлигини кузатишимиз мумкин. Масалан, Бақара сурасида бу тўғрида «Динда мажбурлаш йўқдир. Батаҳқиқ, рушду-ҳидоят адашувдан аён бўлди», дейилган (256 оят). Бу қоидада инсоннинг ўз ақли борлиги, Аллоҳ унга ҳидоят ва залолат йўлини аён қилиб қўйгани, биров мажбур қилмасдан ҳар ким ўзи хоҳлаган йўлни танлаб олиши зарурлиги баён қилинган.

Ислом динидаги оқим ва мазҳаблар

Бошқа жаҳон динларидаги каби ислом динида ҳам турли оқимлар ва мазҳаблар мавжуд. Ислом динида икки асосий йўналиш – суннийлик ва шиалик бўлиб, улар ҳам ўз навбатида бир неча оқим ва мазҳабларга бўлинганлар. Чунончи, суннийлик йўналиши «Аҳли сунна вал жамоа» деб аталади ва тўртта мазҳаблардан – ҳанафий, шофиъий, моликий, ҳанбалий мазҳабларидан иборат. Бугунги кунда дунёдаги тахминан 1,2 миллиард мусулмон аҳолининг 92 фоизини суннийлар ташкил этади.

Мазҳабларнинг бир-биридан фарқи нимада? Масалан, ҳанафия мазҳабининг қонунлари бошқаларга нисбатан мўътадиллиги ва қулайлиги, халқларнинг маҳаллий анъаналарини ҳисобга олганлиги сабабли дунёда кенг тарқалган. Моликия мазҳабининг тарафдорлари эса ҳуқуқ масалаларида Қуръони Карим ва ҳадисларни ақлга асосланган ҳолда талқин қилишга қарши чиқадилар.

Шофиъий мазҳабининг асосчиси – имом Шофиъийдир. У ўз асарларида ислом ҳуқуқини анъанавий нормалар билан боғлашга интиланган, фикҳ асосларига тўла таъриф берган.

Ҳанбалий мазҳабининг асосчиси Аҳмад ибн Ҳанбалдир. Бу мазҳаб тарафдорлари Қуръон ва ҳадисларни эркин талқин этиш йўлидаги ҳар қандай уринишларни қоралайди. Шунинг учун ҳам бу мазҳаб кенг тарқалмаган. XVIII асрда пайдо бўлган ваҳҳобийлар Саудия Арабистонида XX асрнинг 20-йилларида ҳокимияни қўлга олгач, ҳанбалий мазҳаби қонунларини амалга тадбиқ этдилар.

Шиа йўналиши исмоилий, ибодий, жаъфарий, зайдий мазҳабларини ўз ичига олади ва дунёдаги мусулмонларнинг 7,5 фоизи шу мазҳабларга эътиқод қилади. «Шиа» сўзининг луғавий маъноси «тарафкаш» демакдир. Бу йўналишга тегишли исмоилий мазҳаби таълимотига кўра камолотга эришган инсон ўзида «Оламий ақлни акс эттирган нотик бўлиб, Худо таълимотини инсонларга етказиб берувчидир».

Ибодийлар хаворижийлар оқимига мансуб кичик секта бўлиб, Шимолий Африка, Уммон, Занжиборда тарқалган. Улар диний эътиқод ва маросимларга хос айрим хусусиятлари билан суннийлик мазҳабларидан фарқ қиладилар. Масалан, ўлдириш принципига қарши чиқадилар.

Кубровия

Кубровия тариқатининг асосчиси Нажмиддин Кубро (1145-1221 й.) бўлиб, унинг қоидалари ўнта. Улар қуйидагилардан иборат.

1. Тавба. Ножоиз қилмишларидан тавба қилиб, ўзини ҳам зоҳиран, ҳам ботинан поклаб бориш.
2. Зухд ари – дунё. Дунёвий бойликлардан, мол-мулкдан воз кечмоғи даркор.
3. Таваккул ал – Аллоҳ. Аллоҳга чин дилдан ишониш ва яшаш давомида Яратганга таваккул қилиб, чин дилдан унга берилиш.
4. Қаноат. Сабр-тоқатли ва қаноатли бўлиш.
5. Узлат. Ёлғизликда ботинан ўзини чиниқтириб, покланиб бормоқ.

6. Мулозимат аз – зикр. Аллоҳ номини доимо ёд айлаб, унинг шаънига сидқидилдан зикр-самоъ қилиш.
7. Таважжуъ ал – Аллоҳ. Бутун қалби, бор вужуди билан Аллоҳга мурожаат қилиб юрмоғи лозим.
8. Сабр. Шаҳвоний, Ҳирсу ҳаволардан, нафс балосидан қутулмоғи лозим.
9. Муруқаба. Ўз қалбини пасткашликлардан, риё ва макру ҳийла-найранглардан халос қилмоғи шарт.
10. Ризо. Илоҳий қисматга зарра эътироз қилмаслик. Ҳеч нарсадан ғазаб, ҳаяжон, гина-қудрат ва хафа бўлмаслик.

Коммунистик мафкура

Коммунистик мафкура, сиёсий ғоя сифатида XIX асрнинг 2-ярмида Европада шаклланиб, 73 йил давомида (1917-1991) Шўролар давлатининг мафкураси сифатида амал қилди. Бу мафкура умуминсоний ва демократик тамойилларга зид бўлган, синфийликка ва йўқсиллар синфининг зўравонлигига асосланган тоталитар тузум ғоясини ўзида ифодалаган.

Коммунистик мафкура ўз навбатида даҳрийлик ғоясини илгари суриб, диний ғояларни бутунлай инкор этади. Диннинг жамият ҳаётидаги ролини салбий деб баҳолаб, унга қарши курашади.

Коммунистик мафкура миллий ғояни ҳам, миллий қадриятларни ҳам менсимайди. Умуминсоний қадриятларга зид бўлиб, синфий кураш ғоясини илгари суради. Жамият ҳаёти ижтимоий инқилоблар орқали ривожланиб боради, деган ақидага асосланган.

Коммунистик мафкура инсоният тарихий ривожланишининг муайян бир босқичидагина, муайян бир сиёсий гуруҳлар манфаатига хизмат қилди ва амал қилди. Эндиликда эса, унинг жамият, миллат тараққиётида қанчалар ҳалокатли роль ўйнаганлиги барчага аён бўлиб қолди. Тарих бунга гувоҳ.

Моддиюнчилик ва даҳрийлик ғоясига асосланган бу мафкура мутлоқ ҳақиқатни даъво қилиб, ундан фарқ қилувчи ҳар қандай мафкураларни рад этди. Кишилиқ жамиятининг тарихий тараққиёти ва тажрибаси бундай мафкуранинг инсоният учун маънавий-ахлоқий жиҳатдан яроқсиз эканлигини, унинг истиқболи йўқлигини исботлади. Бу мафкура инсониятнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондира олмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди.

Консерватив мафкура

Консерватив (лотинча «сақлаш» деган маънони англатади) мафкура – ҳар бир миллатнинг азалдан сақланиб келаётган анъана ва қадриятларига, урф-одатларига, қарашларга асосланган. Унда шахс манфаатларидан кўра кўпроқ умумжамоа, миллат ва жамият манфаатларига эътибор қаратилган. Бу мафкура ижтимоий тартиб қоидаларни, ахлоқий қадриятларни авайлаб асраш, оилавий урф-одатларни сақлаш ва уларни келажак авлодларга бус-бутун етказиш ғоясини илгари суради.

Либерал мафкура

Либерал лотинча «эркин» деган маънони англатади. Либерал мафкура умуминсоний қадриятларга асосланган бўлиб, жамият аъзоларининг табиий, ижтимоий келиб чиқиши ва мавқеидан, диний эътиқодидан қатъий назар барчанинг қонун олдида тенглиги, эркинлиги ғоясини илгари суради. Унга кўра, ҳуқуқий демократик давлат тузумидагина ҳар бир фуқаро манфаатларини ҳимоя қила олади. Ҳарб либерал мафкурасида жамият ва давлат манфаатларига зид бўлмаган шахс манфаатларини аввалгиларига нисбатан биринчи ўринга қўйилади.

Манқуртлик

Манқуртизм атамаси Марказий Осиё халқларининг манқурт тўғрисидаги ривоятдан олинган бўлиб, онгини, ўз хотирасини йўқотган ва қулга айлантирилган кишиларга нисбатан қўлланилади.

Мазкур ривоятда айтилишича, қадимда Марказий Осиёга бешафкат жүн-жюнь кабиласи бир неча бор бостириб кирганлар. Улар ҳар сафар бостириб кирганда бу ердаги моддий бойликларни талон-тарож қилишар ва эркак жинсига мансуб бўлган аҳолини асир қилиб ўзлари билан олиб кетишарди. Сўнгра асирларни Сариўзак даштларига олиб борар, уларнинг сочини тагидан қириб, тап-тақир бошга туя терисидан тикилган махсус қулоқчинни ёпиб кўяр ҳамда шу аҳволда оёқ қўллари боғланган асирларни жазирама куёш нурлари остида бир неча кун кимсасиз биёбонда ўз ҳолига ташлаб кўяр эдилар. Жюнларнинг ушбу усули тез орада ўзининг самарасини берар эди: асирларнинг ўсиб чиққан сочлари қулоқчиннинг мустаҳкам пўстдеворига тегар ва яна қайта бошга нинадек санчиларди. Дахшатли оғрик азобидан асирларнинг аксарияти ҳалок бўлишарди. Тирик қолганлари эса ўз онгидан бутунлай айрилиб, жонли «робот» га, яъни манқуртга айланишар ва жюнларга бир умр садоқат ила хизмат қилишар эди. Жюнлар уларни қуллардан ҳам афзал кўришган. Чунки қуллардан фарқли ўлароқ манқуртлар ҳеч нарсани, ҳатто ўз исмини ҳам эслай олишмас эди.

«Манқурт» тўғрисидаги ривоят улуғ қирғиз адиби Ч.Айтматовнинг «асрга татиғулик кун» асарида ҳам фожиавий акс эттирилган: манқуртга айлантирилган ўғлини кўриш учун унинг онаизори не-не азоб-уқубатлар билан узоқ масофадан излаб келади. Бироқ манқурт ўғил ўз волидаи муҳтарамасини танимайди ва хўжайинининг буйруғи билан уни найза санчиб ўлдиради.

Мафкуравий иммунитет

Иммунитет (лотин. озод бўлиш, қутилиш) деганда организмнинг доимий ички муайянликни сақлаши, ўзини турли хусусиятларга эга таъсирлардан, уни ташқи инфекциялар қириб келишидан ҳимоя қилишга қодир бўлган реакциялар мажмуи тушунилади.

Айни мафкуравий иммунитет жамият ҳаётининг энг нозик жиҳатларидан, фуқароларнинг ҳис-туйғуларидан, мақсад ва интилишларидан, маънавий-маърифий ва руҳий-ахлоқий даражасидан келиб чиқади. Агар мафкура инсонлик шаъни билан боғлиқ бўлган ҳиссиётдан келиб чиқсагина инсонни бошқаради, йўлга солади.

Мафкуравий иммунитет:

- Инсоннинг кўплаб хусусиятлари туғма бўлса, мафкуравий иммунитетни шакллантириб бориш керак.

- Мафкуравий иммунитет ҳар бир авлод учун ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

- Иммунитет тизимини шакллангандагина мафкуравий дахлсизликни таъминлаш мумкин (жисмоний иммунитетга эга бўлмаган чақалоқларнинг узоқ яшай олмаслигини эсланг).

- Мафкуравий иммунитет тизимининг асосий унсурлари:

- Бу, билимлар. Билимлар объектив бўлиши, воқеликни тўғри ва тўқис акс эттириши, инсон маънавиятининг бойиши ва жамият тараққиётига хизмат қилиши лозим.

- Билимлар ўз моҳият-эътиборига кўра, Ватан ва халқ манфаатлари, умуминсоний қадриятлар устиворлиги билан узвий боғлиқ бўлмоғи керак.

Мафкуравий иммунитет тизимини шакллантиришда мафкуравий профилактиканинг ўрни катта. Профилактика моҳиятига кўра, зарарли ва ёт ғояларнинг қириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқотишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига олади. Тиббиётда «касални даволашдан, уни олдини олиш муҳимроқ» деган иборани эшлаганинг ўзи кифоя.

Демак, мафкуравий профилактика хилма-хил шаклларда ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган ғоявий-тарбиявий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ишлар мажмуини, бир сўз билан айтганда, бу соҳада ташкил этилган таълим-тарбия тизимини камраб олади.

Ғоявий тарбия жараёнида кишиларда ёт ва зарарли ғояларга қарши курашиш учун мафкуравий иммунитетни шакллантиришга алоҳида эътибор берилади. Бу узоқ давом этадиган жараёндир. Мафкуравий иммунитетни шакллантириш кишилар онгига бир хил ғояни зўр бериб тикиштириш эмас, балки одамларда оқ-қорани ажратиш, зарарли ғояларга қарши хушёр ва огоҳ бўлиш хусусиятларини тарбиялаш демакдир. Ёшларга мафкуравий иммунитетни тарбиялашда ижтимоий фанлар муҳим роль ўйнайди. Мафкуравий иммунитетни шакллантириш – ғоявий-тарбиялаш иш самарадорлигининг муҳим мезони ҳисобланади.

Шундай экан, ҳар бир ўғил-қизни маънавий баркамол, иродасаи бақувват, иймони бутун, ҳалол-пок, бир сўз билан айтганда, кучли мафкуравий иммунитетга эга шахс сифатида тарбиялаш – Озод ва Обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдаги энг асосий шартлардан бири бўлиб қолаверади.

Менталитет

Менталитет (лотинча «ички туйғу, ақл-идрок») гуманитар йўналишдаги умумлаштирувчи, хусусан турли психик ва бошқа сифатлардан иборат алоҳидаликлар, ўзига хосликлар мажмуасини ва уларнинг ифодаланиш ҳолатларини англатувчи ижтимоий-сиёсий, публицистик ва метафорик тушунча. Асосан тафаккурдаги, ўйлаш ва фикр юритишдаги ўзига хосликни акс эттириш учун қўлланади. Илгарилари нисбатан кам ишлатилган менталитет кейинги пайтларда жамоавий тафаккур шаклини, асосан миллий характернинг жиҳатларини англатувчи деярли умумистеъмол сўзлардан бирига айланган. Биринчи марта 1691 йилда инглиз луғатларида пайдо бўлган менталитет сўзи XIX аср ўрталарига келиб бошқа Ғарбий Европа тилларида ҳам тарқала бошлади. Ўша асрнинг охирида илмий адабиётларда ҳам қўллана бошлайди: француз социология мактабининг асосчиси Эмил ДюрҒейм уни индивиддан юқори турувчи (жамоавий) маънавий ўзига хосликларни ифодаловчи синоним сифатида илмий амалиётга олиб қиради. Менталитет ўз табиатида кўра серқирра ва бир-бирига зид воқеъликлардан холи бўлмаган ўта мураккаб ижтимоий тушунча. Ушбу тушунчанинг мазмунида унинг бир томондан тафаккур, дунёқараш ва тасаввур, иккинчи томондан, хулқ ва ҳаракатдан иборат икки муҳим жиҳати кўзга ташланади.

Менталитет ва унинг моҳиятини билиш жамиятдаги мавжуд ёки пайдо бўлиши мумкин бўлган зиддият ва можароларнинг моҳияти ва сабабини англаб етиш, уларни бартараф қилишда ёш авлодни тарбиялашга тўғри стратегияни танлашда, шунингдек, халқнинг миллий ўзлигини англаш, шакллантириш ва мустаҳкамлаш каби аниқ мақсад ва вазифаларни амалга оширишда қўл келиши мамкин.

Меҳр-оқибат

Меҳр-оқибат – ҳамдарлик, инсонларга нисбатан мурувватли бўлиш, яхшилик қилишга доимо шай туришдир. Меҳр-оқибат ҳаётда у ёки бу сабаблар билан қийналганлар, ногирон, мусофир ва қарияларга ёрдам қўлини узатишдир.

Меҳр-оқибат барча дунё динлари томонидан улуғланади. Ислом дини мисолида оладиган бўлсак, ҳадислардан бирида бу ҳақда шундай дейилган: «Уч тоифа кишиларнинг дуоси ҳеч шубҳасиз Аллоҳ таоло қошида мақбулдир: мазлум кишиларнинг дуоси, мусофирнинг дуоси ва ота-онанинг дуоси». Инсон дунёга келибдики, ўзининг ташвишлари, орзу-истаклари оламига эга. Бироқ биз фақат ўзимиз билан ўралашиб қолмасдан бошқаларга ҳам эътиборлироқ бўлишимиз керак.

Кўли ва кўнгли очиклик, саховат, ҳайри-эҳсон, бошқалар дардига ҳамдард бўлиш каби фазилатлар бошқа бир қатор ҳадисларда ҳам улуғланганлигини кузатишимиз мумкин:

«Бир-бирларингизга ҳайр-эҳсон қилинглар, меҳр-оқибат кўрсатинглар, кўл бериб сўрашиб юринглар, шунда дилларингиздаги ғаму-ғашлик кетади».

«Бир-бирларингизга эҳсон қилинглар, чунки эҳсон муҳаббатни оширади ва дилдаги ғашликни йўқотади».

Христиан динининг муқаддас китоби Библияда меҳр-оқибат тўғрисидаги қуйидагилар таъкидланади: «Инсонлар ирқи, миллати, маданияти, урф-одати, келиб чиқиши, ёши, жинсидан қанъи назар ўзаро тенгдирлар. Яқинларингизни ўзингизни севгандек севинг, ўзингизга қандай муносабатда бўлсангиз, уларга ҳам шундай муносабатда бўлинг».

Қадимий динлардан бири Зардуштийлик эса қуйидаги фикрлар билан инсонларни меҳр-оқибатга даъват этади: «Бошқаларга яхшилик қилишга мажбурият сифатида эмас, балки бахт сифатида қаралиши лозим, чунки у соғликни яхшилайдди, кайфиятни оширади».

Конфуцийликда ҳам меҳр-оқибат ғоялари алоҳида ўрин эгаллайди. Унда бошқаларга мурувват кўрсатишга, юксак ахлоқий фазилатлар соҳиби бўлишга даъват қилинади ва меҳр-оқибатли бўлиш бахт-саодатга олиб борувчи омил эканлиги таъкидланади.

Улуғ адиб Т.Драйзер ҳазрати Исо алайҳиссаломнинг меҳр-оқибат тўғрисидаги насиҳатларидан илҳомланиб қуйидагиларни ёзиб қолдирган: «Инсон қисқа йўл (яъни умри) давомида фақат ўз манфаатини эмас, ўзгалар манфаатини ҳам ўйлаши керак. Чунки вақт – тез оқар дарё. Инсон бу йўлдан фақат бир мартагина ўтади. Шунинг учун мен ҳозирок савоб ишга кўл ураман. Ўзимга берилган имкониятдан унумли фойдаланишим керак. Зеро, мен бу йўлдан бошқа ҳеч қачон ўтмаслигимни биламан».

Меҳр-оқибатнинг нечоғлик улуғ фазилат эканлиги тўғрисида кўплаб улуғ алломалар ўз асарларида ёзиб қолдирганлар. Шундай алломалардан бири Абу Исмоил Абдуллоҳ Ансорий бўлиб, у ўзининг «Насиҳатнома» асарида қуйидагича ёзиб қолдирган:

«Ўзингдан лоф урма. Балони оқибати кибру ҳаво бил. Қўлингдан келмайдиган ишни қилма. Қилмагани қилдим дема. Нафс макрига учиб дилни девнинг ўйинчоғига айланторма. Бошқаларга асло ёмонлик қилма ва тилама. Ўзингга раво кўрмагани ўзгаларга ҳам раво кўрма. Ҳирс бандаси бўлма. Имконинг етгунча бировларнинг нонини ема. Бироқ нон-тузингни ҳеч кимдан дариг тутма. Худо бергани егилки, ҳаргиз камаймас. Аллоҳни Раззоқ бил. Дарвешдан чўчима. Кўп пул қарз берма. Душман гарчи ҳақирдур, уни хорлама. Охират учун зиёнли савдодан кеч. Шаҳват асири бўлма. Нафс фармони ила ориятни бой берма. Бегонани ҳамтовоқ қилма. Ўзингнинг озингни ўзгаларнинг кўпидан зиёд кўр. Беҳуда ғам чекма. Аҳдга доимо вафо қил. Қаерда бўлсанг, ўша ерда худони ҳозир бил. Вақтни ғанимат ҳисобла. Ваъданинг ростлигини саховат дегил. Илк жафосиданоқ дўст билан алоқани узма. Дўстни қаҳру-ғазаб пайтида сина. Ҳамма қору ҳолда дўстларга ҳалимлик кўргаз. Қўлингдан келгунча қадар махлуққа Эҳтиёжингни сездирма. Сукутни одат қил. Беҳуда вайсашни ҳамма офатларнинг аввали деб бил. Миннатдор бўл, аммо ҳеч кимдан миннатдорлик талаб қилма. Ҳожатбарорликни улуғ иш англа. Беозорликни Худога дўстликнинг омили деб бил. Дунё ва охират саодатини доноларда муҳаббатда бил. Нодондан қоч. Сўзлаганда ҳеч кимни хижолат қилма. Кулгу кўзгайдиган сўздан ҳазар қил. Ўзингнинг ва фақирнинг молу миқдорини ҳеч кимсага айтма. Бешарм, беҳаёллар билан ўтириб турмағилки, дунё ва охиратда мазолат ва укубат эрур».

Миллат

Тарихий жараён давомида шаклланиб келган «миллат» тушунчаси қадимги даврданоқ кенг ишлатиб келинган. Унинг халқаро миқёсда эътироф этилган шакли лотин тилидан келиб чиққан «ниция», ҳамда юнончадан «этнос» атамалари мавжуд. Қадимги Римда ушбу тушунча унчалик катта бўлмаган халқларни ифода этган. Шу билан бирга у Юнонистонда қариндош-уруғчилик, ташқи ўхшашлик, ҳамда ягона тил ва ҳудуд асосида бирлашган кишилар уюшмаси – қабиласи акс эттирган «этнос» атамаси ишлатилган. Кейинчалик миллат, яъни нация

атамаси халқларнинг силжиши ва янги ҳудудларни босиб олиш ҳамда уларнинг ассимиляциялашуви натижаси шаклланган бир неча этнослар мажмуини билдирган. Миллат атамасини турли ҳолатларда турлича маънода ишлатилиши кузатилади. Масалан, бу муайян этник уюшма ҳам, мамлакатда истиқомат қилувчи халқ ёки аҳоли ҳам, замонавий халқаро муносабатларда эса «давлатнинг» ўзини ҳам ифода этади. Бу эса кўп ҳолларда «миллат» ва «этнос» атамаларини маъноси бир синоним сўзлар сифатида ишлатилишига олиб келган. Лекин шунга қарамасдан бу иккита тушунча орасидаги фарқ ҳам йўқ эмас.

«Этнос» - бу муайян бир ҳудудда тарихий шаклланган, умумий яшаш тарзи, маданияти ва тили, шунингдек, бошқа халқлардан ажралиб турган умумий ўзлигини англайдиган кишиларнинг мустаҳкам уюшмасидир. Ушбу хусусиятлар уюшманинг муайян номи, яъни этнонимида ўз аксини топган. Этнос термини кўпинча сиёсий-ижтимоий эмас, балки этнографик, яъни тарихий, маданий-маиший маънода ишлатилади. Замонавий социологик қарашларда «этнос» - «маданият» сифатида ҳам кўрилади, этник муносабатларнинг хусусиятлари эса маданиятлараро ўхшашлик ва фарқлар билан характерланади.

Миллат тушунчаси «этносга» қараганда кенгроқ маънони билдиради. Таниқли олим Н.А.Назаров фикрича, миллат – бу этносларнинг этник сифатий тараққиёт маҳсулидир. Масалан, қадимги туркий тили этносининг этник тараққиёти натижасида ўзбек, қозоқ, турк, туркман, қирғиз, озарбайжон гуруҳлари вужудга келиб, этнотарихий тараққиёт натижасида миллат сифатида шаклландилар. Демак, миллат – бу ўзида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий яхлитликни акс эттирган, шунингдек муайян бир ҳудуд доирасида, умумий иқтисодий алоқалар, этник келиб чиқиш, маданият, тил психологик хусусиятлар, ҳамда этник ўзлик асосида тарихий шаклланиб келган кишилар йиғиндиси.

Ҳозирги жамиятлар ижтимоий тузилишининг муҳим бир хусусиятларидан бири, бу уларнинг кўп миллатлигидир. Замонавий дунёда бир неча минг миллат ва халқлар яшаб келмоқдалар. Ваҳоланки, дунёнинг сиёсий харитасида икки юзтага яқин давлатларни топиш мумкин. Демак, халқларнинг аксарияти кўп миллатли давлатларда истиқомат қиладилар. Бундай давлатларда етакчи (хукмрон) миллат – яъни миллий-давлат бирлашмасига ном берган халқ билан бир қаторда турли миллий диаспоралар вакиллари ҳам истиқомат қиладилар. Диаспора бу халқ ёки этник гуруҳни муайян бир қисмининг турли хил сабабларга кўра ўз тарихий ватанидан ташқари бўлган давлатда истиқомат қилишидир.

Бугунги кунда дунё ҳамжамиятининг аксарият қисми томонидан, миллатлараро муносабатларга инсонпарвар ёндашувининг устиворлиги тан олинмоқда. Бунинг моҳияти эса, биринчидан, барқарорлик ва тотувликка интилиши ҳамда миллий зўравонлик ва унинг ҳар қандай кўринишларидан воз кечишда, иккинчидан, демократик тамойилларни жамият ҳаётига янада ҳам кенгроқ тадбиқ этиш ҳуқуқларининг устиворлигида мужассамлашган. Ушбу йўлда ҳар қандай халқнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун, давлат миллатчилиқ, яъни муайян бир миллатни бошқа халқдан устиворлиги, муҳимлиги, алоҳида уюшганлиги ғоясига асосланган, унга нисбатан ёқтирмаслик, ишончсизлик, камситиш ва чеклаш ҳаракатларни амалга ошириш лозимлигини тасдиқловчи мафқура ва сиёсат, шунингдек шунга ўхшаш, жамиятда турли можароларни келтириб чиқарадиган ирқчилик ва шовинизм каби хавфли ҳодисаларнинг олдини олиши ва вужудга келтирмаслиги лозим. Бунинг учун, у ҳар томонлама илмий ва амалий асосланган, мамлакатда яшаётган турли халқларнинг манфаатларини ҳисобга олган, улар орасидаги муносабатларни тартибга соладиган ва бошқарадиган, шунингдек, миллатлараро тинчлик, тотувлик ва бирдамликни таъминлайдиган миллий сиёсатни амалиётда тадбиқ этиши лозим.

Миллат ва Ватан туйғуси

Миллат (араб тилида халқ маъносини англатади) кишиларнинг ягона тилда сўзлашиши, яхлит ҳудудида истиқомат қилиши, муштарак иқтисодий ҳаёт кечириши, умумий маданият ва руҳиятига эга бўлган, тарихан ташкил топган барқарор бирлигидир. Миллий ғурур ва ифтихор ҳар қайси миллатни миллат, ҳар қайси халқни халқ қиладиган тушунчадир.

Мутахассисларнинг ҳисобларича, Ер юзида уч мингга яқин миллат ва элатлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос ғурур ва ифтихорга эга.

Миллатни ташкил қилувчи омиллардан яна бири ҳудудий яхлитлигидир, бу эса «*Ватан*» (араб тилида она-юрт маъносини англатади) кишиларнинг яшаб турган, уларнинг авлод ва аждодлари туғилиб ўсган жойи, ҳудуди, ижтимоий муҳити, мамлакатидир.

Ватан кишининг тарихий, ижтимоий-руҳий, ташқи, ички муҳит ва туйғуларнинг таъсирида шаклланиб ривожланади. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Эй болам сенинг Ватанинг битта – барчамизга азиз, бетакрор мана шу Ўзбекистон. Ота-боболарингнинг хоки шу ерда ётибди. Шу муқаддас замин сени дунёга келтирган, сен уни обод этишинг, химоя қилишинг шарт. Нафақат сенинг ўз ҳаётинг, балки сенга умид кўзини тикиб турган ота-онанг, опа-сингилларинг, ёш гўдаклар, нуруний қарияларимизнинг ҳаёти ҳам ана шу бурчни нечоғлик адо этишингга боғлиқ» деган тушунчани уларнинг қалбига, онгу-шуурига сингдиришимиз даркор.

Миллатчилик

Миллатчилик ўз миллатини бошқа миллатлардан алоҳида ажратиб кўрсатиш, унинг «ўзига хослигини» улуғлаш ва мақташни англатади. Миллатчилик миллатпарварлик тушунчасидан фарқ қилади. Миллатчиликда ўз миллатини бошқа миллатларни камситиш эвазига улуғласа, миллатпарварлик бошқа миллатларни камситмаган ҳолда ўз миллати тўғрисида қайғуришни англатади.

Миллатчилик, асосан кўп миллатли жамиятларга хос ходиса ҳисобланади. Кўп миллатли жамиятларнинг барчасида миллатчилик у ёки бу даражада намоён бўлади.

Миллатчилик икки кўринишда намоён бўлади:

1. Озчилик миллат миллатчилиги. Бундай миллатчилик, одатда, озчилик миллат вакиллариининг ўзларини бошқа миллатлар, хусусан, ҳукмрон миллат томонидан камситилган деб ҳисоблаши натижасида келиб чиқади. Миллатчиликнинг бундай тури ҳукмрон миллатнинг адолатсиз сиёсатига реакция тарзида келиб чиқиши ҳам мумкин. Масалан, собиқ шўролар даврида «ягона совет халқини яратиш» шиори остида иттифоқдош республикаларда аксарият оз сонли халқларнинг миллий ғурури топталаган, уларнинг миллий ўзлиги оёқ ости қилинган ва урф-одатлари поймол этилган, натижада айрим миллат ва элатлар ҳатто йўқолиб кетиш арафасига келиб қолган эди. Бунинг оқибатида ўтган асрнинг 80-йиллари иккинчи ярмидан бошлаб, ушбу оз сонли миллатлар ҳақли равишда ўз ҳақ ҳуқуқларини талаб қилишган, бироқ бу жараён рус миллатига нисбатан миллатчилик кўринишлари билан бирга анча оғир кечган эди.

2. Ҳукмрон миллат миллатчилиги (ёки буюк миллатчилик шовинизми) ҳукмрон миллатнинг бошқаларидан камситилиши, улардан ўзини устун деб билиши натижасида келиб чиқади. Масалан, собиқ Югославияда серб миллати ўзини «хўжайин миллат» сифатида талқин этган эди. Ёки Франциядаги ўта миллатчи «Миллий фронт» партиясининг асосий шиори «Франция французларники!» бўлиб, бу буюк миллатчилик шовинизми ҳисобланади. Миллатчилик ирқий (этник) камситишнинг бир тури ҳисобланади. Миллатчилик ҳеч қачон эзгулик йўлида хизмат қилган эмас, балки аксинча кўп ҳолларда можаролар ва урушларни келтириб чиқарган. У тинчлик ва бағрикенгликнинг ашаддий кушандаси ҳисобланади.

Миллий манфаат ва хавфсизлик

Миллий манфаат – халқаро муносабатларда икки маънода ишлатилади: 1) ташқи сиёсатнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаб берувчи тадқиқот қуроли сифатида; 2) маълум бир сиёсатни оқлаш учун ишлатиладиган кенг маънодаги сиёсий тафаккур тўғрисидаги тушунча сифатида. Ҳар иккала маънода ҳам миллий манфаат давлат сиёсатининг ташқи

муҳит билан ўзаро муносабатга киришга чорловчи муҳим омил деб қаралади. У фақат суверен давлатга хос ва асосан ташқи сиёсатга тааллуқли: ички ранг-баранглик асосан давлат манфаати (жамият манфаати) деб ҳисобланади.

Миллий манфаатлар борасида биринчи бўлиб мунтазам ва чуқур илмий изланишлар олиб борган олим – Чарлз Берд фикрига кўра, бу атама сиёсий тилга XVI асрда Европада кириб келган. Ва давлат ҳамда миллатчиликнинг ривожланиши билан бир қаторда эскирок атама «raison d'Etat» нинг ўрнини эгаллай бошлади. У сулола ёки давлатга хос манфаатларни эмас, балки суверенитет ва давлатнинг қонунийлиги билан боғлиқ жамият манфаатларини ифодалаган. Шундан сўнг, у халқаро муносабатларда давлат кучи ишлатилишини асослаб берган бир бутунликни ифодалай бошлади.

Сиёсий тадқиқот қуроли сифатида миллий манфаат сиёсий реализм мактаби билан боғлиқ ва унинг кўзга кўринган тарафдори Ганс Моргентау ҳисобланади. Ушбу қараш унинг учун халқаро сиёсий жараёнларни тушунишда муҳим аҳамиятга эга бўлган Монгентаунинг «кучга эга бўлиш ва зарур бўлганда уни ишга солиш давлатнинг бирламчи миллий манфаатидир» деган тезиси 1950 ва 1960 йиллар олимлар авлодига ва умуман илмий изланишлар тараққиётига чуқур таъсир ўтказди. «Куч – давлат хулқ-атворида марказий ҳаракатланувчи восита» сифатида талқин қилинган миллий манфаат Моргентау учун бошқа омиллар (асосан тамойиллар ва маънавий кадриятлар сиёсатни ишлаб чиқиш жараёнида асосий ўринни эгаллаши мумкин деган тушунча) ни ҳисобламаган ҳолда объектив ва иқтисодий ўлчамга эга эди, яъни бу принциплар ёки маънавий кадриятлар сиёсатни белгилашда устивор рол ўйнаши ва бундай рол қонуний равишда куч ишлатишга тенгдир.

Моҳиятан миллий манфаат ғоясининг илдизида миллий хавфсизлик ётади. Бунда давлат ҳимояси ва ҳудудий яхлитликни сақлаш муҳим омиллардан ҳисобланади. Бошқа барча сиёсий афзалликлар шуларга бўйсунитиши англатади. Ҳаётий муҳим бўлган манфаатлар тушунчаси давлат барқарорлиги учун асосий аҳамият касб этувчи муҳим масалаларни билдиради. Ўта муҳим манфаатларни ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш учун хатто ҳарбий куч ишлатилиши ҳам мумкин. Шунга қарамай, ҳаётий аҳамиятга эга бўлган манфаатлар фақат миллий сақланиш масалалари билан боғлиқ бўлмаслиги мумкин. Масалан, Вьетнам уруши АҚШнинг ҳудудий миллий яхлитлигига ҳеч қандай таҳдид қилмаган ҳолда баъзи бир маъмуриятчилар томонидан ҳаётий муҳим манфаат деб топилган. Бошқа қарашлар эса, ундан юқори аҳамиятга эга – қулай дунё тартиби ва мувозанатини ўрнатиш, иқтисодий барқарорлик, ғоявий тамойиллар, қўллаб-қувватлаш каби тушунчаларни ўз ичига олади.

Мана шу барча оддий ва мураккаб тушунчалар бир вақтнинг ўзида қарор қабул қилишда бошқа барча омиллар орасида муҳим ўрин эгаллаши мумкин. Манфаат томонидан келтириб чиқариши мумкин бўлган турли даражадаги таранглик ҳолатининг моделлари ва матрицаларини ишлаб чиқишга қаратилган барча ҳаракатларда (хоҳ у сақланиш, хоҳ у ҳаётий муҳим, хоҳ умумий ёки иккинчи даражали хусусиятларга эга бўлсин) субъективизм устунлик қилади. Бир томон учун иккинчи даражали бўлган манфаат иккинчи томон учун ҳаёт-мамот масаласи бўлиши мумкин. Хулоса қилиб айтганда, ушбу концепция ташқи сиёсат тадқиқотида асосий фактор бўлиб, сиёсий тафаккурда ишлатилаверади. Лекин илмий изланиш қуроли сифатида унинг имкониятлари чекланган.

Мутаассиблик (фанатизм)

Фанатизм (лот) – диний эътиқодларга, хурофотга ёки бирор назарий қарашларга қаттиқ ёпишиб олиб, бошқа ҳар қандай қарашларни рад этиш, ўтакетган мутаассиблик, жоҳиллик демакдир. Бу йўлга кирган, ёндашган одам фанатлиги, ўтакетган қайсарлиги оқибатида билимсизликдан жаҳолат ботқоғига ботиб борувчидир. Бунинг субъектив манбалари, ижтимоий ҳаёт ислохотларининг тадрижий ривожланиш тадбирларини, консерватив кучлар томонидан инкор этилиши ва улардаги савиянинг турли даражада эканлигига бориб тақалади.

Христиан динининг вужудга келиши, кучайиши, мустаҳкамланиши, кичик гуруҳлар, мазҳаблар, секталар тарзидан келиб чикиб, кейин умумий дин таълимоти сифатида келиб чиққан ва кейинчалик турли мазҳаб, оқим ва йўналишларга бўлинган. Масалан, шиалар Куръони Карим қоидаларининг фарзларини тўла қабул қилиб, Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом суннатларини инкор этадилар. Суннийлар Муҳаммад пайғамбарга тааллуқли ҳадислар асосидаги суннатларни қабул қиладилар. Кўряпмизки, ислом динининг ичида бўлиниш мавжуд. Ақидапарастликнинг кенг тарқалган кўринишларидан бири бўлмиш ваҳҳобийлик ҳанбалий мазҳаби таркибида шаклланди.

Бугунги кунда шундай оқимлар фаолиятига баҳо бериб Президентимиз И.А.Каримов бу саволга қуйидаги фикр билан аниқ ва равшан жавоб берди: «Булар ўз мақсадларига эришиш учун одамларни, аввало, содда, билими ва ҳаёт тажрибаси паст кишиларнинг онги ва тафаккурини чалғитишга уринади. Уларни муқаддас динимизга, унинг асл қадрият ва бойликларига бўлган қизиқиш ва интилишларидан ғаразли ниятларда фойдаланади. Охирги тўрт-беш йил давомида тўпланган маълумотлар шуни кўрсатадики, бундай ғараз ва қабих ниятли кучлар ва марказлар жуда чуқур ўйланган, катта маблағ билан таъминланган, узокни кўзлайдиган дастур ва режаларга, энг замонавий восита имкониятларига эга. Улар ўзларининг таъсирига тушган кишиларнинг миясини заҳарлаш мақсадида, соғлом ақлга сиғмайдиган бузғунчи ақида ва ғояларни, шу жумладан, «ҳизбут-тахрир» ғояларини ишлатади».

Миллий ғоя

Миллий ғоя – миллат тафаккури маҳсули бўлиб, миллат равақи йўлида унинг орзу-умидларини, эзгу мақсадларини рўёбга чиқаришга қаратилган, унинг туб манфаатларини ўзида мужассамлаштирган илғор фикрлар мажмуи.

Миллий ғоя – миллатнинг энг юксак мақсадларини, орзу-интилишларини, эзгу-ниятларини ўзида мужассамлаштиради ва миллат равақида кучли таъсир кўрсатади. Миллий ғоя – муайян миллат вакиллари турли ижтимоий гуруҳлар, қатламларга, мансублигидан, жинсий жиҳатдан, ёш жиҳатидан қатъий назар ягона байроқ остида бирлаштиради ва тараққиёт учун сафарбар қилади.

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек: «Эркин фуқаро – онгли яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтириш бизнинг бош миллий ғоямиз бўлиши зарур». Миллий ғояни илгари суришдан мақсад: «Эркин фуқаролик жамиятининг маънавиятини шакллантириш, ... озод, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айнаи замонда ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатларини тарбиялашдан иборатдир».

Ислам Каримов

Миллий мафкура

«Миллий мафкура – бу халқнинг, миллатнинг ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган ўлмас эътиқодидир».

Ислам Каримов

Миллий мафкура – миллатнинг мавжудлиги ва тараққиётини таъминлашга йўналтирилган ғоявий қарашлар тизимини англатиб, миллатнинг ўзига хос хусусиятлари, урф-одатлари, қадриятлари ва характерини ўзида мужассамлаштиради.

Миллий мафкура миллий ғоя асосида таркиб топади. Миллий ғоя миллий мафкуранинг ядросини, «ўқ илдизи» ни ташкил қилади. Чунки жамият, миллатнинг яшаши, тараққиёт топиш учун муайян бир ғоя унинг аъзолари, ҳар бир вакили онгини ва қалбини эгаллаши ҳамда уларни шу ғоя атрофида бирлаштириши зарур.

Миллий мафкура ҳар бир миллатнинг тарихий ривожланишида шаклланиб, гоҳ денгиз тўлкинидек мавжланиб, миллий онгни, миллат равнақини юксалтиради, гоҳида, миллатнинг оғир синовлардан ўтишида маънавий суянч, қувват бўлиб хизмат қилади.

Миллий мафкура ўзида қуйидаги муҳим миллий хусусиятларни мужассамлаштирган:

- жамоа тимсоли бўлган оила, маҳалла, эл-юрт тушунчаларининг муқаддаслиги;
- ўзбек халқи ҳаётида қадим-қадимдан жамоа бўлиб яшаш руҳининг устунлиги;
- ота-она, маҳалла-кўй, умуман жамоатга юксак ҳурмат-эътибор;
- миллатнинг ўлмас руҳи бўлган она тилига муҳаббат;
- каттага ҳурмат – кичикка иззат;
- меҳр-муҳаббат, гўзаллик ва нафосат, ҳаёт давомийлигининг рамзи –аёл зотиға эҳтиром;
- сабр-бардошлик ва меҳнатсеварлик;
- ҳалоллик, меҳр-оқибат кабилар.

Миллий мафкура жамият турмуш тарзида муҳим ўрин тутди. Миллий мафкурагина халқни бирлаштира олиши, ҳурфикрлиликни таъминлаши, жамият равнақи учун фидойиларни тўплаши мумкин. Ҳозирда жамиятимизнинг юксак маънавий ўсишида, мустақиллик ғояларини кишиларимиз онгига сингдиришда миллий мафкуранинг роли каттадир. Ҳозирда миллий мафкура концепциясини яратишда мустақилликнинг истиқболли режаларини амалга ошириш зарурдир. Мафкура ижтимоий ҳодиса бўлганлиги учун ҳам, жамиятдаги ҳар қайси соҳани, ҳар қайси гуруҳларнинг ўз ғоялари мажмуи, мафкураси борлигидан далолат беради. Масалан, иқтисодиётда ривожланишнинг эркин бозор иқтисодиёти йўлини, кучли рақобатчилик муҳитини яратиш нарх-наво эркинлигини таъминлаш асосий тамойиллари ҳисобланади. Жамиятни демократик асосда қураётган эканмиз, халқимизни онгли, эркин фикрловчи, келажакка тарих нуктаи назаридан баҳо берувчи, жамиятни қай йўлдан бошқариш тўғрилигини илмий асослаб берувчи, миллатимиз, урф-одатлар, қадриятларимиз асосида миллий концепциямизга эгамиз.

Миллий мафкура қандай бўлиши керак? Албатта биз назарда тутаётган ғоялар мажмуи яқка ҳукмрон бўлиши керак эмас, яъни ягона давлат мафкураси сифатида талқин этилмаслиги зарур. Зеро, мафкуралашган партия ва давлат тепасида ҳукмрон гуруҳнинг тўпланганлиги оқибатлари ҳаммамизга аён. Демак, миллий мафкура жамиятга маънавий озуқа бераркан, жамиятнинг маданийлашуви ҳам айнан миллий мафкурага боғлиқдир.

Миллий истиқлол мафкураси

Миллий истиқлол мафкураси ҳам ўзининг сиёсий мазмунига эга. Чунки у, миллатнинг ўз тақдирини ўзи яратиш, ҳеч бир миллатга тобе бўлмай, мустақил равишда ўз келажagini ўзи қуриши лозимлигини ўзида ифодалайди.

Миллий истиқлол ғояси миллат истиқболини белгилайдиган аниқ дастурий асосга эга бўлиб, унинг орзу-умидлари, қарашлари, ғояларини ўзида ифодалайди ва илгари суради.

Миллий истиқлол мафкураси ўз моҳиятига кўра миллий мафкура тушунчасига нисбатан торроқ маънога эга. Миллий истиқлол мафкураси – миллий ривожланишнинг муайян босқичигагина хос бўлган ғоялар ва қарашлар тизимини ўзида ифодалайди. Бу мафкура миллатнинг ўз тақдирини ўзи яратиш ҳуқуқи, ҳар жиҳатдан ўзининг муайян давлат тузуми доирасида ривожланиш ҳуқуқига эга эканлигини англатади. Миллий истиқлол мафкураси миллий мафкуранинг, миллий мустақилликни мустаҳкамлашнинг дастлабки давридаги ўзига хосликларини яхлит тарзда ифодаловчи хусусий ҳолати, кўринишидир.

Миллий истиқлол мафкураси – миллий тикланиш ғоясининг назарий тизимлашган ифодасидир. Миллий истиқлол мафкураси миллий ғоя асосида амал қилади. Чунки жамиятнинг яшаши учун муайян бир ғоя жамият аъзолари онгини эгаллаши, қалбидан жой олиши ва уларни бирлаштириши зарур.

Мафкуравий полигон

«Полигон» сўзи юнонча бўлиб, «poly» майдон ва «gonia» бурчак маъносини англатади. Ҳозирда бу сўз «очик майдон» маъносида қўлланилади. Бугунги кунда бир қатор давлатлар, сиёсий, диний ва бошқа гуруҳлар, марказлар ўз мақсад ва манфаатларини амалга ошириш учун муайян мафкуранинг таъсир доирасини кенгайтириш, уни ўзга халқлар онгига сингдириш мақсадида турли усул ва воситалардан фойдаланиб, мафкуравий хуружга зўр бермоқдалар.

Демак, мафкуравий полигон, муайян ижтимоий ҳудудни англатиб, унда турлича мақсадларни кўзлаган мафкуралар ўз ҳукмронлигига эришиш учун ўзаро тўқнашган мафкуравий кураш майдонидир. «Эндиликда, - деб, фикр билдиради Президентимиз Ислон Каримов, - ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади. Бу аччиқ ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик лозим» («Фидокор» газетаси, 2000 йил 8 июнь сони).

Ҳақиқатдан ҳам XX аср турли мафкураларнинг ўзаро курашига бой аср бўлди. XXI аср бошига келиб эса, турли мафкуралар ўртасидаги зиддият, кураш янада кескинлашиб бормоқда. Турли мақсад ва манфаатларни ўзида ифодалаган мафкуралар муайян сиёсий, ижтимоий тузумни, тартибни ғоявий жиҳатдан асослашга қаратилгандир. Шунингдек, уларнинг ҳар қайсиси, ўзга мафкуралар устидан ҳукмронликка эришиш мақсадида одамлар онгини, қалбини эгаллашга уринмоқдалар.

XX асрнинг 70 йили давомида асосан икки қарама-қарши сиёсий мафкуралар: коммунистик ва Ғарб капиталистик тузум мафкуралари ўртасида аёвсиз кураш кетди. XX асрнинг 90-йиллари бошларида Шўролар империяси парчаланганидан сўнг, унинг мафкуравий асослари ҳам емирилди. Коммунистик мафкура ўз мавқеини бутанлай йўқотди. Аммо, бу билан мафкуравий кураш барҳам топгани йўқ. Аксинча, ҳозирга келиб, янада авж олмоқда.

Ҳозирда турли хил сиёсий, диний, сиёсийлашган диний, миллий мазмундаги мафкуралар ўртасидаги кураш қизигандан қизимоқда. Жаҳон сиёсий майдони ўз навбатида мафкуравий полигонга ҳам айланиб улгурди. Инсоният учун турли миллат ва халқлар учун мафкуравий хуруж ўта хавфли бўлиб бормоқда. Чунки унинг исканжасига тушуш дегани, ўз эркинлигидан маҳрум бўлиб, ўзгаларга тобе, қул бўлиш билан баробардир. Президентимиз ибораси билан айтганда, «бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга» («Тафаккур» журнали, 1998 йил 2-сон).

Мафкура

Мафкура – (арабча сўз бўлиб, нуқтаи назарлар, эътиқодлар тизими, мажмуи маъносини англатади) – жамият, унинг тузилиши, ривожланиши йўлларини ўзида ифодалаган, ижтимоий фаолият дастури ва мақсадига эга бўлган сиёсий-ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадиий, фалсафий, илмий қарашлар ва ғоялар тизимидир.

Мафкура ижтимоий борлиқнинг, яъни кенг маънода жамият ҳаётининг маънавий инъикосидир. Унинг шахс онгида акс этиши ва шахс томонидан англаниб, бир бутун тизим холига келтирилиши (масалан, миллий мафкура) билан жамият ҳаётида руҳий таянч бўлиб хизмат қилади. Чунки мафкура жамият ҳаётида инсон онги орқали унинг амалий хатти-ҳаракатига таъсир кўрсатади.

Мафкуралар мазмун-моҳиятига кўра прогрессив ёки реакцион турларига бўлинади. Прогрессив мафкуралар жамият тараққиётига туртки бўлади, маънавиятни юксалтиради, шахсни улуғвор ишларга сафарбар этади.

Прогрессив мафкура деб, умуминсоний қадриятларга асосланган, юксак маънавий асосга ва демократик тамойилларга эга бўлган, кишиларнинг эзгу мақсад ва манфаатларини ўзида мужассамлаштирган, жамият равнақига кучли таъсир кўрсатувчи мафкураларга айтилади.

Прогрессив мафкуралар ўзида бунёдкорлик ғояларини мужассамлаштирган бўлади. Инсониятнинг эзгу мақсадларини ўзида ифодалайди. Озодлик, эркинлик, тинчлик, ҳамжиҳатлик каби инсонпарвар ғояларга асосланади.

Реакцион мафкура вайронкор ғояларга асосланади (масалан: фашистик, коммунистик, шовинистик, анархистик, диний-экстремистик, диний-фундаменталистик, сиёсий-экстремистик кабилар).

Реакцион мафкуралар умуминсоний қадриятларга зид келувчи, инсон, муайян ижтимоий гуруҳ ва миллат ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилувчи, мустабидликка асосланган, тажовузкор, босқинчилик, экстремистик, ақидапарастлик, ахлоқсизликни тарғиб қилувчи хусусиятларга эга бўлади.

Ўз ҳарактерига кўра мафкура – сиёсий, миллий, диний каби турларга бўлинади.

Сиёсий мафкура – у ёки бу ижтимоий гуруҳ, миллат, жамият аъзоларининг ижтимоий-сиёсий манфаатларини ифодолавчи ва ҳимоя қилувчи, муайян сиёсий фаолият стратегиясига эга бўлган, тизимлашган ғоялар, қарашлар бирлигини англатади.

Миллий мафкура – «Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айна вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан» (*Ислом Каримов*)

Нақшбандия

(Хожагон) тасаввуф тариқати XIV асрда Марказий Осиёда пайдо бўлган. Бу тариқатнинг биринчи маънавий асосчиси Абдуҳолик Ғиждувоний (1220 йилда вафот этган) дир. Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389 й.) эса ушбу тариқатнинг яна бир асосчиларидандир.

Тасаввуфнинг Нақшбандия тариқати асрлар давомида ислом оламида кенг тарқалиб борди ва ўзининг гўзал ахлоқий асослари ва амалий жиҳатлари билан ўз ихлосмандларига эга бўлди.

Нақшбандия тариқатининг асосий ғояси: ҳилватда ўтириш эмас, балки ҳилватни дўстлар даврасида топиш, ҳақиқатни излаб нотаниш юртларда сарсон-саргардонликда юрмасдан, ўз ватани, юртининг шаҳар ва қишлоқларини зиёрат қилиш, халқдан ажралмай, у билан ҳамнафас бўлиш, ботинда, яъни дилида ҳамиша Ҳақ Таоло билан яшаш ғоясини илгари суради. Инсонпарварлик, ўз меҳнати билан кун кечириш улуғланиб, текинхўрлик, ижтимоий зулм ва истибдод қатъиян қораланади.

Нақшбандийлар савдо-сотик, деҳқончилик, хунармандчилик, адабиёт, мусиқа, илм-маърифат, наққошлик, қурувчилик каби барча фойдали ва хайрли ишлар билан шуғулланишга даъват этганлар. Шунинг учун ҳам Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Сўфи Оллоёр, Машраб, Махтумқули каби юзлаб тараққийпарвар, инсонпарвар мутафаккирлар нақшбандия йўлини танлаганлар. «Дил ба ёру даст ба кор» шиори ҳозирда ҳам машхур.

Терроризм ва унинг кўринишлари

Террор (лот. terror – қўрқитиш, даҳшат солиш маъносини англатади) – зўравонлик ва куч ишлатиш йўли билан ўз сиёсий мақсадларига эришишни кўзда тутати. Терроризм одамларнинг ҳаётига чанг солиш, суиқасд қилиш, уларни қўрқитиш, даҳшат солиш, тазйик ўтказиш демакдир.

Терроризм аслида кеча ёки бугун пайдо бўлиб қолган ижтимоий офат эмас. У инсоният тарихида азалдан бор бўлган, бугунги кунда ҳам содир бўлаётган, жаҳолатга, бузғунчи ғояларга асосланган сиёсий фаолият усули, воситаси сифатида намоён бўлмоқда. Инсониятнинг қайси бир тарихий ривожланиш босқичини олиб қарамайлик, барчасида жамият ҳаёти у ёки бу тарзда содир бўлган бир гуруҳ кишиларнинг бошқа бир гуруҳга нисбатан олиб борган зўравонлигини кўришимиз мумкин. Табиатда «террор», яъни

зўравонлик қонуният тарзида амал қилади. Нисбатан кучсиз, заиф бўлган жонзотлар, уларга нисбатан кучли бўлган йиртқичлар учун емиш бўлиб хизмат қилади.

Инсоният жамияти табиатдан ажралиб чиққандан буён сон-саноксиз террорларни бошидан кечирган.

Терроризмнинг асл моҳиятини сиёсат фалсафаси, сиёсатшунослик нуқтаи назаридан олиб қараш, уни чуқур илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш, жамият ҳаётида юзага келиш хусусиятларини тадқиқ этиш ва уни бартараф этиш усуллари, воситаларини ишлаб чиқишни талаб қилади. Зеро, терроризм бугунда инсоният равнақиға энг катта хавф солаётган таҳдид бўлиб қолмоқда. Халқаро миқёсда фаолият кўрсатаётган терроризмга қарши дунё прогрессив кучлари бирлашиб кураш олиб бормаса, бу офат Ер юзида инсоният бошига кўз кўриб, кулок эшитмаган кулфатларни келтириши мумкин. Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, бундай ижтимоий-сиёсий балодан ҳеч бир давлат, жумладан, Ўзбекистон ҳам четда эмас.

Ҳаётда энг кўп учрайдиган, аммо энг кам эътибор бериладиган террор тури – бу оилада содир қилинади. Халқаро статистик маълумотларга кўра йилига 10 миллиондан ортик оилаларда зўравонлик у ёки бу кўринишда содир қилинади.

Ҳозирда терроризм миллий айирмачилик, этник, диний экстремистик, сиёсий, иқтисодий терроризм, ахборот терроризми каби шаклларда намоён бўлмоқда.

Миллий айирмачилик, этник характердаги терроризм нисбатан оз сонли этник гуруҳларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳукмрон миллатга қарши кураш усули, воситаси сифатида қўлланилмоқда. Терроризмнинг бундай кўриниши дунёнинг жуда кўп минтақаларида, мамлакатларида авж олган, азалий давом этиб келаётган ижтимоий-сиёсий офатдир. Қадимдан бир ҳудудда яшаб келаётган турли этник гуруҳларнинг ўзаро муроса қилиб яшай олмаётганлиги ва геосиёсий, диний эътиқод жиҳатдан фарқи каби омиллар оқибатида юзага келаётган бундай террористик ҳуружлардан тинч аҳоли жабр кўрмоқда ва қурбон бўлмоқда.

Этник характердаги терроризм диний экстремистик мазмундаги бузғунчи ғоялар билан қоришиб кетган. Яқин Шарқ Исроил ва Фаластин давлатлари ўртасидаги, Ҳиндистонда, Покистонда, Туркияда, Россияда, Буюк Британияда, Болқонда, Африка ва Лотин Америкасининг бир қатор мамлакатларида содир қилинаётган террористик ҳуружлар шулар жумласидандир.

Халқаро терроризмнинг яна бир кўриниши диний экстремистик мазмундаги бузғунчи ғоялар асосида содир бўлмоқда. Айниқса, ислом дини байроғи остида уюшган ваҳҳобийлик, «ҳизбут-таҳрир», «ҳизбуллоҳ», «Мусулмон биродарлари», «Ислом озодлик партияси», «Ат-такфир вал-ҳижра», «Жунуд Аллоҳ», «Жиход», «Туркистон ислом ҳаракати» каби диний-экстремистик руҳдаги оқим ва террористик ташкилотлар дунёнинг кўплаб мамлакатларида кўпорувилик ҳуружларини амалга оширмоқдалар.

Таъсир кўрсатиш кўлами жиҳатидан терроризм ҳудудий, минтақавий ва халқаро терроризм кўринишларига эга. Айрим мамлакатлар ёки ҳудудда содир қилинадиган терроризм ҳудудий, бир неча мамлакатларни ўз ичига олган, Ер юзининг алоҳида минтақасида содир қилинадиган террористик фаолият минтақавий кўринишда бўлади. Ер юзининг кўплаб мамлакатларида, қитъалараро фаолият кўрсатувчи террористик ташкилотлар халқаро терроризмни ташкил қилади.

Ҳозирда халқаро терроризм турли халқаро террорчилик марказлари маблағи эвазига мавжуд конституцион тузумга қарши кўпорувилик, сиёсий арбоблар ҳаётига суиқасд ҳаракатларини олиб боровчи ташкилотларда уюшган ҳолда фаолият кўрсатмоқда.

Халқаро статистик маълумотларга кўра, ҳозирда дунё миқёсида 500 дан ортик террористик ташкилотлар мавжуд. Улар дунёнинг деярли барча мамлакатларида ўзларининг манфур киёфасини намоиш қилмоқда. Дунёнинг ҳеч бир мамлақати терроризм офатидан ўзларини тўла муҳофазаланган, деб ҳисоблай олмайди.

Ҳар қандай террористик фаолиятнинг моҳияти ўзгалар устидан ҳукмронликка ёки мавжуд сиёсий-мафкуравий, ижтимоий-иқтисодий тартиботга қарши зўравонлик, даҳшат солиш, жисмоний куч ишлатиш орқали ўзларининг ғаразли мақсадларига эришишдан иборат.

Шунинг учун ҳам терроризм бутун жаҳон афкор оммаси, прогрессив кучлар томонидан қораланмоқда. Халқаро терроризмнинг ҳар қандай кўринишининг қораланишига сабаб мутлақо беғуноҳ кишилар, айниқса, норасида гўдаклар, аёллар, оналар ва кексалар унинг қурбонига айланаётганлигидадир.

Етук маънавиятли, маърифатли шахс жаҳолатдан йироқ бўлади. Терроризмнинг ҳар қандай кўриниши эса айнан маърифатсизликка асосланган жаҳолатнинг аччиқ меваси сифатида юзага келади. Терроризм жаҳолатнинг бир кўриниши экан, жамият ҳаётида унга ёндош бўлган ҳақсизлик, адолатсизлик, инсон кадр-қимматининг топталиши, ҳуқуқларининг поймол қилиниши, ижтимоий зўравонлик каби жаҳолат турлари у билан эгизакдир. Бири иккинчисини юзага келтиради ва бири иккинчисидан озикланади. Демак, терроризмнинг олдини олишда таълим ва тарбия жараёни катта аҳамиятга эга.

Терроризмнинг амал қилиш тамойили аҳоли ўртасида вақти-вақти билан «кўрқинч инстинктини» юзага келтириш ва шу асосда ўзининг ғаразли мақсадларига эришишдир. Халқаро терроризмнинг ҳар қандай кўриниши шу тамойилга асосланади.

Тоталитаризм

Тоталитаризм (лотинча *totalitas* – яхлит, бутун, мутлоқ, ёппасига) ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини зўравонлик билан мутлоқ назорат остига олинишига асосланган давлат тизимидир. Тоталитаризм маълум бир доҳийнинг (фюрер, дуче ва шу каби) бевосита ва яқка раҳбарлиги остида давлат элитаси томонидан жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, мафкуравий, маънавий ва ҳатто кундалик ҳаётини зўравонлик билан бутунлай бўйсундирилиши билан ажралиб турадиган тизимдир. У авторитаризм, диктатура, тирания каби тушунчаларга яқин туради, бироқ ўз моҳиятига кўра улардан бир оз фарқ қилади.

Тоталитар давлат ва тоталитар тузум давлат ва ҳукумат органларининг чекланмаган ҳокимиятга эга бўлишлари, барча легал ташкилотларнинг давлат мақоми остига олиниши, демократик институтларнинг таъқиқланиши, конституцион ҳуқуқлар ва эркинликнинг чекланиши (баъзан эса илгари мавжуд бўлганларининг йўқ қилиниши), ижтимоий ҳаётнинг ҳарбийлаштирилиши, муҳолифатга (диссидентлар) га нисбатан репрессив муносабатда бўлиш, ҳурфикрлиликнинг бўғиб қўйилиши каби ўзининг бир қатор хусусиятлари билан ажралиб туради.

Тоталитар давлатлар ёки тузумларнинг тепасида одатда доҳий, «кучли шахс», ёки яширин ташкилот («янги типдаги» партия) туради. Тоталитаризмда бутун сиёсий ҳаёт доҳий кўрсатмаларини бажаришга бориб тақалади; ижтимоий ҳаётнинг мазмуни асосан салбий санкциялар ва репрессив усулларни қўллаш орқали ушбу ҳаётни ташкил қилган, ўзи хоҳлаган меъёрга келтирган ва назорат қилиб турган давлатга хизмат қилишдадир. Тоталитаризм суянадиган асосий куч ҳарбий-бюрокрatik қатлам бўлиб, у ўзининг ижтимоий беқарорлиги сиёсий ҳаётда узокни кўра олмаслиги жаҳон сиёсатидаги ижобий ўзгаришларни тан олмаслиги ёки тан олишни хоҳламаслиги бошқа ижтимоий қатламлар ҳаёт тарзига маълум бир ахлоқий тамойиллар ва мулкка нисбатан барқарорлик мавжудлиги туфайли уларга нисбатан нафрати билан ажралиб туради. Тоталитаризм жараёнининг шаклланиши ва мустақамланиши жамиятнинг аксарият жабҳаларини ҳарбийлаштириш орқали «ташкил қилишдан» иборат бўлади. Бу юқоридан уюштирилган ва жамиятнинг ҳарбий-бюрокрatik қисми томонидан фаол амалга ошириладиган тўғридан-тўғри террор орқали рўй беради, қуролли террор «ижтимоий тартиб» модели шаклида бутун жамият структурасида ўз аксини топади.

Тарихан тоталитаризм деспотия, тирания ва диктатуранинг турли шакллари сифатида қадимдаёқ намоён бўлган. Тоталитаризмнинг назариячилари (унинг ынги ва сўл радикал шаклида) Б.Муссолини, Р.Джентиле, А.Гитлер, Л.Д.Троцкийлар ҳисобланадилар. Тоталитаризм Германия ва Италияда расмий мафкура бўлган ҳолда Европа фашизмнинг

Ўзига хос шакли сифатида кенг тарқалган бўлса, Сталин ҳукмдорлиги остидаги СССРда бошқача кўринишдаги мафкурага асосланган эди. Машҳур ёзувчи Дж. Оруэллнинг «1984» номли антиутопик асарида Гитлер Германияси ва Сталин режимлари даврлари мисолида тоталитаризмнинг асл кийёфаси ёритиб берилган.

Тасаввуф

Ислом дини таълимоти асосида шарқона тафаккур ва амалий фаолият тараққиётининг кўп асрлик тажрибаларини ўзида мужассамлаштирган, инсонни комиллик (етуклик) даражасига элтувчи, унга таълим ва тарбия берувчи олий ислом дини мактаби мақомидир.

Тасаввуф – ислом оламида VIII асрнинг ўрталарида пайдо бўлган. Тасаввуфнинг асосий моҳияти инсон ва унинг Аллоҳга муносабатидир, яъни солиҳнинг Аллоҳ васлига етишидир. Тасаввуф таълимотида кўра Аллоҳ васлига етишишнинг 4 босқичи бўлиб, булар шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатдир. Чин сўфийликни ихтиёр этган, комилликка интилган ва Ҳаққа етишмоқчи бўлган киши ана шу босқичларни босиб ўтиши, бу йўлдаги машаққатларга дош бера олиши даркор. Шундагина у ҳақиқий сўфий даражасига етиша олади.

Ўрта асрларда мусулмон мамлакатларида тасаввуфнинг 30 дан ортиқ йўналишлари (тариқатлари) мавжуд бўлган. Улардан энг кўп тарқалганлари: Яссавия, Кубровия, Накшбандия (Хожагон) лардир.

Яссавия тариқатининг асосчилари Хожа Аҳмад Яссавий (1166 й вафот этган) ва Юсуф Ҳамадоний (1048-1140 й) лардир. Унга кўра нодонлик, жаҳолат, баднафслик, молу дунёга хирс қўйиш иллатлари ва уларни шакллантирадиган омиллар қораланади, улардан узоқлашишга даъват қилинади.

Ҳаққа етишиш учун кўнгилни кенг тутиши, дилозорликни гуноҳи азим, деб билиши чин мусулмон белгиси ҳисобланган. «Суннат эрмиш кофир бўлса берма озор, кўнгли қаттиқ дилозордан худо безор». (Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. – Т.: Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1994 й. 47-бет).

Умуминсоний ва миллий кадриятлар

Кадриятлар нарса ва воқеа-ҳодисалар, жамият моддий бойликларининг аҳамиятини ифодалаш учун қўлланиладиган фалсафий тушунча. «Кадрият» ибораси инсонга, жамиятга нисбатан берилиб таърифлангандагина муайян маънога эга бўлиши, аниқ мазмун касб этиши мумкин. Зеро, кадрият деганда инсониятга хизмат қилувчи, унинг эҳтиёжи ва манфаатларини қондирувчи жамийки моддий ҳамда маънавий неъматлар тушунилади.

Дунёнинг энг олий неъматини, бетакрор хилқати инсондир. Ана шу ҳақиқатдан келиб чиқиб, инсонларнинг ижтимоий турмуши учун зарур ва фойдали бўлган, уларнинг ривожланиши учун хизмат қиладиган, шароит яратадиган барча предмет ҳамда воқеликлар кадрият саналади. Ҳар бир кадрият инсонлар муносабати туфайлигина ўзининг муносиб баҳосига сазовор бўлади. Кадриятлар Ғарбда «Аксиология» фани орқали ўрганилади. Бу атама илмий билимлар соҳасига XX асрнинг 2-ярмида немис аксиологи Э.Гартман ва француз олими П.Лапи томонидан киритилган.

Кадриятларнинг хилма-хил шакллари бор: моддий ва маънавий, миллий, минтақавий, умумбашарий; жамият ҳаётининг соҳалари бўйича иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий; ижтимоий онг шаклларига мос келадиган ахлоқий, диний, ҳуқуқий, сиёсий ва бошқалар.

Миллат учун муҳим аҳамиятга эга бўлган этник жиҳат ва хусусиятлар билан боғлиқ кадриятлар миллий кадриятлардир. Дунёда ўзига хос кадриятлари бўлмаган миллат йўқ. Миллий кадрият миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, маънавияти ҳамда маданияти билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришиши туфайли миллий кадриятларга эътибор кучайди. Зеро, миллий кадриятлар мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлайдиган маънавий асослардан биридир. Халқимизнинг асрлардан асрларга мерос тарзда ўтиб келаётган миллий

кадриятлар узоқ тарихий жараёнда шаклланган. Улар она юртга эҳтиром, авлодлар хотирасига садоқат, ота-онага ҳурмат, ҳаё, ибодат, андиша каби хусусиятларнинг устиворлиги, бошқа халқларга ўхшамайдиган урф-одатлар, расм-русумлар, маросимлар ва анъаналар билан тавсифланади.

Умуминсоний кадриятлар – барча халқлар учун ижобий аҳамият касб этувчи, инсониятнинг умумий манфаатларига мос келувчи моддий ва маданий ғоялар, мезонлар мажмуасидир.

Умуминсоний кадриятлар инсоният тарихининг яхлитлигини ифодалайди, у даврлар ўтиши ва ижтимоий ҳаётнинг ўзгариши билан бир қаторда такомиллашиб, ривожланиб тобора кўпроқ халқларни, миллатларни, инсонларни яқинлаштирувчи, бирлаштирувчи ва камол топтирувчи кучга эга. Инсонпарварлик ва ижтимоий адолат, эркинлик ва озодлик, баркамоллик ва фаровонлик, эзгулик ва тараққиётга бўлган интилиш умуминсоний кадриятлардир. Умуминсоний ва миллий кадриятлар узвий боғлиқ ва ўзаро таъсирда бўлиб боради.

Фуқаролик жамияти

Фуқаролик жамияти ҳақидаги ғоя XX асрда барча ижтимоий институтларни назорат этиш ва уларнинг ишига тўсқинлик этишга уринмоқчи бўлган коммунистлар ва фашистлар диктатураларидан кейин алоҳида аҳамият касб эта бошлади. Фуқаролик жамияти ғоясини икки жиҳатдан кўриб чиқиш мумкин: салбий маънода гап барча ижтимоий ташкилотлари устидан назоратга йўл қўймаслик учун давлатнинг имкониятларини чеклаш тўғрисида бормоқда; ижобий маънода эса гап одамлар ўз муаммоларини жамоатчилик тарзида ҳал этиш, ўз фикрларини очиқ-ойдин билдириш ва давлатга нисбатан тазйиқ ўтказиш учун мустақил ташкилотларни тузиш бўйича бормоқда. Бундай ташкилотлар давлатнинг тажовуздан ҳимояланиш воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Фуқаролик жамиятининг асосий белгилари сифатида бозор муносабатлари; мустақил оммавий ахборот ва алоқа воситалари; давлат назоратидан мустақил равишда ҳукуматнинг барча соҳаларида иш олиб бориш имкониятларига эга бўлган мутахассислар; энг асосийси – одамлар ўз муаммосини ҳал этиш учун ҳаётнинг барча йўналишларида бир қатор кўнгилли уюшмаларни барпо этиши кабилар намоён бўлади.

Турли давлатларда ва бир қатор мамлакатларда демократия асосларини ҳимоя қилиш ва ривожлантириш мақсадида касба уюшмалари, хотин-қизлар ташкилотлари жамиятнинг ҳуқуқ ҳимоячилари ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш гуруҳлари диний кўмиталар ва бошқа оммавий ташкилотлар олдинга чиқиши мумкин. Сўз ва йиғинлар эркинлиги шароитида одамлар жамоатчилик асосида ўз манфаатларини ҳимоя этиш заруриятини тушунсалар, юқорида тилга олинган уюшмалар тез суръатлар билан ривожланади. Расмий сиёсат шаклланиши учун ҳукумат томонидан ушбу ташкилотлар муҳимлигининг эътирофи этилиши рағбатлантирувчи омил сифатида майдонга чиқиши мумкин.

Фашистик мафкура

Фашизм (италиянча «бирлашма» деган маънони англатади) зўравонликка асосланган бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини муайян миллат, ижтимоий гуруҳ манфаатларига зўрлик, куч ишлатиш орқали бўйсундиришга интилади. Унинг асосий ғояси миллий тенгсизлик, тоталитар давлат сиёсий бошқаруви ва тартибини жорий қилишдан иборат.

Фашизм дастлаб XX асрнинг 20-30 йилларида Италияда, Германияда тарқалди ва давлат мафкураси даражасига кўтарилди. Бунинг натижасида, ўзида бузғунчи, вайронкор ғояларни ифодалаган фашистик мафкура қисқа давр ичида немис халқи онгига сингдирилди, II жаҳон урушини келтириб чиқарди. Оқибатда ер юзида 65 миллиондан ортиқ киши қурбон бўлди, ўнлаб мамлакатлар, юзлаб шаҳар ва қишлоқлар вайрон қилинди.

Ҳозирда, бир қатор Европа ва Америка давлатларида неофашистик («нео», юнонча «янги») маъносини англатади) қарашлар, сиёсий-мафкуравий ҳаракатлар мавжуд.

Фашистик мафкура ирқий тенгсизлик, миллатчилик, урушқоқлик ва жангарилик ғояларига асосланган.

Фашистик мафкура тоталитар тузумнинг якка ҳукмрон мафкураси сифатида XX асрнинг 30-йилларидан 40-йиллар ўрталаригача Германия, Италия каби мамлакатларда амал қилди.

Халифалик сохта ғоя сифатида

Халифа арабча ўринбосар, ноиб маъноларини англатади. Халифалик – ислом динида шариат аҳкомлари асосида ҳокимиятни идора этиш усулидир. Халифаликда халқнинг дунёвий ва диний ҳаётига халифа бошчилик қилади. Одатда, халифалик (Араб халифалиги) тушунчаси VII асрда араб истилоси туфайли вужудга келган ва Ўрта Шарқда XIII асрдаги мўғуллар истилосига қадар, Испанияда эса XV асрга қадар мавжуд бўлган мусулмон давлатлари шундай деб аталган.

Халифалар Муҳаммад Пайғамбар (а.с.) нинг ўринбосарлари ҳисобланганлар. Муҳаммад (а.с.) дан сўнги тўрт халифа – Абу Бакр Сиддик, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон ва Али ибн Толиб – «хулофай рошидин» (тўғри йўлдан борган халифалар) номи билан машҳур бўлганлар. Уммавийлар, аббосийлар, фотимийлар сулоласидан бўлган ҳукмдорлар халифа номи билан аталган.

Ҳозирга келиб халифаликни қўмсаётган қора кучлар йўқ эмас. Масалан, «ҳизбут-таҳрир» оқими тарафдорлари бу борада жонларини жабборга бермоқдалар. Халқимиз халифаликни тиклаш ғоялари нечоғлик хавfli ва беъмани эканини англаши керак. Бундай сохта ғоя замирида ҳеч қандай асосга эга бўлмаган сафсаталар ҳақида гапирганда, аввало, бугун биз XXI асрда яшаётганимизни эсдан чиқармаслик керак. Ҳозирги ўта мураккаб, жадаллик билан ўзгариб, тараққий топаётган компьютер ва телекоммуникация даврининг минг йиллар олдин мавжуд бўлган шароит ва вазиятдан ер билан осмонча фарқи борлигини оддий одам ҳам тасаввур қила олади. Республикамиз Президенти И.Каримов 2-чақириқ Олий Мажлиснинг XIV сессиясида айтганидек: «Вақтни тўхтатиб бўладими? Ҳаётни тўхтатиб бўладими? Қандай қилиб минг йиллар олдинги шароитни XXI асрга олиб келиш мумкин? Буларнинг ҳаммаси ўта содда, керак бўлса, барча уйдирмаларга лаққа тушадиган одамларга қаратилган ва буни тушуниш қийин эмас. Минг афсуски, биз бу нарсаларга етарли эътибор бермаймиз».

Дарҳақиқат, қора кучлар сохта ғоялар билан ёшларни ўз таъсирига олишга, уларнинг онгини захарлашга интиладилар. Ақл-ҳушини йўқотган мана шундай одамларни тайёрлаб, кейин қўлига қурол беради. Уларни ўз Ватанига, ўзини вояга етказган эл-юртига қарши қўяди.

Халифаликни тиклаш каби сохта ва беъмани ғояларга қарши кураш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Цивилизация

Цивилизация – (лотинча *civilis* фуқаровий, ижтимоий) серқирра ва мураккаб мазмунга эга бўлган ижтимоий-фалсафий тушунча. Цивилизация тушунчаси вужудга келган антик даврларда ҳам, ундан кейин келган ўрта асрларда ҳам «*silvaticus*», яъни ёввойи, қўпол тушунчасига қарама-қарши қўйилиб, моҳият жиҳатидан цивилизациялашган ҳаёт тарзи ёввойи, варварча ҳаёт тарзидан кескин фарқланган. XVIII- асрдан бошлаб «цивилизация»

тушунчаси тарихчилар луғатидан мустаҳкам ўрин эгаллаб, кенг ишлатила бошланди. Цивилизациянинг турли назариялари яратилиши ҳам шу даврга тўғри келади ва бу жараён бугунги кунгача давом этиб келмоқда. Айни пайтда цивилизацияга мавжуд янги қарашлар олдингиларини инкор этмай, балки уларни тўлдириб, улар билан параллел ҳолда мавжуддир. Цивилизациялар назарияси ва унга тарихий-фалсафий ёндошув масалалари XX асрда М.Вебер, О.Шпенглер, А.Тойнби, Ф.Бродель, К.Ясперс, шунингдек, Н.Я.Данилевский, К.Н.Леонтьев, П.А.Сорокин асарларида кенг талқин этилиб, юқорида қайд этилганидек, ҳозирги кунда ҳам олимлар томонидан =ылланилмоқда.

Цивилизация ҳозирги вақтда тарихий, фалсафий ва илмий-оммапоб адабиётлардан энг кўп қўлланиладиган тушунчалардан бўлса, унинг мазмуни ва кўламини белгилашда ҳанузгача турфа хиллик мавжуд. Бу тушунча:

- 1) ижтимоий ривожланишнинг ёввойилик ва варварликдан кейин келадиган босқичини;
- 2) умуман кишилиқ жамияти ривожланишининг маълум бир босқичи (мас., неолит, нокапиталистик ёки ҳозирги замон цивилизацияси);
- 3) маълум бир ижтимоий-иқтисодий формация;
- 4) географик жиҳатдан фарқланувчи бирликлар (мас., Европа ёки Осиё цивилизацияси);
- 5) диний мансублигига кўра, фарқланувчи бирликлар (мас., христиан ёки ислом цивилизацияси);
- 6) келиб чиқиши ва планетар мансублигига кўра фарқланувчи бирликлар (мас., Ер цивилизацияси, Ердан ташқари цивилизациялар);
- 7) этник асосга кўра фарқланувчи ижтимоий-маданий бирликлар (мас., қад. Миср ёки Бобил цивилизацияси) каби маъноларни ифодалаш учун қўлланиб келмоқда.

Ҳар қандай илмий тушунча маълум мазмунни ифодалаб, муайян ижтимоий ходиса, жараённи тушунтиришга хизмат қилмоғи лозим. Мана шу нуқтаи назардан қаралса, цивилизация тушунчасини юқориларидаги маъноларда ишлатишда муайян бир ёқламалиқ борлигини кўриш мумкин.

Цивилизация назарияларининг икки типи мавжуд: а) цивилизациянинг босқичма-босқич ривожланиш назарияси б) локал (лотинча «маҳаллий», яъни маконда чекланган маъносида) цивилизация назариялари. Босқичма-босқич ривожланиш назарияси цивилизацияни инсониятни жадал тараққиётнинг умумий жараёни сифатида ўрганади. Бу тараққиёт жараёнида маълум босқичлар ажратилади. Мазкур жараён жуда қадимда, ибтидоий жамоа тузуми парчаланиб, инсониятнинг бир қисми цивилизация ҳолатига ўтган вақтдан бошланиб, бугунги кунга қадар давом этиб келмоқда. Ўтган вақт мобайнида инсониятнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатлари, моддий ва маънавий маданиятга оид катта ўзгаришлар содир бўлди. Маҳаллий цивилизация назариялари тарихий-маданий жараёнлар натижасида вужудга келиб, маълум ҳудудларни эгаллаган ҳамда ўз ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш хусусиятларига эга бўлган катта цивилизацияларни ўрганади. Бундай цивилизация маълум ҳудудларда пайдо бўлиб, ҳудудлар ўртасидаги турли муносабатлар туфайли ўзига хос айрим хусусиятларини кўшни ҳудудларга ҳам тарқатиши объектив тарихий-маданий ходиса ҳисобланади. Улар мамлакатлар чегаралари билан мос тушуши (масалан, Хитой цивилизацияси) ёки бир неча давлатларни қамраб олиши мумкин (Ғарбий Европа цивилизацияси).

Локал цивилизациялар географик муҳит, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий соҳалар, ҳуқуқ, фалсафа, адабиёт, санъат, инсонлар менталитети ва ҳ.к.лар каби турли «компонентлари» ўзаро алоқада бўлган мураккаб тизимдир. Ҳар бир компонент у ёки бу локал цивилизациянинг ўзига хослигини намоён қилади. Вақт ўтиши билан цивилизациялар ўзгариши, ташқи таъсирларга берилиши мумкин. Лекин унинг асоси, «мағзи» ўзгармасдан қолади ва бу унинг бошқа цивилизациялардан ўзига хослигини, фарқини белгилайди. Шундай бўлса-да, цивилизацияларнинг ўзига хослигини мутлоқлаштириш (абсолютлаштириш) ярамайди. Ҳар бир цивилизация ўз ривожиди жаҳон тарихий жараёни учун умумий бўлган

босқичларни фақат ўзи учун хос бўлган шаклларда босиб ўтади. Цивилизациянинг босқичма-босқич ривожланиш назарияси ва локал цивилизация назариялари тарихни турлича англашга имкон беради.

Цивилизациянинг босқичма-босқич ривожланиш назариясида биринчи ўринга инсоният ривожланиши учун умумий қонуниятлар, локал цивилизация назариясида эса тарихий жараённинг ўзига хос, хусусий жиҳатлари қўйилади. Шундай қилиб, бу икки назария ҳам ўзининг устунликларига эга бўлиб, бир-бирини тўлдиради. Лекин, афсуски, бу икки назарини ўзида мужассам этган, ягона «универсал» метод ҳануз ишлаб чиқилгани йўқ.

Экологик – сиёсий мафкура

Ер юзи аҳолиси – кишилар, халқлар, давлатларнинг атроф-муҳитини муҳофаза қилиш, асраб-авайлаш, экологик онг, маданият ва тафаккурни юксалтириш ғоясини илгари суради.

XXI аср бошига келиб Ер сайёрасида инсон фаолияти туфайли тирик табиат, ҳаёт учун экологик хавф-хатар кучайди. Инсониятнинг бундан буён яшаб қолишлиги учун табиатни асраб авайлаш мақсадида бир қанча халқаро экологик ташкилотлар ва ҳаракатлар фаолият кўрсатмоқда (ЭКОСАН, «Грин Писс» (яшиллар ҳаракати), «Ўсимлик ва жониворларни ҳимоя қилиш халқаро жамияти» ва бошқалар).

Шаҳидлик

Исломда дин йўлида ҳалок бўлган шахс «шаҳид» деб аталади. Пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссалом даврида ислом диний эътиқоди ва мусулмонлар жамоасини ҳимоя қилиш мақсадида олиб борилган курашларда ҳалок бўлган саҳобалар шаҳид мақомига эга бўлганлар.

Инсоният тарихида ислом дини байроғи остида олиб борилган босқинчилик урушларини жиҳод ва ғазоват деб муқаддаслаштирилишида шаҳидлик, диний тушунча сифатида салбий рол ўйнаган ва аянчли оқибатларга олиб келган.

Ҳозирги замонда дин ниқоби остида сиёсий ғоялар ва мақсадларни амалга оширишда яқка тартибда «шаҳид» бўлиш (ўзини-ўзи портлатиб юбориш, яъни «камикадзелик») шиори остидаги террористик ҳаракатлар тез-тез учраб туради.

Камикадзелар учун кўпроқ ночор, камситилган, хўрланган, саводсиз, содда, ғўр, ҳаётда ўз ўрнини топа олмаган, аламзада одамлар, асосан, ёшлар танланади. Уларнинг онгига, берилган топшириқ бажарилса «миллий қаҳрамон» га айланиши, шаҳидлар мақомига эришуви каби беъмани фикрлар сингдирилади. Дунёнинг қатор минтақаларида, чунончи, Чеченистон, Фаластин, Исроил, Доғистон, Ироқ ҳамда Европанинг айрим шаҳарларида автобуслар, метролар ва бозорларда қўпоровчилик ишларини амалга ошираётганлар ана шундай камикадзелардир. Уларни руҳий касал ёки манкурт (зомби) лар деса тўғри бўлади.

Исломда ўз жонига қасд қилиш (қандай мақсадларга бўлмасин) оғир гуноҳ ҳисобланади. Фуқаролар, айниқса, ёшлар бу ҳақиқатни яхши англаб олишлари даркор.

Шовинистик мафкура

Муайян шахс, миллат ва давлатни бошқалардан устун қўядиган, уни мутлақлаштирадиган мафкурадир.

Шовинизм – XIX аср бошларида Францияда император Наполеон шахсига сиғинишни бошлаб берган унинг офицери Н.Шовен номи билан боғлиқ.

Шовинизм – сиёсий мафкура шакли сифатида миллий адолат, бошқа миллатларга, давлатларга нисбатан нафрат, камситиш ғоясини илгари суради. Унинг «Улуғ миллатчилик шовинизми», «Улуғ ҳукмдорлик шовинизми», «Улуғ давлатчилик шовинизми» каби кўринишлари мавжуд.

Ўзбек менталитети

Табиат ва жамиятдаги барча ўзгаришлар, биринчи навбатда, инсон феъл-атвори, рухияти менталитетида ўз таъсирини қолдиради.

Менталитет ўзгаришлари эса давлат тизими, тузилмалари ва ҳатто жамият қиёфасини ҳам ўзгартириб юборишга қодир эканлиги аён бўлмоқда.

Маълумки, дунё ҳозирги кунда умумий ахлоқ, муайян мазмундаги маънавий қиёфа, глобал моҳиятга эга тамойиллар учун кураш фазасига кирди. Ривожланган мамлакатлар нафақат саноат маҳсулотлари, информацион ва мафкуравий таъсир кўрсатиш омиллари орқали кенг кўламдаги геополитик сиёсат юргизишмоқда, балки ўз халқи табиати, феъл-атвори, менталитет ўзига хосликларини мунтазам равишда дунё халқлари турмуш тарзига, ҳаётининг барча жабҳаларига изчил сингдиришга интилмоқда. Дунё халқлари учун умумий этикет, умумий феъл-атвор, умумий менталитет махсус ва изчил равишда таркиб топтирилмоқда. Сиёсий, иқтисодий ва информацион глобаллашув менталитетлар, рухий ўзига хосликлар, феъл-атворнинг стандартлашувига ҳам туртки бермоқда.

Гарчи дунё халқлари менталитетларининг стандартлашуви муайян ижобий жиҳатларни ифода этса ҳам ўз навбатида бир қатор салбий оқибатларга ҳам олиб келади. Хусусан, бу нарса халқнинг миллий ўзлигидан чекинишга, маданиятнинг ворийсийлик анъаналарига, миллий характер бир бутунлигига путур етказди.

XVI аср бошларидан эътиборан давом этган сиёсий-ижтимоий таназзул ва бир ярим асрлик мустамлака даврлари мобайнида ўзбек халқи ўзлигини асраш, миллий бирлигини маънавий ҳамда ахлоқий яхлитлигини сақлаб қолиш борасида мислсиз матонат кўрсата билди. Миллий бирликни муҳофаза этиш жараёнлари заифлашган давлат ҳомийлигида эмас, балки асосан аҳоли турли табақаларига мансуб оддий инсонлар, зиёлилар, ҳунармандлар, деҳқонлар, умуман олганда жамият кучи воситасида амалга оширилиб келинди. Бу куйидагиларда ўз ифодасини топдик:

- 1) ўзбек халқи таназзул ва мустамлака даврларидан ўзининг этник яхлитлигини сақлаган ҳолда чиқа билди;
- 2) халқимиз маънавиятининг ёрқин ифодаси бўлган урф-одатлар, анъаналар, расм-русумлар, маросим ва маъракалар тизими сақлаб қолинди;
- 3) ўтмиш маданиятимизнинг ўлмас обидалари, буюк мутафаккирларимиз қаламига мансуб бебаҳо асарларнинг қатта қисми ваҳшийларча талон-тарож қилинганлигига қарамай, турли тадбирларни қўллаш орқали асраб-авайланди ва авлодларга етказилди;
- 4) тил бирлиги ва тозаллигини узоқ йиллар давомида махсус ўтказилган таъсир ва тазйиқларга қарамай, сақлаб қолишга эришилди.

Айни пайтда таъкидлаш жоизки, шу давр мобайнида халқимиз йўқотган қадриятлар сақлаб қолишга эришган қадриятлардан бир неча ҳисса кўпроқдир. Айниқса, ўтган бир ярим асрлик мустамлака даври ва ундан олдинги 300 йиллик турғунлик ва тарқоқлик даври ўзбек халқи менталитетида жиддий асоратлар қолдирди. Халқимизга хос бўлган баҳамжиҳатлик, ҳамкорлик, жанговарлик, аҳдга вафодорлик; садоқат, ҳар ишда биринчи бўлишга кучли рағбат, сўз ва амал бирлиги сингари фазилатларимизга жиддий путур етказилди. Мамлакатимиз тарихидаги сўнгги 400 йил мобайнида халқни миллий бирлашишга даъват этиш борасида саъй-ҳаракатларнинг изчил олиб борилмаганлиги, фақат этник, сулолавий ва ҳудудий бирлашиш билан қаноат ҳосил қилиш оғир оқибатларни юзага келтирди. Халқимиз бошига тушган қирғинбарот урушлар, иқтисодий ва маънавий хўрланишлар, миллат табиатида бефарқлик, конформизм, мутелик, ҳар қандай зўравонликка кўниш хислатларининг юзага келишига сабаб бўлди. Бу эса халқнинг ташқи тазйиқларга тура олиш, хавфларга қарши курашчанлик, иммунитет кучини сусайтириб юборди. Натижада халқимиз табиатида:

1) турли ижтимоий, сиёсий ва ҳаётӣ ҳолатларда аҳолининг муайян қатламлари вакилларида сўз ва иш бирлигининг маълум даражада бузилиши;

2) одамлараро мулоқотлар тизимида шахснинг давлатга, жамият структураларига бўлган муносабатларида ишончсизлик ҳиссининг юзага келиши;

3) маънавий меросга ҳурмат, ворислик анъаналарининг сусайиши;

4) миллий бирликка интилишдан кўра гуруҳий, этник, маҳаллий ва ҳудудий айирмачиликка берилишнинг кучайиши;

5) халқ характерида янгиликка интилиш, яратиш, бунёдкор ғоялардан кўра тақдирга тан бериш, тангридан паноҳ излаш, қаноат, сабр-бардош, кўникиш, ҳамма нарсага рози бўлиб кетавериш, «ҳамма нарса барибирлик» майлининг устунлик қилиб, умумий ҳолат сифатида шаклланиши;

6) ҳаётга ижодий кўз билан, яъни ақл ва ҳушёрлик билан, англаб ёндашувдан кўра иррационал ёндашувнинг кучайиши;

7) одамларнинг маънавий паноҳ излаб мутаассибликка диний фанатизмга, ахлоқий агрессивлик ва максимализмга берилиш;

8) маърифий таназзулнинг чуқурлашуви, саводсизлик даражасининг ортиши кузатила бошланди.

Ўзбекистон мустақилликка эришуви ўтмишдан мерос бўлиб келган барча ҳолатларга янгича кўз билан қараш, ялпи тикланиш, умуммиллий маънавий ислоҳотларни бошлаш имкониятини беради.

Истиқлол ҳаммамизга мамлакатни соғломлаштириш, миллий бир бутунликни таъминлаш, маънавий яхлитликни юзага келтириш масаласини кун тартибига қўймоқда. Бугунги кун мантиқи халқимиз феъл-атвори, менталитети ўзгаришларига жиддий эътибор қаратишга ундайди.

Ўзбекистон маърифатпарварлари

Ўзбекистон маърифатпарварлари – жамиятда илм-маърифат, адолат, саводхонлик, билимни тараннум этиб, жаҳолат, саводсизлик, истибдод ва тенгсизликка қарши сўз кучи билан кураш олиб бориш тарафдорлари. Бу тушунча ҳукмрон феодал мафкурасига қарши XVII ва айниқса, XVIII асрларда Ғарбий Оврупада вужудга келган ва кенг тарқала бошлаган тафаккур, маърифат ва илм-фан тантанаси ҳақидаги ғояларни ифодалаш учун ишлатилган.

Маърифатпарварлик бозор муносабатлари ҳукмронлиги вужудга келиш даврига ҳос муайян ижтимоий қатламлар манфаатлари билан боғлиқ ғоявий маданий ҳаракатдир. Маърифатпарварлик феодализмга қарши қаратилган ғоявий ҳаракат сифатида, турли халқларда турлича ва ҳар хил тарихий даврда намоён бўлди. Марказий Осиё маърифатпарварлиги ҳам феодал тартибларга қарши, мамлакатни қолоқликдан чиқариш учун курашувчи илғор кучларнинг манфаатларини ифодаловчи ғоявий ҳаракат эди. Маърифатпарварлик ылқада юз бера бошлаган ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўзгаришларни ўзида акс эттирди, ривожланди ва маънавий мазмунини бойитиб борди. Ўлкамизда маърифатпарварликнинг илк намоёндалари – Аҳмад Дониш (1827-1897), Бердимурод Бердак (1827-1900), Сатторхон (1843-1902), Фурқат (1858-1909) Марказий Осиёни Россияга таққослаш натижасида ўлкани иқтисодий ва маданий соҳада орқада қолганлигини яққол кўриш имкониятига эга бўлдилар ва шу асосда феодал-хонлик тузумини, қолоқликни танқид қилдилар. Улар доно, маърифатпарвар подшоҳ илм ва маърифат тарқатишга кўмаклашиши орқали мамлакатни қолоқликдан олиб чиқиши мумкин деган фикрга амал қилдилар, Овропа маданияти, илм-фанини ўзлаштириш зарурлигини уқтирдилар.

XIX асрнинг 90-йиллари капиталистик муносабатларнинг жонланиши натижасида ўлқада ижтимоий зиддиятлар кескинлашди. Мехнаткашлар оммасининг зулмга қарши

норозилиги ошиб борди. «Доно ва маърифатпарвар ҳукмдор» ҳақидаги ғоя ўрнига монархия ҳокимиятини инкор қилиш ғояси кучая борди. Бу ғоялар Мукумий (1850-1903), Завкий (1853-1921), Анбар Отин (1870-1914), Хамза Ҳакимзода (1889-1929) асарларида аниқ сезилади. Улар ҳам хонлик тартибларини танқид қилдилар, ижтимоий тараққиёт илм-фанга, жамият аъзоларининг билимга эга бўлишига боғлиқ деб билдилар. Аммо, уларнинг ижтимоий тизимга, социал адолатга бўлган қарашлари ўз кескинлиги билан ажралиб туради.

Марказий Осиё маърифатпарварлигининг юқори босқичини жадиличлик ҳаракати ташкил қилади. Унинг намоеਂдалари мамлакатни феодал қолоқликдан чиқариш, миллий мустақилликка эришиш учун курашда жонбозлик кўрсатдилар. Жадиждлар ҳаракатида миллий зиёлиларнинг деярли барча илғор вакиллари қатнашганлар. Булар орасида жадиличликнинг назарий асосчилари Махмудхўжа Бехбудий (1879-1919), Мунаввара Қори Абдурашидхонов (1887-1929) алоҳида ўрин эгалладилар.

Ўзбекистон маърифатпарварлари масаласи ижтимоий фанларда етарли ёритилган деб бўлмайди. Чунки, бу борадаги асосий тадқиқотлар истибдод йилларида бажарилган. Маълумки, у даврда ҳукмрон мафкура маърифатпарварларнинг тарихий аҳамиятини эътироф этган ҳолда, уларнинг фикрларини «ижтимоий, сиёсий ва илмий тафаккурнинг энг олий намоеਂ бўлиши» деб аталган марксизм-ленинизм назарияси нуқтаи назаридан хали анчагина камолотга етмаган қарашлар мажмуи деб талкин қилар ва шу йўл билан уларни маълум даражада камситар эди.

Бу камчиликларни бартараф этиб, маърифатпарварлигимиз фаолиятининг ҳақиқий тарихий аҳамиятини тўла кўрсатиш-навбатдаги вазифаларимиздандир.

Қизил империя

Қизил империя – 1917-1991 йилларда мавжуд бўлган собиқ шўро давлатига нисбатан ишлатиладиган атама. «Империя» сўзи лотинча бўлиб, мутлоқ ҳокимиятга эга ҳокимни, маҳкумлар, мазлумлар устидан чекланмаган ҳуқуққа эга, жабр зулм ва эзишга асосланган идора этиш ва бошқариш усулини, мустамлакаларга эгалик қилувчи ва қарам халқларни асоратга солиб шавқатсиз эксплуатация қилувчи йирик тажовузкор давлатни билдиради.

Қарамлик

Қарамлик – мамлакат ва ҳудудларни босиб олиш ёки бошқа хил йўллар билан уларнинг устидан бошқа давлат ва гуруҳларнинг ҳукмронлиги ўрнатилиши оқибатида давлат ҳокимиятининг олийлик ва суверенлик белгиларидан маҳрум бўлиши. Қарам давлатлар метрополия давлатларига сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан қарамлик занжирлари билан боғланган бўладилар.

Қарамликнинг ҳуқуқий шакллари икки асосий гуруҳдан иборат:

- 1) халқаро-ҳуқуқий боғлиқлик – протекторат (хомийлик), васийлик, кондемиум ва мандатли ҳудуд;
- 2) давлат ҳуқуқий алоқалари.

Биринчи ҳолда қарам давлатлар юридик жиҳатдан метрополиянинг таркибий қисми деб қаралмайди ва улар ўз давлатчилигига эга бўлиши ҳам мумкин.

Қарамликлар бир кўриниши бўлган “протекторат”, яъни хомийлик, имзоловчи томонлар учун тенг бўлмаган шартнома асосида ўрнатилади. Унга кўра, хомий давлат, ўз

қарамоғига олган давлатнинг ташқи сиёсатини белгилаб беради. Қарам давлат, бундай ҳолларда, фақат ташқи муносабатларда қарам бўлиб қолмасдан, шу билан бирга, одатда ўз хомийсидан давлатнинг ички ишлари юзасидан маслаҳатчини ёки агентни ҳам қабул қилади. Шу тариқа, ҳар қандай мустақилликдан маҳрум бўлади. Масалан, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги билан чор Россияси ўртасида 1873-йилдан тузилган “дўстлик шартномаси”га кўра, бу давлатлар устидан чор ҳукуматининг “хомийлиги” ўрнатилади. “Дўстлик шартномаси”га кўра, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигини ўз давлат бошқарув тизимини ўзгартиришсиз сақлаб қолдилар. Шартномага биноан, Бухоро амирлиги Россия ҳукумати тайинлаган сиёсий агентини қабул қилди. Хива хонининг фаолияти устидан назорат қилиб бориш, шу мақсадда Россия томонидан махсус ташкил қилинган Амударё бўлимнинг бошлиғига топширилди.

Иккинчи шаклдаги қарамликда эса тобе ҳудудлар, у ёки бу даражада метрополиянинг таркибий қисми, деб ҳисобланади ва бевосита метрополия ҳукумати тайинлайдиган амалдорлар томонидан бошқарилади. Қарам давлатларда ташкил этиладиган сайланадиган органлар қарам ҳудудни бошқаришда фақат маслаҳат овозига эга бўлади. Кўпчилик ҳолларда мустамлакалар ҳеч қандай сайланадиган органларга эга бўлмай, улар марказий ҳукумат кўрсатмаси орқали метрополия амалдорлари томонидан яққа ҳолда бошқарилади. Масалан, чор Россияси томонидан 1865-1866 ва ундан кейинги йилларда босиб олинган Туркистон ерлари бевосита Россия давлатининг таркибий қисми деб ҳисобланди. Ўлкани бошқариш Россия императори томонидан лавозимга тайинланадиган ва озод қилинадиган генерал-губернаторга тегишли эди. Генерал-губернатор ўлкани яққабошчилик асосида бошқарган.

XX аср бошларида ҳам қарамлик муносабатлари асосан босиб олиш ва зўравонлик асосида вужудга келган бўлса, ҳозирги даврда бу муносабатларнинг вужудга келиши “маданийлашган” кўринишга эга бўлди. Ривожланган мамлакатларнинг тараққиётдан орқада қолган мамлакатларга бераётган иқтисодий “ёрдами” оқибатида, иқтисодий қарамлик аста-секинлик билан тўлиқ қарамликка айлана боради, деган хавф бор. Бундай қарамликка тушуб қолмаслининг йўли – тезроқ бозор иқтисоди муносабатларини ривожлантириб, рақобатбардош маҳсулот билан жаҳон бозорига чиқишдир. Шу йўлдан бораётган Сингапур, Индонезия, Таивань, Жанубий Корея ва бошқа қатор мамлакатлар ривожланган давлатлар даражасида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб, “Шарқ аждаҳолари” номини олдилар.

Шўролар даврида Ўзбекистон ўз Конституциясида мустақил, суверен давлат эълон қилинган бўлса-да, аслида, қарам ҳудуд эди, ҳар бир иқтисодий, сиёсий, маданий-мафкуравий масала марказ томонидан ҳал этилар ёки марказнинг розилиги билан амалга оширилиши мумкин эди. Марказга қарамлик руҳи, фикр юритиш услуби ва турмуш тарзи кишиларимизнинг онгига чоракам бир аср давомида шўроларнинг изчил тарғиботи ва ташвиқоти натижасида жуда чуқур сингиб кетди. Кишиларимиз онгида ҳатти-ҳаракатларидаги қарамлик руҳиятини бартараф этиш жамиятимиз тараққиётининг жиддий вазибаларидан биридир.

Қадриятлар

Қадриятлар – борлиқ ва жамият, нарсалар, воқеалар, ходисалар, инсон ҳаёти, моддий ва маънавий бойликларнинг аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган тушунча. Қадриятлар билан боғлиқ масалалар ҳаётнинг энг асосий мавзулари бўлиб ҳисобланади. Қадриятларни Ғарбда аксиология фани ўрганади. У кенг тарқалган фалсафий фанлардан биридир. Ҳозирги даврда қадриятлар тўғрисида мамлакатимизда фалсафа, маданиятшунослик, сиёсатшунослик, психология фанларида турли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Собиқ Иттифокда қадрият мавзуси 60-йилларгача тадқиқ этилмас эди. Ҳозирги Ўзбекистонда бу масалага диққат-эътибор кенгайди. Негаки, қадриятлар мустақилликни мустаҳкамлайдиган маънавий омилдир.

Ғоя

Ғоя – инсон тафаккури маҳсули бўлиб, муайян мақсадни амалга ошириш учун нарса ва ходисалар тўғрисида илгари сурилган изчил фикрлаш шакли.

Муайян бир ғоя дастлаб бирон-бир шахсинг онгида пайдо бўлади. Агар у юксак ижтимоий мазмунга, бой маънавий асосга, ахлоқий жиҳатларга эга бўлиб, инсониятнинг эзгу интилишларини, мақсад ва манфаатларини ўзида ифодалаган бўлса воқеаликка айланади.

Мазмун-моҳиятига кўра ғоялар бунёдкор ва бузғунчи ғояларга бўлинади.

Бунёдкор ғоялар умуминсоний қадриятларга асосланган, юксак ижтимоий-ахлоқий мазмунга, бой маънавий асосга ва демократик тамойилларга эга бўлган, инсониятнинг эзгу интилишларини, мақсад ва манфаатларини ўзида ифодалаган, жамият ва миллат равнақига хизмат қилувчи ғоялардан иборатдир.

Бузғунчи, вайронкор ғоялар эса, аксинча, умуминсоний қадриятларга зид келувчи, жамият тараққиётига тўқинлик қилувчи, инсоният, миллат, халқ ва инсон бошига кулфат келтирувчи ва ҳалокатга элтувчи ғоялардан иборат.

Ғоялар ўз характерида кўра ижтимоий, сиёсий, илмий, диний каби турларга бўлинади.

Ижтимоий ғоялар – жамият ҳаёти тўғрисида, унинг турли соҳалари (иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий) га тааллуқли, муайян тарзда изчилликка эга бўлган янги фикрларнинг илгари сурилишини ўзида ифодалайди.

Сиёсий ғоялар – жамият сиёсий ҳаётига тааллуқли муайян сиёсий мақсадларни амалга оширишга йўналтирилган ва сиёсий манфаатларни ўзида ифодалаган сиёсий қарашлар, фикрларни ўзида мужассамлаштирган бўлади.

Илмий ғоялар – табиат, жамият ва инсон тўғрисида, оламнинг нарса ва ходисалари тўғрисида яратилган, инсониятнинг олам тўғрисидаги тасаввурларини кенгайтиришга хизмат қилувчи муайян фикрлар, қарашларни ўзида ифодалайди.

Диний ғоялар – моддий олам, табиат, жамият, давлат ва инсоннинг мавжудлигини илоҳий жиҳатдан тушунтиришга асосланган ғояларни англатади. Диний ғоялар турлича кўринишда бўлади. Якка худоликка асосланган диний ғоялар, бутун оламни яратган ва уни бошқарувчи, адолатнинг юксак намунаси, моддий оламдан ташқарида мавжуд бўлган, айти вақтда баркамолликнинг олий кўринишига эга бўлган олий мавжудод, яъни Худо амри билан рўй берувчи ҳар қандай ғайри табиий ходисаларни ифодалайди.

Фойдаланиш учун адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 2003 й.
2. Имом Бухорий. «Ҳадис». 4-жилдлик. Т. Қомуслар бош таҳририяти, 1992 й.
3. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т., Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993 й.
4. Қайқовус. Қобуснома. Т., «Ўқитувчи» нашриёти, 1986 й.
5. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк. Т., «Адолат», 1997 й.
6. Юсуф Хос хожиб. Қутадғу билиг. Т., «Юлдузча» нашриёти, 1990 й.
7. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. Т., Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1991 й.
8. Амур Темур. «Темур тузуклари». Т., Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1996 й.
9. Мирзо Улуғбек «Тўрт улус тарихи». Т., «Чўлпон» нашриёти. 1994 й.
10. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Т., Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1983 й.
11. Заҳриддин Муҳаммад Бобур. «Бобурнома». Т., «Чўлпон» нашриёти. 1989 й.
12. Насафий. Ҳазрат Баҳовуддин Нақшбанд. Т., «Фан» нашриёти. 1993 й.
13. Херман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. Т., Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990 й.
14. Абдулла Авлоний. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. Т., «Ўқитувчи» нашриёти, 1992 й.
15. Фозилбек Отабек ўғли. Дукчи Эшон воқеаси. Т., «Чўлпон» нашриёти, 1992 й.
16. Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. Т., «Маънавият», 1997 й.
17. Абдулҳамид Чўлпон. Гўзал Туркистон. Т., «Маънавият», 1997 й.
18. Иброҳим Мўминов. Амур Темурнинг Ёрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Т., «Фан» 1993 й.
19. Ислоҳ Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1996 й.
20. Ислоҳ Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1996 й.
21. Ислоҳ Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1996 й.
22. Ислоҳ Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1996 й.
23. Ислоҳ Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-жилд. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1997 й.
24. Ислоҳ Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1997 й.
25. Ислоҳ Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1998 й.
26. Ислоҳ Каримов. Жамиятимиз мафкуриси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига жавоблар. 1998 й, 2-сон.
27. Ислоҳ Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. «Мулоқот» журнали, 1998 й, 5-сон.
28. Ислоҳ Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1998 й.
29. Ислоҳ Каримов. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1999 й.
30. Ислоҳ Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 2000 й.
31. Ислоҳ Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1999 й.
32. Ислоҳ Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1999 й.

33. Ислом Каримов. Миллий истиқлол – мафқураси халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. «Фидокор» газетаси мухбири саволларига жавоблар. Т., « Ўзбекистон» нашриёти, 2000 й.
34. Ислом Каримов Юксак маънавият- енгилмас куч. – Т.: «Маънавият» нашриёти, 2008й.
35. Баркамол авлод орзуси. Т., «Шарқ» нашриёти, 1999 й.
36. Соғлом авлод – бизнинг келажакимиз. Т., Ибн Сино номидаги нашриёт, 2000 й.
37. Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия. Т., Қомуслар бош таҳририяти, 1997 й.
38. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. (Олий таълим муассасалари учун қўлланма) Тошкент. «Янги аср авлоди». 2001 йил.
39. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. (Изоҳли кўргазмали воситалар тўплами) Тошкент. «Янги аср авлрди». 2001 й.
40. А.А.Азизхўжаев. Мустақиллик, курашлар, изтироблар ва қувончлар. – Т.: 2001 й.
41. А.А.Азизхўжаев. Чин ўзбек иши. – Т.: «Академия» нашриёти. 2003 й.
42. Абдуллажон Бегматов. Маънавият фалсафаси ёхуд Ислом Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши. – Т.: «Шарқ». 2000 й.
43. А.Абдуллажонов. Диний ақидапарастликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши. – Т.: 2002 й.
44. А.Жалолов. Мустақиллик масъулияти. –Т.: «Ўзбекистон».1996 й.
45. Азиз Қаюмов. Абу Райхон Беруний. Абу Али Ибн Сино. – Т.: «Ёш гвардия» нашриёти. 1987 й.
46. Б.Ахмедов. Амур Темур. – Т.: Абдулла Қодирий номли халқ мероси нашриёти. 1998 й.
47. Б.Бойқобилов. Ўзбекнома. – Т.: Шарқ. 1999 й.
48. Д.Алимова. Инсоният тарихи – ғоя ва мафқуралар тарихидир. – Т.: Янги аср авлоди. 2001 й.
49. Э.Тўрақулов, С.Рахимов. Абу Райхон Беруний. Рухият ва таълим-тарбия ҳақида. – Т.: «Ўқитувчи» нашриёти, 1992 й.
50. Ф.Эргашев, И.Эргашев. Фидойилик – ҳаёт мазмуни. – Т.: Ўзбекистон. 2001 й.
51. Ҳалимбой Бобоев. Амир Темур ва темурийлар салтанати. – Т.: «Камалак». 1996 й.
52. Ҳ.Бобоев, З. Ғофуров. Миллий истиқлол мафқураси ва тараққиёт. – Т.: Янги аср авлоди. 2001 й.
53. Ҳ.Ҳамидов. Олис-яқин юлдузлар.–Т.:«Чўлпон» нашриёти.1990 й.
54. И.Эргашев. Тараққиёт фалсафаси. - .: Академия. 2000 й.
55. И.Эргашев. Сиёсат фалсафаси. – Т.: академия. 2004 й.
56. И.Эргашев ва бошқ. Миллий истиқлол ғояси. Дарслик. – Т.: Академия. 2005 й.
57. Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш . –Т.: Университет. 1999 й.
58. Жалолиддин Мангуберди. – Т.: Шарқ. 1999 й.
59. Жумабой Раҳимов. Туроннинг Шерюрак баҳодирини. – Т.: «Ўқитувчи». 1999й
60. К.А.Юнусов ва бошқ. Халқаро терроризм –инсониятга суиқасд. – Андижон. «Ҳаёт» нашриёти, 2004 й.
61. К.А.Юнусов, М.Рахматуллаева. Социологиядан практикум. – Т.: Янги аср авлоди. 2005 й.
62. К.А.Юнусов ва бошқ. Маҳалла – демократик бошқарувнинг ноёб намунаси. – Т.: Зар қалам. 2006 й.
63. Маънавият юлдузлари. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги нашриёт. 1999 й.
64. Маънавият камолот омиллари. – Т.: «Университет». 1995 й.
65. Маънавий камолот омиллари. –Т.: «Университет», 1995 й.
66. М.Иомоназаров. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. – Т.: «Шарқ», 1998 й.
67. М.Жакбаров. Комил инсон ғояси: тарихий-фалсафий таҳлил. – Т.: «Абу Али ибн Сино» нашриёти, 2000 й.
68. М.Жакбаров. Комил инсон ғояси. – Т.: Янги аср авлоди. 2002 й.
69. Миллий истиқлол ғояси ва мафқураси: фалсафий ва ҳуқуқий жиҳатлар. – Т.: 2001 й.

70. Миллий истиқлол ғояси тарғиботининг илмий асослари. – Т.: 2002 й.
71. Миллий ғоя – бизнинг ғоя. – Т.: 2001 й.
72. Миллий ғоя – бизнинг ғоя. Республика илмий-амалий конф. Материаллари. Андижон. АДУ. 2006 й.
73. Муртазо Қаршибой. Бунёдкор халқ ғояси. – Т.: Маънавият. 2001 й.
74. Мустақиллик изоҳли илмий – оммабоп луғат. – Т.: «Шарқ». 1998 й.
75. М.Бекмуродов. Ўзбек менталитети. – Т.: 2004 й.
76. Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. 1-китоб. – Т.: «Ёзувчи» нашриёти, 1996 й.
77. Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. 2-китоб. – Т.: Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат ҳамда «Ўзбекистон» нашриётлари. 1999 й.
78. Н.Комилов. Тафаккур карвонлари. – Т.: Маънавият. 1999 й.
79. Нарзулла Жўраев. Агар огоҳ сен. – Т.: «Ёзувчи» нашриёти. 1998 й.
80. Н.Жўраев. Мафкуравий иммунитет. – Т.: Маънавият. 2001 й.
81. Қ.Назаров. Миллий истиқлол ғоясининг асосий мақсад ва вазифалари. – Т.: Янги аср авлоди. 2001 й.
82. Сайфуддин Жўраев. Шарқона босиқлик сири. – Т.: «Ўзбекистон», 1994 й.
83. С.Отамуратов, С.Мамашокиров, А.Холбеков. Марказий Осиё: ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар. – Т.: Янги аср авлоди. 2001 й.
84. Садулла Отамуратов, Сарвар Отамуратов. Ўзбекистонда маънавий-руҳий тикланиш. – Т.: Янги аср авлоди. 2003 й.
85. Тарих, мустақиллик, миллий ғоя. – Т.: Академия. 2001 й.
86. Темурнома. – Т.: «Чўлпон» нашриёти. 1990 й.
87. Т.О.Ортиқов. Муқаддас динимиздаги эзгулик ва дин никоби остидаги разолат. Анд.АДУ. 2004 й.
88. У.Убайдуллаев. Халқаро терроризм: тарихи ва замонавий муаммолари. – Т.: Университет. 2002 й.
89. В.Каримова, А.Умаров, М.Қурононов. Миллий истиқлол ғоясини халқимиз онгига сингдириш омиллари ва воситалари. – Т.: Янги аср авлоди. 2001 й.
90. Ватан саодати. – Т.: «Шарқ». 1998 й.
91. Ватан туйғуси. – Т.: «Ўзбекистон». 1996 й.
92. З.И.Мунавваров. Ислом: Бағрикенглик ва мутаассиблик. – Т.: 1998 й.
93. З.Хусниддинов. Ислом – йўналишлар, масхаблар, оқимлар. – Т.: Мовароуннаҳр. 2000 й.
94. Ш.Пахруддинов. Таҳдид – ҳалокатли куч. – Т.: Академия. 2001 й.
95. Ўзбекистон Республикаси Энциклопедияси. – Т.: Қомуслар Бош таҳририяти. 1997 й.
96. Ў.Абилов. Миллий ғоя, маънавий омиллар. – Т.: Маънавият. 1999 й.

МИЛЛИЙ ҒОЯ БЎЙИЧА МАХСУС АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Миллий истиқлол ғояси: асосий хусусиятлари, фалсафий ва тарихий илдизлари. Масъул муҳаррир Қ.Назаров. Тошкент – 2001 й.
2. Ғоя ва мафкура. Масъул муҳаррир Қ.Назаров. Тошкент – 2001 й.
3. Миллий истиқлол ғоясини халқимиз онгига сингдириш омиллари ва воситалари. Масъул муҳаррир Қ.назаров. Тошкент – 2001
4. Марказий Осиё: ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдид. Масъул муҳаррир Қ.Назаров. Тошкент – 2001 й.
5. Миллий истиқлол ғоясининг амал қилиш тамойиллари. Тошкент – 2001 й.
6. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Масъул муҳаррир Қ.Назаров. Тошкент – 2001 й.
7. Миллий ғоя инсон ва замон. Масъул муҳаррир Қ.Назаров. Тошкент–2001й
8. Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти ва мафкуравий жараёнлар. Масъул муҳаррир Қ.Назаров. Тошкент – 2001 й.
9. Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти ва мафкуравий жараёнлар. Масъул муҳаррир Қ.Назаров. Тошкент – 2001 й.
10. Инсоният тарихи ғоя ва мафкуралар тарихидир. Масъул муҳаррир Қ.Назаров. Тошкент – 2001 й.
11. Қ.Назаров. Миллий истиқлол ғоясининг асосий мақсад ва вазифалари. Тошкент – 2001 й.
12. Бунёдкор ғоя. Масъул муҳаррир Қ.Назаров. Тошкент – 2001 й.
13. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси. Масъул муҳаррир Қ.Назаров. Тошкент – 2001 й.
14. Ғоя, тарих ва миллий тафаккур. Масъул муҳаррир Қ.Назаров. Тошкент – 2002 й.
15. Тараққиётнинг ўзбек модели. Масъул муҳаррир Қ.Назаров. Тошкент –2001 й.
16. Л.Левитин. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. – Т.: Ўзбекистон, 2001 й.
17. М.Шарифхўжаев. Ўзбекистон янги ғоялар, янги ютиқлар. – Т.: 2002 й.
18. М.Шарифхўжаев, Ф.Раҳимов. Даврни белгилаб берган инсон. – Т.: 2004 й.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**У.ЭШОНХЎЖАЕВ НОМИДАГИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
БОШҚАРМАСИ**

**МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА
ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ**

**Нашр учун маъсул : Юнусов К.А.
Техник муҳаррир: Б. Аҳмедов
Дизайнер: Б. Аҳмедов**

**Босишга 12.01.2009 йилда рухсат этилди.
Бичими 60x64. Ҳажми 9 б.г. Адади 500 дона
Буюртма № 03**

**К.Т. «Аҳмадбек-98» ХИЧСФ Б.Б.
Андижон шаҳар Храбек куча 94-б уй**

140,1,138,3,136,5,134,7,132,9,130,11,128,13,126,15,124,17,122,19,120,21,118,23,116,25,114,27,112,29,110,31,108,33,106,35,104,37,102,39,100,41,98,43,96,45,94,47,92,49,90,51,88,53,86,55,84,57,82,59,80,61,78,63,76,65,74,67,72,69

70,71,68,73,66,75,64,77,62,79,60,81,58,83,56,85,54,87,52,89,50,91,48,93,46,95,44,97,42,99,40,101,38,103,36,105,34,107,32,109,30,111,28,113,26,115,24,117,22,119,20,121,18,123,16,125,14,127,12,129,10,131,8,133,6,135,4,137,2,139